Расчетная схема колеса приведена на рис 1.

$$\Pi = \frac{\sigma_k^a}{\sigma_{аз}} ; \quad (1)$$

σ_k^a – средний предел выносливости по амплитуде диска натурального колеса в расчетной зоне при установившемся режиме переменного нагружения на базе 10^8 циклов,

$\sigma_{аз}$ - расчетная величина амплитуды условного стационарного нагружения колеса приведенная к базе 10^8 циклов, действие которого по накоплению повреждений эквивалентно действительному нестационарному эксплуатационному режиму за расчетный срок службы колеса [6].

σ_k^a находится с учетом понижающего коэффициента 0,75 из соотношения:

$$\sigma_k^a = 0.75(\sigma_k^{max} - \sigma_k); \quad (2)$$

Где $\sigma_k^{max} = 0.5\sigma_B = 0.5 \cdot 910 = 455$ МПа – максимальное напряжение цикла при определении предела выносливости стали колеса марки 2 по ГОСТ 10791 – 2011, [7] зависящее от предела прочности;

$\sigma_k = \frac{\sigma_k^{max} + \sigma_k^{min}}{2} = 250$ МПа – среднее напряжение цикла при определении предела выносливости стали марки 2 с коэффициентом асимметрии $r = 0,1$ [8].

Из формулы (2) $\sigma_k^a = 154$ МПа

Расчетная величина амплитуды в зоне сопряжения диска с ободом рассчитается по формуле:

$$\sigma_{аз} = \sqrt{\frac{m}{N_0} \cdot \frac{0,5}{1+k_n} \cdot \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^{12} \frac{\lambda_j}{\sqrt{2\pi} S_{\sigma_{ij}}} \int_{\sigma_{min}}^{\sigma_{max}} \sigma^m e^{-\frac{(\sigma-\sigma_{ij})^2}{2S_{\sigma_{ij}}^2}} d\sigma}, \quad (3)$$

где $m=9$ – показатель степени кривой усталости колес;

$N_0=10^8$ – базовое число циклов;

$N_c=30 \cdot 10^8$ – суммарное число циклов действия вертикальной нагрузки за расчетный срок службы колеса;

$\sigma_{min}, \sigma_{max}$ – минимальные и максимальные значения амплитуд напряжений в расчетной зоне;

j – номер блока нагрузок;

i – порядковый номер варианта расчетной толщины обода;

K_n – коэффициент порожнего пробега вагона;

$n=5$ – число вариантов толщин обода колеса с учетом обточек при ремонте;

λ_j – доля движения колеса без дефектов, с ползуном и неравномерным прокатом в общем пробеге колеса, [9] соответственно $\lambda_1=0,838$; $\lambda_2=0,150$; $\lambda_3=0,012$;

$\bar{\sigma}_{ij} = \sigma \bar{P}_j \left(1 + 0,683 \frac{Q_j}{P_j} \right)$ – среднее значение напряжения в блоке;

$S_{\sigma_{ij}} = \sigma S_{P_j} \left(1 + 0,683 \frac{S_{Q_j}}{S_{P_j}} \right)$ - среднеквадратичное отклонение в блоке.

Среднеквадратичные отклонения, рассчитанные по [10], составили: $S_{P_1}=26,5$ кН – для колеса без дефектов; $S_{P_2}=21,2$ кН – для колеса с ползуном; $S_{P_3}=62,7$ кН; $S_Q=14,2$ кН.

Повреждающими амплитудами являются $\sigma_{min} \geq 0,5\sigma_k$. Если $\sigma_{max} \leq 0,5\sigma_k$, то значение интеграла в формуле (3) принималось равным нулю [11].

В выражении (3) принималось:

$\sigma_{min} = \sigma_j - 2,5 S_{\sigma_j}$; $\sigma_{max} = \sigma_j + 2,5 S_{\sigma_j}$.

Нагрузки, приведенные в таблице 1 прикладывались к модели колеса, разработанной в программе SolidWorks, согласно на рис.1. Материал колеса выбирался из базы данных

конечно - элементного анализа SolidWorks/Simulation, свойства которого соответствовали марки 2 по ГОСТ 10791 – 2011. Закрепление колеса назначались на основании расчетной схемы колеса [1]. После этого автоматически генерировалась конечно-элементная сетка из тетраэдральных 10-узловых конечных элементов с 3-мя степенями свободы в каждом узле. Общее число конечных элементов в модели 40586. В результате от действующих нагрузок, приведенных в таблице 1, определены напряжения Мизеса в расчетной зоне колеса и сведены в эту же таблицу.

- колесо цельнокатаное с плоскоконическим диском, диаметром по кругу катания 957 мм, изготовленное по ГОСТ 10791-2011, сталь марки 2;




Рис.1. Плоскоконический диск напряженном состоянии в Solidworks.

Расчет коэффициента запаса прочности колеса расчетной зоны при известных средних напряжениях, возникающих за срок службы, реализован в программе MathCad. Фрагмент записи программного кода представлен на рис.2

$$\sigma_{mid59} := 90 \quad \sigma_{min59} := 42.5 \quad S59 := 0.45 \quad \lambda59 := 0.06 \quad \sigma_{max59} := \sigma_{mid59} + 2.5 \cdot S59 \quad \sigma_{max59} = 91.125$$

$$int59 = \frac{\lambda59}{\sqrt{2\pi \cdot S59}} \int_{\sigma_{min59}}^{\sigma_{max59}} \sigma^m \cdot e^{-\frac{(\sigma - \sigma_{mid59})^2}{2 \cdot S59^2}} d\sigma \quad \text{int59} = 2.31 \cdot 10^{16}$$

$$\sigma_{mid60} := 139 \quad \sigma_{min60} := 42.5 \quad S60 := 1.13 \quad \lambda60 := 0.0048 \quad \sigma_{max60} := \sigma_{mid60} + 2.5 \cdot S60 \quad \sigma_{max60} = 141.825$$

$$int60 = \frac{\lambda60}{\sqrt{2\pi \cdot S60}} \int_{\sigma_{min60}}^{\sigma_{max60}} \sigma^m \cdot e^{-\frac{(\sigma - \sigma_{mid60})^2}{2 \cdot S60^2}} d\sigma \quad \text{int60} = 9.249 \cdot 10^{16}$$

$$\sigma_a := \sqrt[9]{30 \cdot \frac{0.5}{1+0.4}} \cdot \frac{1}{5} \left[(int1 + int2 + int3 + int4 + int5 + int6 + int7 + int8 + int9 + int10 + int11) \right]$$

$$\sigma_a = 143.325$$

$$\sigma_k := 210.75$$

$$n := \frac{\sigma_k}{\sigma_a}$$

$$n = [1.47]$$

Рисунок 2. Фрагмент записи кода в программе Mathcad для расчета запаса прочности колеса в расчетной зоне по формуле 3

Результат расчета, учитывая осевое остаточных технологических напряжений колеса составил $n=1,47$ что может служить причиной его излома от неучтенных в нормах нагрузок в эксплуатации.

Предложенная методика расчета коэффициента запаса прочности актуальна только для зоны перехода диска в обод.

Учитывая тот факт, что в эксплуатации имеются отказы колес вагонов, связанные с появлением усталостных трещин в зоне перехода диска в обод до окончания назначенного срока службы, то следует учитывать остаточные технологические напряжения в расчетах колес на прочность от действия динамических нагрузок.

Выводы:

1. Составленный программный код в MathCad при обмене данными по напряжениям, вычисленными в конечно-элементном пакете SolidWorks/Simulation, позволил автоматизировать расчет прочности колеса;

2. Изложенный алгоритм расчета, полученные исходные данные, реализованный в программе MathCad могут послужить основой для оценки прочности колес с различной конфигурацией дисков, а также уровнем остаточных технологических и эксплуатационных напряжений.

Список литературы

- [1]. Кушнер В.С., Крутко А.А., Воробев А.А., Губенко С.И., Иванов И.А. & Керентсев Д.Ю. Влияние структуру и механических характеристик колесных сталей на изнашивание и режимы восстановления профиля колесных пар. Омск, Омский государственный технический университет, 2015. 224 ст.
- [2]. Нормы для расчета и проектирования вагонов железных дорог МПС колеи 1520 мм (несамоходных)/ГосНИИВ-ВНИИЖТ.-1996.-С. 289-292.
- [3]. Результаты расчета коэффициента запаса прочности колеса с коническим диском тележки грузового вагона с помощью Mathcad / А.В. Якушев, А.Е. Архипова, Р.М. Гетманец // Наукоедение. – 2014. -№5.- С.1-11.
- [4]. Остаточные напряжения в цельнокатаных колесах после упрочняющей обработки / И.А. Иванов, Д.П. Кононов, С.В. Урушев, А.В. Якушев // Известия ПГУПС. – 2016. -№3. С.337-343.
- [5]. Shokuchkorov K.S., Ruzmetov Y.O., Raximov R.V., Yoldoshov R.M. Analysis method for assessing the strength of freight wagon wheels. 4th International conference on advance research in humanities, applied sciences and education-2022. New York, USA on July 28th 2022. Art. 171-182.
- [6]. ГОСТ Р 54093–2010. Колёса железнодорожного подвижного состава. Методы определения остаточных напряжений [Текст]. – Введ. 2011–07–01. – М. : Стандартинформ, 2011. – 15 с.
- [7]. ГОСТ 10791–2011. Колёса цельнокатаные. Технические условия [Текст]. – Введ. 2011–07–01. – М. : Стандартинформ, 2011. – 27 с.
- [8]. EN 13262:2004 +A2. Railway applications – Wheelsets and bogies – Wheels – Product requirements [Text]. – European committee for standardization, 2011. – 47 p.
- [9]. Канаев, А. Т., Богомолов, А. В., Канаев, А. А. Повышение износостойкости и прочности колесной стали плазменным упрочнением // Наука и техника Казахстана. – № 2. – 2018. – С. 37–44.
- [10]. EN 13979-1:2003+A2. Railway applications – Wheelsets and bogies – Monobloc wheels – Technical approval procedure – Part 1 : Forged and rolled wheels [Text]. – European committee for standardization, 2011. – 50 p.
- [11]. Вайнорюте, В. В., Дычко, И. Н., Богомолов, А. В. Разработка технологии получения заготовки для железнодорожных колес на базе ТОО «Проммашкомплект» // Наука и техника Казахстана. – № 1. – 2018. – С. 41–51.

ҚУРИТИШ БАРАБАНИ НАСАДКАЛАРИДАГИ МАТЕРИАЛНИНГ МИҚДОРНИ НАЗАРИЙ ҲИСОБЛАШ

Р.Ж. Тожиев, А.А. Ахунбаев, А. Абдуразақов, М.А. Хусанбоев

Фаргона политехника институти, e.mail: a.axunboyev@ferpi.uz ORCID:0000-0001-6764-3690
(Қабул қилинди 4.10.2022 й.)

Мақолада сочилувчан ва донадор материалларни қуритиш мўлжалланган барабанли аппарат насадкасидаги материал миқдорини назарий ҳисоблаш усули берилган. Қуритувчи барабаннинг айланма ҳаракатида материалнинг физик ва геометрик параметларига боғлиқ равишда унинг

миқдорини ва эгаллаган юзасини аниқлаш учун тенгламалар келтирилган.

Таянч сўзлар: қуритиш барабани, насадка, табиий қиялик бурчаги, барабаннынг кўндаланг кесими, материалнинг тақсимланиши, материалнинг тўлдириш коэффициентини.

В статье представлен метод теоретического расчета количества материала в насадке барабанного аппарата, предназначенного для сушки сыпучих и дисперсных материалов. Представлены уравнения для определения количества материала и его занимаемой поверхности в зависимости от физических и геометрических параметров материала при вращательном движении сушильного барабана.

Ключевые слова: сушильный барабан, насадка, естественный угол наклона, поперечное сечение барабана, распределение материала, коэффициент заполнения материала.

The article presents a method of theoretical calculation of the amount of material in the nozzle of a drum machine designed for drying bulk and dispersed materials. Equations are presented for determining the amount of material and its occupied surface depending on the physical and geometric parameters of the material during the rotational movement of the drying drum.

Key words: drying drum, nozzle, natural angle of inclination, drum cross-section, material distribution, material filling factor.

Барабанли қуритгичлар учун замонавий талабларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, материални қуритишда намликни минимал энергия сарфи билан чиқариб олиш керак. Бунинг учун қуритилган минерал ўғит ва иссиқлик ташувчининг максимал алоқасини таъминлаш керак, яъни иссиқ газлар энергиясидан тўлиқ фойдаланиш орқали эришилади. Бунга тўғридан-тўғри қуритиш барабанида газ ва қаттиқ фазалар ўртасида иссиқлик ва масса алмашинуви интенсивлигини ошириш орқали эришиш мумкин [1,2]. Турли хил вариантларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу муаммони ҳал қилишнинг бир неча усуллари мавжуд, улардан энг самаралиси:

- барабаннынг кўндаланг кесими бўйлаб насадкалардан тушган материалнинг тақсимланишининг бир хиллигини ошириш;
- барабан материалнинг тўлдириш коэффициентининг оптимал қийматини танлаш;
- заррачаларнинг қуритиш зонасида туриш вақтини ошириш.

Биринчи усулни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, материалнинг тақсимланишининг бир хиллигини оширишга фақат қуритилиши керак бўлган ўғитнинг физик-кимёвий хусусиятларига тўлиқ мос келадиган ички тақсимлаш мосламаларини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Маълумки, қуритиш барабанининг узунлиги бўйлаб материал турли хил намликка эга бўлиб, бунинг натижасида турли хил физик –кимёвий хусусиятларга эга бўлади. Масалан, оқувчанлик, табиий қиялик бурчаги ва ёпишқоқлик хусусиятлари материалнинг намлигига қараб, барабан узунлиги бўйича ўзгаради. Қуритиш учун материалнинг хусусиятларига қараб, насадкаларнинг шакллари турлича бўлиши мумкин. Қаттиқ материал ёпишқоқ бўлса, насадка ва барабаннынг ички деворларига ёпишиб қолса, насадканинг текис шакллари қўлланилади. Қуритиш учун материаллар яхши сочилувчан бўлса, саноат қуритгичларда энг кўп ишлатиладиган турли бурчакли насадкалардан фойдаланиш мумкин.

Муайян насадка турини танлаш материалнинг маълум физик-кимёвий хусусиятларига ва якуний маҳсулотга қўйиладиган талабларга боғлиқ.

Апаратнинг оптимал юкланиш коэффициентини аниқлашда насадкадаги материал ҳажмини, насадкалардан сочилган материал миқдорини билиш жуда муҳимдир. Барабандаги материал миқдори оптимал қийматдан кам бўлиши унинг унумдорлигини пасайишига олиб келади.

Аксинча, ортиқча материал аппаратда қуритиш жараёнида иштирок этмайдиган қатлам ҳосил бўлишига ва аппаратни ортиқча юклашга олиб келади. Бу қуритиш жараёнининг интенсивлигининг пасайишига ва кераксиз энергия сарфига олиб келади. Агар барабанли қуритгичда насадка формасини материалнинг хусусиятларини ҳисобга олмасдан танланса, унинг тузилиши қуритилиши керак бўлган маҳсулотга етарлича мослаштирилмаган бўлса, бу материални тақсимлашда бир қатор камчиликларга олиб келади. Одатда, бир қуритгичда бир неча турдаги насадкалар қўлланилади ва маълум бир

материалнинг намлиги ва ёпиштирувчи хусусиятларига қараб, ҳар бир қуритиш зонаси учун кўпроқ мос келадиган насадка шакли қўлланилади. Шу муносабат билан адабиётларда қуритгичдаги насадканинг бурчак ҳолатига қараб, ундаги моддий юкни аниқлашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар, шунингдек, барабандаги заррачалар оқимининг гидродинамикасини ўрганиш усуллари мавжуд.

Қуритгичнинг оптимал юкланиш оралиғида ишлаши учун насадкалар томонидан юқорига кўтариб, сўнгра сочиб бериладиган қаттиқ моддалар миқдори ҳақидаги маълумотлар жуда муҳимдир. Тадқиқотчилар, барабаннинг оптимал ишлаши учун, унинг умумий ҳажмига нисбатан қаттиқ моддалар ҳажмини 10-15% оралиғида ва насадкаларнинг шакли ва сонини, қуритгичнинг иш шароитларига мос ҳолда танлашни тавсия қиладилар. Агар барабаннинг юкланиши ушбу диапазоннинг чегарасидан камроқ бўлса, қуритгич ўз имкониятларидан пастроқ, самарасиз ишлайди. Бошқа томондан, материал барабаннинг юкланиши диапазоннинг чегарасидан кўпроқ бўлса, қуритгичда ортикча миқдордаги материал тўпланади, бу қуритилаётган моддаларнинг аппаратда бўлиш вақтини қисқартиради. Бунинг оқибатида материалнинг бир қисми керакли намлик даражасигача қуритилмаслиги ва якуний маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин [3].

Ҳар бир насадкадаги қаттиқ моддалар миқдори унинг геометриясига, барабан ичидаги насадканинг бурчак θ ҳолатига ва қаттиқ жисмларнинг эркин сочилиш бурчаги билан горизонтал ўртасида ҳосил бўлган характерли бурчакка боғлиқ бўлиб, бу табиий қиялик бурчаги деб ҳам аталади. Бу бурчакни оғирлик кучи, марказдан қочма куч ва насадкадан тушмоқчи бўлган заррачага таъсир қилувчи ишқаланиш кучларини мувозанати орқали аниқлаш мумкин [4]:

$$\tan \varphi = \frac{\mu + R_0 \frac{\omega^2}{g} (\cos \theta - \mu \sin^{-1} \theta)}{1 - R_0 \frac{\omega^2}{g} (\sin^{-1} \theta + \mu \cos \theta)} \quad (1)$$

Шуни таъкидлаш керакки, (1) тенглама фақат доимий намликдаги қаттиқ моддалар учун синовдан ўтган, бу ҳақиқий қуритиш жараёнига тўлиқ мос келмайди. Қаттиқ модда қуритгичда ҳаракатланаётганда намликнинг камайиб бориши сабабли, ҳақиқий қуритгичларни лойиҳалашда (1) тенгламадан фойдаланишдан олдин буни ҳисобга олиш керак. Агар материалнинг табиий қиялик бурчаги φ , маълум бўлса қуритгичнинг ички айланасидаги насадканинг бурчак ҳолати θ маълум бўлса, у ҳар қандай шаклдаги нозуллар учун материал билан тўлдирилган кўндаланг кесими майдонини ҳисоблаш мумкин. Бу ҳолатда материалнинг насадкалардаги миқдори уларнинг геометрияси, бурчак ҳолати ва материалнинг табиий қиялик бурчаги бўйича аниқланади.

Материалнинг табиий қиялик бурчаги φ ва икки сегментли насадкалар учун қуритгичнинг ички айланасидаги бурчак θ қиймати маълум бўлса, насадкадаги материал эгаллаган кўндаланг кесими юзаси S ни ҳисоблаш мумкин. Бундай икки сегментли насадкалар учун кўплаб тадқиқотчилар томонидан материал эгаллаган кўндаланг кесими юзаси S ни ҳисоблаб чиқилган [5]. Ушбу тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, насадкани материал билан тўлдириш насадканинг барабандаги шакли, бурчак ҳолати ва материалнинг табиий қиялиги бурчагига боғлиқ бўлади.

Насадкадаги материал эгаллаган кўндаланг кесим юзаси майдони маълум бўлса, қуритиш барабанинг исталган бурилиш бурчагидаги насадка учун ундаги материал миқдорини аниқлаш мумкин. Ҳар қандай насадка учун материал миқдори қуйидаги тенглама билан аниқланади.

$$h^*(\theta_i) = S_i L \rho_s \quad (2)$$

Бу ерда: h^* - маълум бир бурчак θ_i ҳолатида насадкадаги материалнинг миқдори; ρ_s - материалнинг зичлиги; L - қуритгич узунлиги.

Қуритгич барабанининг айланма ҳаракати туфайли қуритгичнинг ички айланаси бўйлаб бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтганда насадкалар томонидан сочилган материал миқдори қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$h_{d,i}^* = h_{i-1}^* - h_i^* \quad (3)$$


Бу ерда h_d^* - насадкадан сочилган материал миқдори.

У ҳолда, насадкалардан сочилган материалнинг умумий миқдорини қуйидаги тенгламадан топилади:

$$H^* = 2 \sum h^* - h_0^* \quad (4)$$

(4) тенгламадаги $\sum h^*$ насадкадаги 0 дан 180 ° гача бўлган материаллар массаларининг йиғиндиси бўлиб, θ бурчак остида насадкада ушлаб турилган материал миқдори h^* га тенг бўлади. $\theta = 0^\circ$ бурчак ҳолатида бўлган насадкадаги материал миқдори h_0^* га тенг бўлади.

Уч қисмдан иборат насадка шакли учун бурчак ҳолатига қараб насадкадаги материалнинг массасини ҳисоблаш тенгламасини кўриб чиқамиз. 2-расмда кўриб чиқиладиган тенгламаларда ишлатиладиган асосий ўлчамлар ва ўзгарувчиларни кўрсатадиган учта сегментли насадка схемаси кўрсатилган.



2-расм. Барабан ўқида жойлашган стационар координаталар тизими (X,Y) ва насадка учида жойлашган ҳаракатланадиган (x,y) координаталар схемаси.

Ушбу усулда иккита Декарт координаталари системасини кўриб чиқилади, улардан бири ҳаракатланувчи насадка учидаги (x, y) нуктада жойлашган. Иккинчи Декарт координаталар системасининг бошланиши (X,Y) барабан ўқида ва абсцисса ўқи бўйлаб горизонтал жойлашган. 2-расмда насадкани қисмлари L_1 , L_2 ва L_3 узунликда бўлиб, улар орасидаги бурчаклар α_A ва α_B га тенг. Стационар декарт координаталарининг бошланиши (X, Y) барабан ўқида, X ўқи эса горизонтал жойлашган. Уч қисмли насадкадаги материал ҳажмини ҳисоблаш учун аввал A, B ва C нукталарининг координаталари ҳисобланади ва шу билан иккала координаталар тўплами орасидаги бурчак δ ҳисоблаб чиқилади. Уч қисмли насадкадаги материал ҳажми насадкани материал билан тўлдиришнинг турли даражаларини ҳисобга олган ҳолда олинади.

Қуйидаги тенгламалар уч қисмли насадканинг координаталар ўқидаги жойлашувини белгиловчи тенгламалар бўлади. Пастки индекслар 1,2 ва 3 қисмларга таълуқли бўлади.

$$y_1 = 0 \quad (5)$$

$$y_2 = a_2 + b_2 x \quad (6)$$

$$\text{бу ерда: } a_2 = x_A \tan(\alpha_A) \quad b_2 = -\tan(\alpha_A) \quad (7)$$

$$y_3 = a_3 + b_3 x \quad (8)$$

$$\text{бу ерда: } a_3 = y_B + x_B \tan(\alpha_A + \alpha_B) \quad b_3 = -\tan(\alpha_A + \alpha_B) \quad (9)$$

A, B ва C координаталарни қуйидаги тенгламалардан топилади:

$$x_A = L_3 \quad (10)$$

$$y_A = 0 \quad (11)$$

$$x_B = x_A - L_2 \cos(\alpha_A) \quad (12)$$

$$y_B = -L_2 \sin(\alpha_A) \quad (13)$$

$$x_C = x_B + L_1 \cos(\alpha_A + \alpha_B) \quad (14)$$

$$y_C = y_B - L_1 \sin(\alpha_A + \alpha_B) \quad (15)$$

Бунда С нукта стационар координаталар системасида қуйидаги тенгламага жавоб беради:

$$X_C^2 + Y_C^2 = R^2 \quad (16)$$

Қўзғалувчан координаталар системаси (x, y) қўзғалмас координаталар системаси (X, Y) билан қуйидагича боғланган:

$$X_C = X_0 + x_C \cos(\delta) + y_C \sin(\delta) \quad (17)$$

$$Y_C = Y_0 + y_C \cos(\delta) - x_C \sin(\delta) \quad (18)$$

Бу ерда: R_0 — насадканинг охириги нуктасининг айланиш радиуси:

$$X_0 = R_0 \cos(\theta) \quad (19)$$

$$Y_0 = R_0 \sin(\theta) \quad (20)$$

(17) ва (18) тенгламаларни (16) тенгламага қўйиб, биз насадканинг ҳар қандай бурчак θ ҳолати учун ечиш мумкин бўлган тенгламани оламиз. Моддий чизиқ учун қуйидаги тенгламани оламиз:

$$y = x \tan(\gamma) = x \tan(\varphi - \delta) \quad (21)$$

Моддий чизиқнинг иккинчи қисм билан кесишиши қуйидаги координаталарга эга бўлади:

$$x_2 = \frac{a_2}{\tan(\gamma) - b_2} \quad (22)$$

$$y_2 = a_2 + b_2 x_2 \quad (23)$$

Моддий чизиқнинг учинчи қисм билан кесишиши қуйидаги координаталарга эга бўлади:

$$x_3 = \frac{a_3}{\tan(\gamma) - b_3} \quad (24)$$

$$y_3 = a_3 + b_3 x_3 \quad (25)$$

Координаталар (X, Y) тўпламидаги W нукта қуйидаги тенгламани қаноатлантириши керак :

$$X_w^2 + Y_w^2 = R^2 \quad (26)$$

Моддий чизиқнинг барабан девори билан кесишиши қуйидагича аниқланади:

$$y_w = x_w \tan(\gamma) \quad (27)$$

Шундай қилиб, биз координаталар тўплами (x, y) ни (X, Y) координаталар тўплами билан боғлаб, W нукта учун қуйидаги тенгламаларга эга бўламиз:

$$X_w = X_0 + x_w \cos(\delta) + y_w \sin(\delta) \quad (28)$$

$$Y_w = Y_0 + y_w \cos(\delta) - x_w \sin(\delta) \quad (29)$$

бу ерда:

$$X_0 = R_0 \cos(\theta) \quad (30)$$

$$Y_0 = R_0 \sin(\theta) \quad (31)$$

(28) ва (29) тенгламаларни (27)тенгламага қўйиб, материал сатҳи чизикнинг барабан девори билан кесишиш нуқтаси W ни аниқлаш мумкин. Бундай ҳолатда, абсцисса ўқи куйидаги тенглама билан аниқланади:

$$x_w = -\frac{B_w \pm \sqrt{B_w^2 - 4A_w C_w}}{2A_w} \quad (32)$$

бу ерда:

$$A_w = 1 + [\tan(\gamma)]^2 \quad (33)$$

$$B_w = 2X_0 [\cos(\delta) - \tan(\gamma) \sin(\delta)] + 2Y_0 [\tan(\gamma) \cos(\delta) + \sin(\delta)] \quad (34)$$

$$C_w = R_0^2 - R^2 \quad (35)$$

Бундай ҳолда, насадканинг кўндаланг кесимида материал эгаллаган юза майдони куйидаги тенглама билан аниқланади:

- насадкадаги материалнинг кўндаланг кесими учбурчак шаклида бўлганида:

$$S = \frac{1}{2} |(x_1 \cdot y_2 + x_2 \cdot y_3 + x_3 \cdot y_1) - (x_2 \cdot y_1 + x_3 \cdot y_2 + x_1 \cdot y_3)| \quad (36)$$

-насадкадаги материалнинг кўндаланг кесими тўртбурчак шаклида бўлганида:

$$S = \frac{1}{2} |(x_1 \cdot y_2 + x_2 \cdot y_3 + x_3 \cdot y_4 + x_4 \cdot y_1) - (x_2 \cdot y_1 + x_3 \cdot y_2 + x_4 \cdot y_3 + x_1 \cdot y_4)| \quad (37)$$

-насадкадаги материалнинг кўндаланг кесими бешбурчак шаклида бўлганида:

$$S = \frac{1}{2} |(x_1 \cdot y_2 + x_2 \cdot y_3 + x_3 \cdot y_4 + x_4 \cdot y_5 + x_5 \cdot y_1) - (x_2 \cdot y_1 + x_3 \cdot y_2 + x_4 \cdot y_3 + x_5 \cdot y_4 + x_1 \cdot y_5)| \quad (38)$$

-насадкадаги материалнинг кўндаланг кесими олтибурчак шаклида бўлганида:

$$S = \frac{1}{2} |(x_1 \cdot y_2 + x_2 \cdot y_3 + x_3 \cdot y_4 + x_4 \cdot y_5 + x_5 \cdot y_6 + x_6 \cdot y_1) - (x_2 \cdot y_1 + x_3 \cdot y_2 + x_4 \cdot y_3 + x_5 \cdot y_4 + x_6 \cdot y_5 + x_1 \cdot y_6)| \quad (39)$$

Ушбу модел бурчак ҳолати ўзгарганда насадкадаги қаттиқ моддалар эгаллаган юза майдонинг ҳисоблаш имкон беради. Горизонтал текисликнинг бирлик майдони учун қаттиқ заррачаларнинг масса оқим тезлиги (F_s) куйидаги тенглама билан аниқланади:

$$F_s = \frac{\rho_s N_\omega}{2\pi R \sin^{-1}(\theta)} \frac{dS}{d\theta} \quad (40)$$

Такдим қилинган моделдаги тажриба йўли билан ҳар бир материал учун аниқланиши керак бўлган параметрлардан бири материалнинг табиий қиялик бурчаги ϕ ҳисобланади.

Адабиётлар

- [1]. Mujumdar, A. S. Mujumdar's Practical Guide to Industrial Drying / A.S. Mujumdar; edited by S. Devahastin. - Exergex Corporation, 2000. -187 p.
- [2]. Тожиев Р. Ж. и др. Анализ процесса сушки минеральных удобрений в барабанном аппарате //Universum: технические науки. – 2021. – №. 8-1 (89). – С. 31-36.
- [3]. Fernandes N. J., Ataíde C. H., Barrozo M. A. S. Modeling and experimental study of hydrodynamic and drying characteristics of an industrial rotary dryer //Brazilian Journal of Chemical Engineering. – 2009. – Т. 26. – №. 2. – С. 331-341.

- [4]. Poozesh. S. Scale-up of pharmaceutical spray drying using scale-up rules: A review / S. Poozesh, E. Bilgili // International Journal of Pharmaceutics. –2019. – Vol. 562. – P. 271-292.
- [5]. Arruda E. B. Comparação do desempenho do secador roto-fluidizado com o secador rotatório convencional: secagem de fertilizantes. Universidade Federal de Uberlândia, 2008 : дис. – Tese de Doutorado.
- [6]. Mujumdar, A. S. (2006). Rotary Drying. In Handbook of Industrial Drying (pp. 177-198). CRC Press.

УДК 631.314.6

ТРУБАЛИ ҒАЛТАКМОЛАНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

А. Тўхтақўзиев, М.М. Эргашев, Г.К. Эшматова

*Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти
(Қабул қилинди 16.02.2023 й.)*

This article presents the results of theoretical studies on the justification of the parameters of the tubular roller of the tandem roller used in combined machines. During the studies, analytical dependencies were obtained to determine the parameters of the tubular roller, on the basis of which it was established that in order to ensure complete sealing of the processed distance between the pipes of the tubular roller should not be more than 8.9 cm, the diameter of 34.7 cm and the number of pipes installed on it should be at least 11.

Keywords. *Tandem roller, planar roller, tubular roller, diameter, distance between pipes and number of pipes installed on it.*

В данной статье приведены результаты теоретических исследований по обоснованию параметров трубчатого катка тандемного катка, применяемого в составе комбинированных машин. В ходе исследований были получены аналитические зависимости для определения параметров трубчатой катки, на основе которых установлено, что для обеспечения полного уплотнения обрабатываемого расстояние между трубами трубчатого катка должно быть не более 8,9 см, диаметр 34,7 см и количество устанавливаемых на ней труб не менее 11.

Ключевые слова. *Тандемный каток, планчатый каток, трубчатый каток, диаметр, расстояние между трубами и количество устанавливаемых на ней труб.*

Ушбу мақолада комбинациялашган машиналар таркибида қўлланиладиган тандем ғалтакмола трубаи ғалтакмоласининг параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Тадқиқотларда трубаи ғалтакмола параметрларини аниқлаш учун аналитик ифодалар олинган, улар асосида тупроқнинг юқори қатламидан пастки қатламигача тўлиқ зичланиши таъминланиши учун трубаи ғалтакмоланинг трубалари орасидаги масофа кўпи билан 8,9 см, диаметри 34,7 см ва унга ўрнатиладиган трубалар сони камида 11 та бўлиши лозимлиги аниқланди.

Калит сўзлар. *Тандем ғалтакмола, планкали ғалтакмола, трубаи ғалтакмола, диаметр, трубалари орасидаги масофа ва унга ўрнатиладиган трубалар сони.*

Кириш. *Ҳозирги кунда комбинациялашган машиналар таркибида планкали, тишли планкали, сегментли, трубаи, текис сиртли, тишли ва ҳалқа-тишли ғалтакмолалардан кенг фойдаланиб келинмоқда [1]. Лекин бу турдаги ғалтакмолалар уларнинг иш кўрсаткичларига таъсир этадиган бир нечта техник ва технологик камчиликларга эга. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҚХМИТИда мавжуд ғалтакмолалар иш кўрсаткичларини ошириш йўналишларида такомиллаштирилиб, шу асосда икки қаторли(тандем) ғалтакмола ишлаб чиқилди ва унинг параметрларини асослаш бўйича илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилмоқда [2, 3].*

Материаллар ва тадқиқот усуллари. *Тандем ғалтакмола Н-шаклидаги рама 1, унга орқама-кетин ўрнатилган планкали 2 ва трубаи 3 ғалтакмолалар ҳамда тортқилар 4 дан ташкил топган (1-расм). Тортқилар 4 рама 1 ни машина билан боғлайди.*

Ғалтакмолалар рамага подшипниклар ёрдамида ўрнатилган, тортқилар ҳам рама, ҳам машина билан шарнирли боғланган ва бу ғалтакмолаларни дала рельефига мослашиб ишлашига имкон беради.

Иш жараёнида биринчи қаторга ўрнатилган планкали ғалтакмола тупроқнинг устки

қатламини юмшатади, кесакларни майдалайди ва қисман зичлайди, иккинчи қаторга ўрнатилган труба(пруток)лари ғалтакмола кесакларни қўшимча майдалайди ва тупроқни талаб даражасида зичлайди.

Ушбу мақолада тандем ғалтакмола труба(пруток)лари орасидаги масофа, диаметри ва ғалтакмолага ўрнатиладиган трубалар сонини асослаш бўйича ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Труба(пруток)ларнинг ушбу таъкидланган параметрларини назарий жиҳатдан асослашда математика ва механиканинг асосий қоида ҳамда усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Труба(пруток)ларнинг

труба(пруток)лари орасидаги масофани 2-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, тупроқнинг ғалтакмола(пруток)ларининг трубалари томонидан ишлов бериладиган юқори қатламидан пастда жойлашган қатлами тўлиқ зичланиши шартидан аниқлаймиз. Бунда 1 труба тупроққа тўлиқ, яъни белгиланган чуқурликка ботган, 2 труба эса тупроққа қисман ботган деб қараймиз. Бундан ташқари адабиётларда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда [2] ғалтакмола трубаларининг таъсир зоналари улар кўндаланг кесимларининг ташқи айланаларига уларнинг марказидан тикка нисбатан $45^\circ + 0,5\varphi_1$ (бунда φ_1 -тупроқни ғалтакмола трубасининг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги,°) бурчак остида ўтказилган нормаллар n_1, n_2, n_3 ва n_4 билан чегараланади деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таъкидланган шарт бажарилиши, яъни ғалтакмола(пруток)ларининг трубалари таъсирида тупроқнинг улар томонидан ишлов бериладиган қатламидан пастда жойлашган қатлами тўлиқ зичланиши учун улар таъсир зоналарининг чегаравий чизиқлари n_2 ва n_3 ғалтакмола(пруток)ларининг ишлов бериш чуқурлигида ёки ундан юқорида кесишиши, яъни уларнинг кесишиш нуқтаси AA чизиқда ёки ундан юқорида ётиши лозим. 2-расмдаги схемага биноан бу шарт қуйидаги тенгсизлик бажарилганда таъминланади:

$$S \leq \sqrt{(h_1 - h_2)^2 + L^2}, \quad (1)$$

бунда h_1, h_2 – мос равишда 1 ва 2 трубаларнинг тупроққа ботиш чуқурликлари, m ;


L – 1 ва 2 трубалар марказлари орасидаги бўйлама масофа, m .

2-расмда келтирилган схема асосан:


$$L = X_1 + X_2, \quad (2)$$

бунда X_1, X_2 – мос равишда 1 ва 2 трубалар марказларидан уларга ўтказилган n_2 ва n_3 нормаллар кесишган нуқта “ K ” гача бўлган масофалар.

X_1 ва X_2 масофаларни h_1, h_2, r ва φ_1 лар орқали ифода қилаемиз:



1 – рама; 2 – планкали ғалтакмола; 3 – труба(пруток)лари ғалтакмола; 4 – тортки
1-расм. Тандем ғалтакмола(пруток)ларининг схемаси.



2-расм. Труба(пруток)ларининг трубалари орасидаги масофани аниқлашга доир схема.

$$X_1 = rtg\left(45^\circ + \frac{\varphi_1}{2}\right); \quad (3)$$

$$X_2 = (h_1 - h_2 + r)tg\left(45^\circ + \frac{\varphi_1}{2}\right), \quad (4)$$

бунда, r -трубали ғалтакмола трубасининг радиуси, м.

X_1 ва X_2 ларни (3) ва (4) ифодалар бўйича қийматларини (2) кўйиб, қуйидагига эга бўламиз

$$L = (h_1 - h_2 + 2r)tg\left(45^\circ + \frac{\varphi_1}{2}\right). \quad (5)$$

Буни ҳисобга олганда (1) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$S \leq \sqrt{(h_1 - h_2)^2 + \left[(h_1 - h_2 + 2r)tg\left(45^\circ + \frac{\varphi_1}{2}\right)\right]^2}. \quad (6)$$

Бу ифодага $h_1=h_6=4,5$ см (бунда h_6 -трубали ғалтакмоланинг тупрокка белгиланган ботиш чуқурлиги), $h_2=2,5$ см, $r=1,5$ см ва $\varphi_1=30^\circ$ қийматларни кўйиб, трубали ғалтакмола трубалари орасидаги масофа кўпи билан 8,9 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Трубали ғалтакмоланинг диаметрини 3-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб аниқлаймиз. Ундан қуйидаги боғланишларни келтириб чиқарамиз

$$D = 2(R + r); \quad (7)$$

$$S^2 = 2R^2(1 - \cos \gamma); \quad (8)$$

$$\gamma = 180^\circ - 2\alpha; \quad (9)$$

$$\alpha = 90^\circ - \alpha_1; \quad (10)$$

$$\alpha_1 = \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}, \quad (11)$$

бунда R - ғалтакмоланинг марказидан унинг трубаси марказигача бўлган масофа, м;

γ - 1 ва 2 трубалар марказларини ғалтакмоланинг маркази билан туташтирувчи чизиклар орасидаги марказий бурчак, $^\circ$;

α - 1 ва 2 трубалар марказларини туташтирувчи ва уларни, яъни трубалар марказларини ғалтакмоланинг маркази билан туташтирувчи чизиклар орасидаги бурчак, $^\circ$;


α_1 - 1 ва 2 трубаларни туташтирувчи чизикни

горизонтдан оғиш бурчаги, $^\circ$.

(9) – (11) ифодалардан қуйидагилар келиб чиқади

$$\alpha = 90^\circ - \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S} \quad (12)$$

ва



3-расм. Трубали ғалтакмоланинг диаметрини аниқлашга доир схема.

$$\gamma = 180^\circ - 2\left(90^\circ - \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}\right) = 2 \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}. \quad (13)$$

Охирги ифодани ҳисобга олганда (8) ифода куйидаги кўринишга эга бўлади

$$S^2 = 2R^2 \left(1 - \cos 2 \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}\right). \quad (14)$$

Бу ифодани R га нисбатан ечамиз

$$R = \frac{S}{\sqrt{2\left(1 - \cos 2 \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}\right)}} \quad (15)$$

R нинг бу қийматини (7) га қўйиб, ғалтакмоланинг диаметрини аниқлаш учун куйидаги ифодани оламиз

$$D = 2 \left[\frac{S}{\sqrt{2\left(1 - \cos 2 \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}\right)}} + r \right]. \quad (16)$$

(1) ва (6) ифодаларни ҳисобга олганда, (16) ифода куйидаги якуний кўринишга эга бўлади

$$D \leq 2 \left[\frac{\sqrt{(h_1 - h_2)^2 + \left[(h_1 - h_2 + 2r) \operatorname{tg} \left(45^\circ + \frac{\varphi_1}{2} \right) \right]^2}}{\sqrt{2\left(1 - \cos 2 \arcsin \frac{h_1 - h_2}{\sqrt{(h_1 - h_2)^2 + \left[(h_1 - h_2 + 2r) \operatorname{tg} \left(45^\circ + \frac{\varphi_1}{2} \right) \right]^2}}\right)}} + r \right]. \quad (17)$$

Бу ифодага $r=1,5$, $h_1=4,5$ см, $h_2=2,5$ см ва $\varphi_1=30^\circ$ қийматларни қўйиб, трубади ғалтакмоланинг диаметри кўпи билан 34,7 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Юқорида ўтказилган тадқиқотларда олинган натижалар бўйича трубади ғалтакмолага ўрнатиладиган трубалар сонини куйидаги ифодадан фойдаланиб аниқлаймиз

$$n = \frac{360^\circ}{\gamma} = \frac{360^\circ}{2 \arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}} = \frac{180^\circ}{\arcsin \frac{h_1 - h_2}{S}}. \quad (18)$$

Бу ифодага h_1 , h_2 ва φ ни юқорида келтирилган қийматларини қўйиб, трубади ғалтакмолага ўрнатиладиган трубалар сони камида 11 та бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Хулоса. Трубади ғалтакмола белгиланган технологик жараёни яъни тупроқнинг

юқори қатламидан пастки қатламигача тўлиқ зичланишини таъминлаши учун унинг трубалари орасидаги масофа кўпи билан 8,9 см, диаметри 34,7 см ва унга ўрнатиладиган трубалар сони камида 11 та бўлиши лозим.

Адабиётлар

- [1]. Клочков А. В. и др. Машины для дополнительной обработки почвы – Горки: БГСХА, 2016. – 24 с.
- [2]. Эргашев М.М., Эшматова Г.Қ. Комбинациялашган машиналар таркибида қўлланиладиган тандем ғалтамола // “Юқори самарали кишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва техника воситаларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг инновацион ечимлари” мавзусидаги Халқаро илмий-техник конференция илмий мақолалар тўплами. – Гулбаҳор, 2022. – Б. 76-78.
- [3]. Ergashev M.M, Eshmatova G.K, Soatov Sh.A. Study of the Oscillational Movement of Tandem Roller in the Longitudinal-Vertical Plane// Texas Journal of Engineering and Technology. – 2022. –P. 19-24.

DETERMINATION OF THE NATURAL SLOPE OF SAMPLES OF MINERAL FERTILIZERS

A.A. Akhunbaev, I.M. Mamarizaev

*Fergana Polytechnic Institute
(Received on October 6 th, 2022)*

Maqolada dispers material holatidagi mineral o'g'itlarni tabiiy qiyalik burchak qiymatlarini tajribaviy aniqlangan. Quritish barabanida xarakterlanayotgan mineral o'g'itning quruq va namlangan holatidagi dispers material uchun tabiiy qiyalik burchak qiymatlari belgilangan. Tajribalarda namunaviy material sifatida “Farg’onaazot” AJ AS-72 superfosfat sexida ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlardan foydalanildi.

Kalit so‘zlar: *quritish barabani, mineral o'g'it, tabiiy qiyalik burchagi, dispers material.*

В статье экспериментально определены значения углов естественного откоса минеральных удобрений в состоянии дисперсного материала. Определены значения естественного угла откоса дисперсного материала в сухом и влажном состоянии при движении в сушильном барабане минерального удобрения. В качестве модельного материала в опытах использовали минеральные удобрения, произведенные в цехе суперфосфата АС-72 АО “Farg’onaazot”.

Ключевые слова: *сушильный барабан, минеральное удобрение, угол естественного откоса, дисперсный материал.*

In the article, the values of the angles of repose of mineral fertilizers in the state of dispersed material are experimentally determined. The values of the natural angle of repose of the dispersed material in the dry and wet state when moving in the drying drum of mineral fertilizers are determined. As a model material in the experiments, we used mineral fertilizers produced in the AC-72 superphosphate shop of Farg’onaazot JSC.

Key words: *drying drum, mineral fertilizer, angle of repose, dispersed material.*

Introduction

In drum dryers, the intensity of convective heat transfer depends directly on the uniformity and completeness of the filling of the cross-section of the drum surface with the curtain of the material being dried. Internal drum mixing devices - different designs of nozzles - have been developed to fill the cross-section of the drum with the same and complete filling of the falling material curtain. However, in many cases, the choice of the shape of the nozzles does not take into account the physical and mechanical properties of the material to be dried, so the precipitation of the sprayed material is not uniform, forming open zones free of material on the cross-sectional surface [1].

Due to the complexity of the design of most of the nozzles developed to date, they require a lot of metal and cause difficulties in production. The reason for this is to try to develop versatile, universal nozzles that can spray any material evenly across the cross-sectional surface of the drum. But at the same time, due to the large range of dried materials in the chemical and related industries, their physical and mechanical properties vary widely. Therefore, the issue of reducing energy

consumption in drying materials by designing the internal equipment of drum dryers is currently relevant, taking into account the physical and mechanical properties of the dried materials. Besides, to avoid significant complexity in the design of the internal devices of the drum, it is necessary to design taking into account the mechanical properties of the concrete material to be dried. To develop such internal devices, it is necessary to determine the physical and mechanical properties of the material being dried. It is also necessary to comprehensively analyze these properties of the materials and identify the factors that affect their numerical values.

Analytical research method

It was found that the main feature that determines the shape of the nozzle of the dryer drum is the scattering quality of the material and the main parameter that determines it is the natural slope angle of the material. However, when choosing the design of the internal devices of drum dryers developed to date, the value of the natural slope angle of the material with variable humidity does not take into account that the value of the natural slope angle of the dry material differs significantly and changes its value during drying. Therefore, the identification of factors influencing the size of the natural slope angle of a material with variable humidity allows the selection of the optimal shape of the nozzle.

In this paper, we explore ways to increase the efficiency of convective heat transfer, taking into account the physical and mechanical properties of the material in the design of the internal devices of the drum dryer.

The most important characteristic that reflects the readability of the scattering material is the natural slope angle. The natural slope angle of the scattering material is the maximum possible angle between the sides of the scattered material and the horizontal plane surface. At the same time, the natural slopes of the scattering materials will have static and dynamic angles. The angle formed by the scattering of a layer of particles after the wall holding a certain shape of the material has been removed is the static natural slope angle. Dynamic is the natural angle of inclination formed when a dispersed material is scattered on a plane. Obviously, to design the nozzle of the drying




Figure 1. Schematic of the forces acting on a particle on a slope in equilibrium.

Let us first consider the static angle of a natural slope. To show and analyze this situation, we place a particle of material on an inclined surface relative to a horizontal made of the same material as it. In this case, we choose the slope value φ_{st} , the material particle does not slip off the slope at maximum equilibrium. That is, at such an angle, the force trying to move the particle along the slope with the slope is balanced by the frictional force (Figure 1).

As shown in Figure 1, the following forces act on the particle:

- weight G ;
- reaction force of the base, $N = G \cdot \cos \varphi_{cm}$;
- force $G' = G \cdot \sin \varphi_{cm}$ which tends to move the particle down the slope;
- equilibrium friction force F_{fr} is found by the following equation:

$$F_{frict} = k \cdot N \quad (1)$$

Where: F_{frict} is the static friction force of a given particle of a given scattering material in a layer of particle of the same scattering material, kg / cm^2 ;

k is the coefficient of friction, determined from the literature or empirically;

N is the normal reaction force of the base, N.

In this case, the static angle of the natural slope is for φ_{cm}

$$G' = F_{frict} = G \cdot cosec \varphi_{cm} \quad (2)$$

As for the dynamic angle of the natural slope, when it is formed, the force of inertia is added to the above forces. In this case, after the bearing wall is removed, the only distinguishing force between the forces acting on the particle remaining in equilibrium on the slope will be the inertial force.

$$I + G' = F_{frict} = G cosec \varphi_{din} \quad (3)$$

Given that $(I + G') > G'$

$$G \cdot cosec \varphi_{din} > G \cdot cosec \varphi_{cm} \quad (4)$$

$$cosec \varphi_{din} > cosec \varphi_{cm} \quad (5)$$

$$\varphi_{cm} > \varphi_{din} \quad (6)$$

That is, if the material particles spilled on the top of the slope have inertia, the resulting angular value will be greater. It is therefore necessary to determine whether the slope angle generated in the drum dryer nozzles is dynamic or static. Let us consider the movement of the material in the nozzle in a drum dryer. The movement of the particles in the drum is very complex, with the particle sliding and rolling in the nozzle itself, and when the particles are scattered from the nozzle, they hit each other and move unevenly due to collisions with the moving air stream. After that, the particles scattering from the nozzle roll under the drum and collide with a layer of moving material [3].

Since there is no additional particle inertia in the formation of the slope angle in drum dryer nozzles, this angle is expected to have a value corresponding to the static slope angle. Thus, we can conclude that the angle of inclination that appears in the nozzles of the internal devices of the drying drum corresponds to the angle of the static slope. Therefore, in the next analysis, we consider the angle in the drum apparatus as the static angle of inclination [4].

We now consider the relationship between the coefficient of friction of a material and its angle of inclination. Since $N = G \cdot \cos \varphi_{cm}$ here:

$$k \cdot G \cdot \cos \varphi_{cm} = F_{frict} \quad (7)$$

On the condition of equilibrium $F_{frict} = G'$ and $G' = G \cdot cosec \varphi_{cm}$, since:

$$k \cdot G \cdot \cos \varphi_{cm} = G \cdot cosec \varphi_{cm} \quad (8)$$

$$k = (G \cdot cosec \varphi_{cm} / G \cdot \cos \varphi_{cm}) \quad (9)$$

$$k = ctg \varphi_{cm} \quad (10)$$

It can be seen from expression (50) that the coefficient of friction of the two surfaces of the material under study is equal to the angular cotangent in the state of boundary equilibrium of the




Figure 2. Diagram of the location of a particle of scattered material on a slope.

particle. However, it is known that the coefficient of friction of the material cannot serve as an indicator of the angle of inclination of the scattering material. For this purpose, there is an indicator such as the internal friction angle of the fracturing material, which can be expressed as the coefficient of internal friction of the fracturing material, as in expression [5].

To consider the nature of the difference between the internal friction coefficient and the static friction coefficient of the same material, we consider a single-particle model of the scattering material in the drying drum nozzle (Fig. 5). In addition to the forces acting on the particle shown in Figure 3, additional base reaction forces in Figure 5 are affected, and the sum of these forces serves as an additional factor holding the particle under consideration. does.

According to the given scheme, 2 particles rely on 1 particle. Consequently, the coefficient of internal friction exceeds the equilibrium friction coefficient of this scattering material. In this case, the value of this coefficient depends on:

- values of the coefficient of friction of the material in equilibrium;
- shapes of particles of scattering material;
- particle size of the scattering material.

Similar to expression (50), the static friction coefficient for a particle of scattering material located in the nozzle is replaced by the coefficient of internal friction, which takes into account the additional forces that prevent the mutual displacement of the layers of scattering material. In this case

$$k' = ctg \varphi_{cm} \quad (11)$$

where k' is the coefficient of internal friction of the scattering material.

By changing the equation:

$$ctg \varphi_{inter.friect} \cdot N = P \cdot cosec \varphi_{cm} \quad (12)$$

$$ctg \varphi_{inter.friect} \cdot P \cdot cos \varphi_{cm} = P \cdot cosec \varphi_{cm} \quad (13)$$

$$\varphi_{inter.friect} = \varphi_{cm} \quad (14)$$

we conclude that the angle of internal friction must be equal to the angle of natural slope. However, in real conditions, the natural slope angle is usually greater than the internal friction angle of the scattering material. This is explained by the presence of moisture in the scattering material in real conditions. Although the sample material is dried to an absolutely dry state, under natural conditions, in a short time it absorbs the water vapor in the surrounding air to equilibrium humidity, which leads to the formation of additional binding capillary forces in the fragmented material.

As the moisture content of the scattering material increases, the effect of the binding capillary forces increases proportionally until the material has fluid properties (until it passes into the pulp state). Since the increase in binding capillary forces in the scattering material is directly proportional to the increase in moisture, this bond takes the form of a linear function and, taking into account the capillary forces, the dependence of the natural slope angle on its humidity is subject to a linear function

$$\varphi_{cm.wet} = \varphi_{inter.friect} + W \cdot B \quad (15)$$

here: $\varphi_{cm.wet}$ - natural slope angle of wet material, grad; W - moisture content of the material, %; $\varphi_{inter.friect}$ - internal friction angle of the scattering material, grad; B is the k , reflecting the dependence of the moisture content of the scattering material on the natural slope angle is a coefficient, determined experimentally, and is called the coefficient of variation of the natural slope angle. When studying the natural slope angle in drying processes, if the samples were dried to a dry state before measurement, the equation can be presented as follows:

$$\varphi_{cm.wet} = \varphi_{cm} + W \cdot B \quad (16)$$

where: $\varphi_{cm.wet}$ - static slope angle of wet material, grad;

$\varphi_{inter.friect}$ is the static slope angle of the dry material, grad.

In order to reduce the amount of experimental work in the design of drying drums and to carry out design work in a short period of time, it is necessary to determine the factors influencing the value of the coefficient of variation of the natural slope angle [6].

Under natural conditions, the natural slope angle is determined directly by measurement (e.g., with an angle measuring tool); In the laboratory, a wide range of methods and devices are used for this purpose, the most common of which is the device described in GOST 28254-89.

Experimental method

Laboratory methods have been developed to study the physical and chemical properties in determining the static angle of inclination of dispersed scattering materials, and they have analyzed methods for determining the static and dynamic angle of inclination.

After conducting a bibliographic and patent search and identifying a set of the most common methods and tools for determining the natural slope angle, five instruments were created to measure the static and dynamic angles of the slope. Instruments 1 and 2 are used to measure the dynamic angle of inclination, and instruments 4 and 5 are used to measure the static angle of inclination.



Figure 3. Example of a scheme for measuring the static natural slope angle of superphosphate mineral fertilizer.

These devices were manufactured according to standard methods and samples of existing devices specified in state standards. 3 The device simulates the conditions that occur when measuring the natural slope angle in a rotating drum dryer. This instrument is designed to measure static natural slope angle values in drum dryer nozzles.

In device №3, a portion of mineral fertilizer is loaded into the container to measure the natural slope angle. Measuring the natural slope angle on device №3 occurs during the conversion of a container filled with a sample to 90°. After turning the container filled with material, the container is placed next to the conveyor measuring the angle of inclination mounted on the transparent wall of the device. In this case, the conditions for the formation of the natural slope angle repeat the formation of the natural slope angle on the rotating nozzle of the drying drum.

In these devices, a series of tests of a dry sample of superphosphate mineral fertilizer under the same conditions were performed five times. The results of the slope angle measurement are given in Table 1.

Table 1.

Results of measuring the slope angle of a dry sample

Device	measure ment №1	measure ment №2	measure ment №3	measure ment №2	measure ment №3
№1 (dynam. Tab. Slope. Corner)	39	38	40	39	39
№2 (dynam. Tab. Slope. Corner)	40	39	39	38	38
№3 (drying bar. Modeling)	33	34	35	35	36
№4 (stat. Tab. Slope. Angle)	31	32	32	33	31
№5 (stat. Tab. Slope. Angle)	32	33	32	31	32

In this article, at one of the agricultural enterprises "Research Institute of Agrotechnologies for Cotton Breeding, Seed Growing of the Bukhara Research and Experimental Station (FGUEITI Bukhara ITS)" asynchronous motors with a squirrel-cage rotor type 4A100L6U3, power 2.2 - 30 kW, voltage 220/380 V, rotation speed 950 rpm and calculations of the mechanical characteristics of these engines are given.

Key words: asynchronous motor, mechanical characteristics, starting torque, slip, critical torque, nominal torque, feed mill.

Бизларга маълумки ҳозирги вақтда Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳаси борган сари такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини бир неча усуллар ёрдамида юргизиш мумкин. Масалан маккажўхори, буғдой, тарик, арпа, макка жўхори пояси, сомон, ғўзапоя ўт беда ва бошқа хил уруғларини, пояларни майдалашимиз учун қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган универсал ем майдалаш қурилмаларидан фойдаланамиз. Бу универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторида жуда катта ток сакрашлари ҳосил бўлади, уни ишга тушириш токи ёки тормозланган ротордаги ток деб номланади. Ишга тушириш токи номинал токдан 5-7 баробар катта бўлади, қисқа муддат таъсир қилади, тезлашиб олганидан сўнг эса, электр мотордаги ток минимал қийматга тушиб кетади. Шунинг учун универсал ем майдалаш қурилмаларини эксплуатация қилиш жараёнида, қурилманинг асинхрон моторини ишга тушириш токини камайтириш учун, ишга туширишнинг турли усулларида фойдаланилади. Шу билан бир қаторда таъминот кучланишини стабиллаштириш учун бир қатор чоралар кўрилиши керак. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналаридан бири “Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Бухоро илмий тажриба станцияси (ПСУЕАИТИ Бухоро ИТС)” корхонаси мисолида қўлланилаётган универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини бир неча усуллар ёрдамида юргизиш мумкин. Шу усуллардан бири бу универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини тезлигини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш усулидир[3]. Универсал ем майдалаш қурилмаларини ишга тушириш ва бошқаришда частота ўзгартгич ёрдамида амалга оширилади, у автомат ва асинхрон мотор орасида ўрнатилади ва асинхрон моторнинг айланиш частотаси билан бошқарилади, қўшимча тарзда электр энергия тежалишига олиб келади. Бунда универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини ишга тушириш ва бошқаришда частота ўзгартгич ёрдамида амалга оширилади. Тезлиги частотани ўзгартириб ростланадиган асинхрон электр юритмани статик режимларида электр энергиядан иқтисод қилиш билан бир қаторда динамик режимларида ҳам электр энергиядан самарали фойдаланиш мумкин[1]. Универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини тўғридан - тўғри тармоқ кучланишини бошқармасдан ишга тушириш вақтида ишга тушириш токининг номинал статор токига нисбатан 5–7 марта катта бўлиши статор чулғаида электр энергия исрофини ошиб кетишига олиб келади. Агар универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон мотор ва ишчи механизмларнинг инерцион моменти катта бўлса, ўтиш жараёни жуда узоқ давом этади [5].

Натижада статор чулғаи изоляциясининг рухсат этилган ҳароратидан юқори даражада қизишига олиб келиши ва изоляциянинг ишдан чиқишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тезлиги частотани ўзгартириб ростланадиган асинхрон моторларни ишга туширишда частотани маълум қонуният бўйича бошқариб ишга тушириш, статор токининг ўта ошиб кетишидан сақлайди ва шунда асинхрон мотор иссиқлик режими бўйича нормал ишга туширилади [4].

Маълумки, универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини тўғридан-тўғри ишга тушириш вақтида катта электр магнит моментлари ва тоқлар юзага келади. Электр магнит моментларнинг катта амплитудали силтанишлари универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг статор чулғаида ҳавфли динамик юкланишларни ҳосил қилиши мумкин ва шунингдек, электр юритманинг кинематик занжирларида механик зўриқишларни юзага келтириши ҳам мумкин [7]. Шунинг учун ҳам универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини ишга тушириш ва тўхтатишларнинг силлиқ кечишини таъминлашда, яъни катта динамик зўриқишларни шаклланишига йўл қўйилмаслик асинхрон моторнинг ишлаш муддатини узайтиради.

Универсал ем майдалаш қурилмалари маълум бир иш бажарадиган механизм ва деталлардан ташкил топган. Универсал ем майдалаш қурилмаларининг ҳамма механизм ва деталларини асинхрон электр моторлари ҳаракатга келтиради [1].

Универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон электр моторидан механик энергия механизмларга махсус қурилма (узатма) орқали узатилади. Мотордан иш органларига ҳаракат узатувчи механизмлар узатма дейилади. Универсал ем майдалаш қурилмаларида ишлатиладиган механизмлар конструкциясига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ричагли, кулачокли, шестерняли, винтли ва понали, фрикцион, эгилувчан звеноли, гидравлик, пневматик, электр механизмларга бўлинади. Ҳар бир типли узатма узатиш тезлиги ва узатиш сони билан характерланади. Ҳар қайси узатиш механизмида икки асосий звено: етакчи ва етакланувчи звено бўлади. Кўп поғонали узатмаларда етакчи звено билан етакланувчи звено ўртасига оралиқ звено жойлаштирилади [2].

Универсал ем майдалаш қурилмаларида энг кўп ишлатиладиган электр моторларидан бири бу асинхрон моторлари ҳисобланади.


Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналаридан бири “Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Бухоро илмий тажриба станцияси (ПСУЕАИТИ Бухоро ИТС)” корхонаси мисолида қўлланилаётган универсал ем майдалаш қурилмаларида 4A100L6У3, 4A100S4У3, 4A112МА6У3, 4АИРМ06У3, 4АИРМ11В6У3 ва бошқа туркумли уч фазали қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторлари ишлатилмоқда. Уларнинг қувватлари 2,2 кВтдан - 30 кВтгача, кучланиши эса 220/380 В ни ташкил этади[8].

Универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг электромагнит моментни икки хил йўл билан аниқланилади, яъни:

а) электромагнит кучлар

б) электромагнит қувват орқали аниқлаш мумкин. Қуйида шуларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Электромагнит моментни электромагнит кучлар орқали аниқлаш. Универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторидаги электромагнит momenti ротор чулғами ўтказгичларидан ўтадиган ток актив ташкил этувчиси ($I_2 \cos\psi_2$) нинг статор чулғами ҳосил қилган айланма майдон, яъни магнит оқим Φ_{max} билан таъсирлашиб Ампер қонунига асосан электромагнит куч $F_{em} = B_{\delta} li$ вужудга келади (1-расм).



1-расм. Универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторидаги ҳаво оралиғининг магнит индукцияси (B_{δ}), ротор чулғами токи (i) ва асинхрон машина чулғамлари ўтказгичларига таъсир қиладиган электромагнит куч (F_{em}) ларнинг тақсимланиш эгри чизиклари.

Бу куч ҳосил қилган электромагнит момент қуйидагича аниқланади:

$$M = C_M \cdot \Phi_{max} \cdot I_2 \cdot \cos\psi_2, \quad (1)$$

бунда: $C_M = p \cdot m_2 \cdot k_{ch2} / \sqrt{2}$ – ўзгармас катталиқ;

Φ_{max} – магнит оқимнинг максимал қиймати.

(1) формула фақатгина универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторлари учунгина тўғри бўлиб қолмай, балки электр машиналарнинг барча турлари учун ҳам тўғридир. Бу формула момент қийматининг моторда содир бўладиган физик ҳодисалар орасидаги боғланишни ўрнатади[1]. Ундан универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг ҳар хил режимлардаги иш жараёнини сифат жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланиш қулай ҳисобланади. Лекин бу формулага кирган (Φ_{max} , I_2 ва $\cos\psi_2$) катталиқлар универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини тўғридан-тўғри

тармоқ кучланиши ва асинхрон моторининг иш режими билан боғланмаган, уларни тажрибада аниқлаш эса анча мураккабдир. Шу сабабли қуйида электромагнит (айлантирувчи) моментнинг қийматини энг оддий аниқлаш, унга универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг ҳар хил параметрлари ва эксплуатацион режимларининг таъсирини ҳисобга олиш имконини берадиган бошқа формуласи келтириб чиқарилган [10].

Электромагнит моментни электромагнит қувват орқали аниқлаш.

Энергетик диаграммадан аниқланган электромагнит (P_{em}) ва механик қувват (P_{mex})ларни электромагнит момент орқали ифодалаймиз:

$$P_{em} = M \cdot \omega_1; \quad P_{mex} = M \cdot \omega, \quad (2)$$

бу ерда: $\omega_1 = (2 \cdot \pi \cdot n_1 / 60) \cdot (p / p) = (2 \cdot \pi / p) \cdot (p \cdot n_1 / 60) = 2 \cdot \pi \cdot f / p$;

ва $\omega = 2 \cdot \pi \cdot n / 60$ тегишлича универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон мотори статоридаги айланма магнит майдоннинг ва роторнинг бурчак тезликлари.

(2) га асосан электромагнит момент куйидагига тенг бўлади:

$$M = P_{em} / \omega_1 \quad (3)$$

Демак, универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон моторининг электромагнит momenti, унинг электромагнит қувватига мутаносиб бўлар экан.

Энергетик диаграммадан фойдаланиб универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон моторининг ротор чулғамидаги исрофларни аниқлашнинг куйидаги ифодаларини ёзиш мумкин:

$$P'_{e2} = P_{em} - P_{mex} \quad (4)$$

ёки
$$P'_{e2} = M \cdot \omega_1 - M \cdot \omega = M \cdot (\omega_1 - \omega). \quad (5)$$

(5) формуланинг ўнг томонини (ω_1 / ω) нисбатга кўпайтириб куйидагини оламиз:

$$P'_{e2} = M \cdot \omega_1 \cdot S. \quad (6)$$

(6) формуладан куйидагига эга бўламиз:

$$M = P'_{e2} / (\omega_1 \cdot S) = m_1 \cdot (\Gamma_2)^2 \cdot r'_2 / (\omega_1 \cdot S), \quad (7)$$

Яъни универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон моторининг электромагнит momenti ротор чулғамида электр исрофлари қувватига мутаносиб бўлар экан.

Агар G-симон алмаштириш схемасидан фойдаланиб аниқланган ротор токи I'_2 нинг кийматини (7) га кўйиб, $\omega_1 = (2 \cdot \pi \cdot f_1) / p$ ни ҳам ҳисобга олган ҳолда универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон моторининг электромагнит momentини аниқлаш формуласининг умумий кўринишига эга бўламиз:

$$M = (m_1 \cdot p \cdot U_1^2 \cdot r'_2) / \{2 \cdot \pi \cdot f_1 \cdot S \cdot [(r_1 + r'_2 / S)^2 + (x_2 + x'_2)^2]\}. \quad (8)$$

(8) формуладан универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон мотори қуввати $P > 10$ kW бўлган асинхрон моторлар учун момент M ни ҳисоблашда алмаштириш схемадаги комплекс сон $s_1 \approx 1$ деб қабул қилинган. Электромагнит momentни ҳисоблашда кўпроқ аниқлик талаб қилинганда комплекс сон s_1 ҳисобга олинган (8) ифода куйидагича ёзилади:

$$M = (m_1 \cdot p \cdot U_1^2 \cdot r'_2) / \{2 \cdot \pi \cdot f_1 \cdot S \cdot [(r_1 + c_1 \cdot r'_2 / S)^2 + (x_1 + c_1 \cdot x'_2)^2]\}, \quad (8,a) \text{ бу}$$

ерда $s_1 \approx 1,02 \div 1,05$ -универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон моторининг қуввати $P \leq 10$ kW бўлган асинхрон мотор учун.

(8) ва (8,a) ларда сирпаниш S дан бошқа ҳамма катталиклар ўзгармас ҳисобланиб, у валдаги механик юкка мутаносиб равишда ўзгаради[3].

Универсал ем майдалаш курилмаларининг уч фазали қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторининг асосий характеристикаларидан механик характеристика ҳисобланади. Бу характеристиканинг маълум бир чегараларига қараб универсал ем майдалаш курилмаларининг асинхрон моторини қандай режимда ишлаётганлигини аниқлаш мумкин. Бу характеристиканинг турғун ишлаш чегараси одатда Клосс формуласи ёрдамида аниқланади:

$$M = 2 \cdot M_{кр} / (S / S_{кр} + S_{кр} / S), \quad (9)$$

бу ерда M - электромагнит момент; $M_{кр}$ - критик момент; S - сирпаниш; $S_{кр}$ - критик сирпаниш.

Универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг механик характеристикасини каталог ёки маълумотномадаги қийматлар бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин. Бунда 4 та нуқталар бўйича момент ҳисоблаб топилади ва универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг механик характеристикаси қурилади (2-расм).

1-нуқта универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг салт ишлаш режими, бунда $n = n_0 = 60 \cdot f / p$, $M=0$, бу ерда f – ток частотаси; p – жуфт кутблар сони.

2-нуқта универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг номинал иш режими, бунда $n = n_0$, $M = M_H = 9550 \cdot P_H / n_H$, бу ерда P_H – универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг номинал қуввати, кВт;


3 – нуқта универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг критик режим, бунда $n = n_{кр}$, $M = M_{кр} = \lambda \cdot M_H$;

4 - нуқта универсал ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторининг ишга тушириш режими, $n=0$, $M = M_{и.т} = \beta \cdot M_H$.

2-расмда универсал ем майдалаш қурилмаларида қўлланиладиган қуввати 2,2 кВт, кучланиши 220/380В, айланиш тезлиги 950 айл/мин бўлган 4A100L6У3 типдаги қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторнинг механик характеристикаси ҳисоблаб қурилган [10].

2-расмдан шу нарса кўринадики, универсал ем майдалаш қурилмаларида қўлланилаётган қуввати 2,2 кВт, кучланиши 220/380В, айланиш тезлиги 950 айл/мин бўлган 4A100L6У3 типдаги қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторининг номинал моменти $M_H = 22 \text{ Н} \cdot \text{м}$, ишга

тушириш моменти $M_{и.т} = 44 \text{ Н} \cdot \text{м}$, критик момент $M_{кр} = 44 \text{ Н} \cdot \text{м}$ $M_{кр} = 48,4 \text{ Н} \cdot \text{м}$ ни ташкил қилади.



2-расм. Универсал ем майдалаш қурилмаларида қўлланилаётган 4A100L6У3 типдаги қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторнинг механик характеристикаси.

Адабиётлар

- [1]. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Elektr mashinalari. - Т.: О'ФМЖН, 2011. - 408 б.
- [2]. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Elektromexanika.-Т.: Shams ASA, 2014. - 391 б.
- [3]. Baratov R, Pirmatov N, Panoev A, Chulliyev Ya, Ruziyev S and Mustafuqulov A. Achievement of electric energy savings through controlling frequency converter in the operation process of asynchronous motors in textile enterprises IPISE 2020 IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 1030 (2021) 012161 IOP Publishing doi:10.1088/1757-899X/1030/1/012161.
- [4]. Имомназаров А.Т. Асинхрон моторларнинг минимум қувват исрофи режимида ишлаши асослари // Тош ДТУ хабарлари. – Тошкент, 2005, № 2, 33 – 38 б.
- [5]. Ҳошимов О.О., Имомназаров А.Т. Электромеханик тизимларда энергия тежамкорлик. Тошкент, «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004, 96 б.
- [6]. Чернышев А.Ю., Дементьев Ю.Н., Чернышев И.А. Электропривод переменного тока. - Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2011. -213 с.
- [7]. Pirmatov N., Panoev A. Frequency control of asynchronous motors of looms of textile enterprises E3S Web of Conferences, 2020, 216, 01120.
- [8]. Baratov R., Pirmatov N. Low - Speed generator with permanent magnets and additional windings in the rotor for small power wind plants and micro hydro power plants IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2020, 883(1), 012183.
- [9]. Шрейнер Р.Т. Математическое моделирование электроприводов переменного тока с полупроводниковыми преобразователями частоты.-Екатеринбург: УРО РАН,2000.–654 с.
- [10]. Электропривод и автоматизация промышленных установок как средства энергосбережения / И.А. Авербах, Е.И. Барац, И.Я. Браславский, З.Ш. Ишматов. – Екатеринбург: Свердловск энергонадзор, 2002. – 28 с.

ТЕХНОГЕН ЗИЛЗИЛАЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ГИДРОИНШООТГА
ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

С.И. Худайкулов¹, Н.Т. Худайбердиев², Б.Х. Абдуллаев³

¹Тошкент шаҳар Ёджу техника институти, ²Наманган муҳандислик қурилиш институти,

³Фарғона политехника институти

(Қабул қилинди 17.08.2022 й.)

Мақолада техноген zilzilalarнинг келиб чиқиши ва гидроиншоотга таъсирини тадқиқот қилинади. Zilzilalarнинг оқибатини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, zilzilaning интенсивлик орттирмалари ΔJ , грунт категорияларига боғлиқ ҳолда сейсмик шкаласига асосан пайдо бўлади. Сейсмик интенсивлик орттирмасининг табиий намликдаги грунтларга тегишли бўлиши, грунтлар намлигининг ортиб бориши, яъни, ер ости сувлари кўтарилиб бориши ушбу кўрсаткичнинг ортишига олиб келиши аниқланади.

Таянч сўзлар: қудуқлар, интенсивлик, гранит, эталон грунт, сейсмик тўлқин, резонанс ҳолат, кўндаланг тўлқин, сейсмик активлик, сейсмик таъсир.

В статье рассматривается происхождение техногенного землетрясения и его влияние на гидросооружений. Анализируется результаты изучения последствий многих землетрясений, устанавливается, что в некоторых категориях грунта появляются приросты интенсивности ΔJ , баллы по сейсмической шкале. Происхождение землетрясения, после заполнения водоемов и связанность с увеличением сейсмической интенсивности.

Ключевые слова: скважины, интенсивность, гранит, эталонный грунт, сейсмическая волна, условие резонанса, поперечная волна, сейсмическая активность, сейсмическое воздействие

The article discusses the origin of man-made earthquake and its impact on the structure. The results of studying the consequences of many earthquakes showed that, depending on the categories of soil, there are increases in intensity (, points) according to the seismic scale of the Institute of Physics of the Earth. After the construction of these structures and the filling of reservoirs in these areas, earthquakes will begin to occur, which have not happened before. This increase in seismic intensity refers to soils with natural moisture, and an increase in soil moisture, that is, the rise of groundwater, leads to an increase in this indicator.

Keywords: wells, Marathon river, intensity, granite, reference soil, seismic wave, resonance condition, shear wave, seismic activity, seismic impact

Ҳозирда инсоният ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечиш жараёнида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажармоқдаки, булар фан-техника тараққиёти, саноатнинг ривожини, энергетик ресурсларининг ўзлаштирилиши ва бошқа шу каби соҳаларнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Ушбу муаммоларни ечаётиб, инсонларга ҳозирда олдинги асрларда қилинмаган ишларни бажаришга ёки кичик ҳажмда амалга оширган ишларни катта ҳажмда бажаришга тўғри келаяпти.

Масалан, халқ хўжалиги эҳтиёжи нуктаи назаридан ўтган асрда нефт-газ каби энергетик ресурсларни қазиб олиш ҳажмининг кескин ортиши, гидроэлектр станцияларининг, шу жумладан жуда катта ҳажмдаги сув омборларининг қурилиши, кимёвий ҳамда ядро портлашларининг халқ хўжалигида турли мақсадларда амалга оширилиши кўламнинг интенсив ортиши ўтган аср учун характерли бўлди [5,7].

Бу ҳолат табиатдаги ички ва ташқи кучлар мувозанатлашиши ҳолатига таъсир қилмасдан қолмади, албатта. Халқ хўжалиги учун муҳим бўлган турли объектларнинг (гидроэлектр станциялари, катта ҳажмдаги ер ости омборлари ва қудуқларнинг сув билан тўлдирилиши, ер ости ядро портлашлари ва ш.к.) қурилиши ва эксплуатация жараёнида ернинг маълум бир участкасида (нагрузка) йиғиқ юкланиш пайдо бўлиши натижасида шу ҳудуд ер ости «тоғ жинс»ларининг ташқи ва ички кучлар таъсиридан мувозанат ҳолати бузилишидан олдиндан сейсмик актив бўлмаган ҳудудларда zilzilalar содир бўлиши қайд қилинган ҳамда сейсмик актив ҳудудларда сейсмик активлик кескин ошиш ҳоллари


кузатилади.

Ушбу инсон фаолияти таъсирида сейсмик активлигининг ошишига таъсир қилувчи омиллар қуйидаги уч хил турга ажратилади:


Катта ҳажмдаги тўғон иншоотлари (ГЭС ва ш.к.) ва сув омборларининг қурилиши ҳамда эксплуатация қилиниши жараёни.

Катта ҳажмдаги ер ости омборларининг қурилиши, эксплуатация қилиниши ҳамда ер ости қудуқларини сув билан тўлдирилиши жараёни;

Турли мақсадларда амалга ошириладиган катта қувватли ер ости ядро ва водород портлашларининг муҳитга механик таъсири [1,6].




1-расм. Ер қаърида айрим ҳудудларда тоғ жинсларининг силжиши (чўқиши ёки кўтарилиши)дан ҳосил бўладиган зилзилалар.



2-расм. Каркидон сув омбори тўғони.

Маълумки, ўтган аср бошлари ўзининг фан-техниканинг ривожланиши, саноатнинг ўсиши ва шу каби соҳаларнинг кескин тараққиёт даражаси билан характерланади. Айниқса ўтган асрнинг 30-40 йилларида электр энергиясига эҳтиёжини қондириш мақсадида гидроэлектр станциялари, шу жумладан сув омборлари қурилиши айтарли даражада кўпайди. Ушбу иншоотлар қурилиб, сув омборлари тўлдирила бошлагандан кейин шу ҳудудларда (тарихда бўлмаган!) олдин умуман содир бўлмаган зилзилалар содир бўлиши кузатила бошланади. Биринчи марта сув омборини сув билан тўлдиришда 1931 йил (Марафон дарёси) Грецияда зилзила содир бўлиши қайд қилинди.



3-расм. Сейсмик таъсир интенсивлиги орттирмаси диаграммалари.

Гидроиншоот тўғони пойдеворининг грунт шароити ва ер ости сувларининг сейсмик интенсивликка таъсирини баҳолаш.

Грунт шароити сейсмик интенсивликка таъсирининг икки сабабини келтириш мумкин.

1. Биринчиси, гидроиншоотлар атрофидаги грунтларнинг динамик характеристикаси бўлса,
2. Иккинчиси грунтларнинг бевосита юк кўтариш қобилияти билан белгиланади.

Маълумки, зилзила пайтида грунтларнинг структураси маълум даражада бузилиши сабабли юк кўтариш қобилияти ҳам пасаяди. Бундан ташқари тажрибадан маълумки (назарий жиҳатдан ҳам исботланган) доимо ер сиртида сейсмик тебранма ҳаракат (сейсмик таъсир) интенсивлиги катта бўлади. Кўп йиллик тажриба ва зилзила пайтидаги ёзувлар шуни

тасдиқлайдики, агар мустаҳкам грунт қатлами устида нисбатан юмшоқ грунт қатлами жойлашган бўлса, бу ҳол ер сиртида тебраниш интенсивлигининг ортишига олиб келади. Машҳур сейсмолог олим С. В. Медведев грунтларни қуйидаги етти гуруҳга бўлган [4,6].

1-жадвал

Грунтларнинг гуруҳлари.	v_n (км/сек)	$\left(\frac{\rho_0 v_0}{\rho_n v_n}\right)$	ΔJ	
			формула бўйича	тажриба
Гранитлар	5,6	1,0	0	0
Известняк, Ярим тошлок (гипс, мергель)грунтлар	4,5-2,5	1,3-3,2	0,2-0,85	0-1
Йирик блокли (шебень, гравий) грунтлар	3,0-1,7	2,3-5,6	0,58-1.2	1
Қумлок грунтлар	2,1-0,9	3,9-11,5	1,1-1,74	1-2
Лойсимон (лой, суглинок, супесь) грунтлар	1,6-0,6	5,2-16,2	1,2-2	1-2
Тўшама грунтлар	1,5-0,6	5,4-16,2	1,2-2	1-2
	0,6-0,2	20,2-60	2,2-3	2-3

Кўп zilzilalar оқибатини ўрганиш натижалари грунт категорияларига боғлиқ ҳолда ер физикаси институти сейсмик шкаласига асосан интенсивлик орттирмалари (ΔJ , балл) пайдо бўлишини кўрсатди. Эталон грунт сифатида гранит олинган бўлиб, у грунтда $\Delta J = 0$.

Кўп йиллик илмий изланишлар ҳамда zilzilalar оқибатларини ўрганиш натижасида проф. С. В. Медведев томонидан грунтлар бикрлиги (ρv) ва сейсмик интенсивлик орттирмаси (ΔJ) орасида қуйидаги ифода тақлиф қилинган..[2,4]

$$\Delta J = 1,671g \left(\frac{\rho_0 v_0}{\rho_n v_n} \right) \quad (1)$$

бу ерда v_0 ва v_n - сейсмик тўлқинларнинг эталон грунт (гранит) да ва ўрганилаётган грунтда тарқалиш тезлиги, ρ_0 ва ρ_n гранит ва ўрганилаётган грунт зичлиги.

Бу сейсмик интенсивлик орттирмаси табиий намликдаги грунтларга тегишли бўлиб, грунтлар намлигининг ортиб бориши, яъни, ер ости сувлари кўтарилиб бориши ушбу кўрсаткичнинг ортишига олиб келади. Zilzilalar оқибатларини ўрганиш натижалари қуйидаги хулосага олиб келди:

1. Ер ости сувлари (жойлашиши) сатҳи 10 м ва ундан ортиқ бўлса, ер ости сувларининг сейсмик интенсивликка таъсири бўлмайди.

2. Ер ости сувлари сатҳи 10 м дан камайса, сувларнинг сейсмик интенсивлик орттирмасига таъсири сезила боради.

3. Супесь, суглинок, қумсимон ва галечник каби грунтларда ер ости сувлари бевосита пойдевор таг юзаси жойлашиш чуқурлигида бўлса, сейсмик интенсивлик орттирмаси бир баллга тенг бўлади.

4. Юқоридаги тип грунтларда ер ости сувлари сатҳи пойдевор жойлашиш чуқурлигидан 4м пастда бўлса, сейсмик интенсивлик орттирмаси 0,5 балл бўлади. Яъни, бу турдаги грунтларда ер ости сувлари сатҳи ўзгариши билан сейсмик таъсир интенсивлиги орттирмаси орасидаги боғлиқлик қуйидаги 2 жадвалда келтирилганидек бўлади: Zilzila оқибатларини ўрганиш натижасида ер ости сувлари сатҳи ва сейсмик таъсир интенсивлиги орттирмаси орасида қуйидаги боғлиқликнинг тўғрилигини кўрсатди:

$$\Delta J = e^{-0,04h^2} \quad (2)$$

2-жадвал

Ер ости сувлари сатҳи (м)	Сейсмик таъсир интенсивлиги орттирмаси, балл
0-1	1
4	0,5
10	0

Демак, сейсмик таъсир интенсивлигига грунт шароити ва ер ости сувлари таъсирини куйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta J = 1,671g \left(\frac{\rho_0 v_0}{\rho_n v_n} \right) + e^{-0,04h^2} \quad (3)$$

3-жадвал

Грунтлар	Балларда ифодаланувчи сейсмик таъсир орттирмаси
Гранитлар	0
Оҳактош ва кумтош	0-1
Ярим тошлоқ грунтлар	1
Йирик ўлчамли чақиқ грунтлар (шағал, тош грунт ва ш. к.)	1-2
Қумсимон грунтлар	1-2
Лойсимон грунтлар	1-2
Тўшама грунтлар	2-3

Булардан ташқари қурилиш участкаси сейсмик таъсир интенсивлигига юқорида келтирилган иккита асосий фактордан ташқари кўпгина факторлар таъсир қилиши мумкин. Буларга жойнинг рельефи, грунт қатламлари жойлашуви, кўчмалар чизиклари ва шу кабилар кириши мумкин. Буларни ҳисобга олиб бино ва иншоотлар қурилиш участкаси сейсмик шароит характеристикаларини куйидагича келтириш мумкин [3,7].

Маълумки, грунт шароитининг грунт тебранма ҳаракат интенсивлигига таъсирини баҳолашда бир қатламли грунт шароити ҳолати таҳлил қилинади. Физик хусусиятлари бўйлама ва кўндаланг тўлқинларнинг муҳитдаги тарқалиш тезликлари (V_p ва V_s) орқали ифодаланадиган ҳамда зичлиги ρ бўлган эластик ярим фазовий муҳитда зилзила ўчоғи жойлашган шароитда ўзгача ҳолат кузатилади.

Икки ҳол, яъни ярим фазовий муҳит сирти устидаги ҳамда қалинлиги h ва физик хоссалари $v_{\rho 2}, \rho_2, v_{s2}$ ($v_{\rho 1}, \rho_1, v_{s1}$) ларда фарқ қилувчи) бўлган қатлам сирти устидаги таъсирлар таққосланади. Грунтдаги резонанс жараёни ҳисобига сейсмик таъсир интенсивлиги орттирмаси ΔJ ва қийматлар орқали баҳоланади. Қийматлар куйидаги формулалар орқали аниқланади [1,3].

$$m_i = \frac{v_n \rho_n}{v_0 \rho_0} \quad S_i = \frac{h}{v_n T_n} \quad (4)$$

бу ерда h -қатлам қалинлиги, қатлам сейсмик бикрлиги, қатлам тагидаги асос сейсмик бикрлиги.

T_n -учун резонанс ҳолати (тебраниш амплитудасининг кескин ортиши) кузатиладиган тебраниш даври. У тўлқин узунлиги ва тезлиги v_n билан куйидагича боғланган:

$$T_n = \frac{\lambda_n}{v_n} \quad (5)$$

Берилган грунт шароити учун сейсмик таъсир интенсивлиги орттирмаси юқоридаги m : ва S_i кийматлар асосида [4] жадвалдан белгиланади.

Адабиётлар

- [1]. Абдурашидов К. С. Натурные исследования колебаний зданий и сооружений и методы их восстановления. Ташкент, «Фан», 1974.
- [2]. Азаркович А. Е., Шуйфер М. И., Тихомиров А. П. Взрывные работы вблизи охраняемых объектов. М. «Недра», 1984
- [3]. Безухов Н.И. Устойчивость и динамика сооружений в примерах и задачах. М., Высшая школа, 1987.
- [4]. Бронштейн И.Н., Семендяев К.А. «Справочник по математике». Москва. 1981 г. 720 с
- [5]. Худайкулов С.И. Муминов О.А. Моделирование движения жидкости в вибрирующем водовыпускном трубопроводе. Фаргона политехника институти, илмий – техника журнали. scientific-technical journal (stjferpi, Фарпи итж, нтж ферпи, 2022, t.26, спец. №1) С 72- 77.
- [6]. Худайкулов С.И. Муминов О.А., Усмонова Н.А. Моделирование динамики бурного потока при большом уклоне в русле с вертикальными стенками. Фаргона политехника институти, илмий – техника журнали. scientific-technical journal (stjferpi, Фарпи итж, нтж ферпи, 2022, t.26, спец. №1) С 118- 122.
- [7]. Худайкулов С.И., Утбосаров Ш.Р. Характерные модели быстрого тока на поворотах русел. Фаргона политехника институти, илмий – техника журнали. scientific-technical journal (stjferpi, Фарпи итж, нтж ферпи, 2022, t.26, спец. №1) С 127- 132.

GIPS BOG'LOVCHILAR ASOSIDA GIPS BETONNING TAJRIBA-SINOV TADQIQOTLARI VA XOSSALARI

Z.M. Sattorov¹, Yu.A. Isoev²

¹Toshkent arxitektura-qurilish instituti,
²Farg'ona politexnika Instituti isoevu81@gmail.com
(Qabul qilindi 13.02.2023 y.)

Maqolada gips buyumlarining suvga chidamligini oshirishning asosiy yo'nalishlari, gidravlik qo'shimchalarni ishlatishi, gips bog'lovchining suvga chidamligi va sovuqqa chidamligini oshirish hamda uning mustahkamlik tavsiflarini yaxshilash uchun loyqa qum tuproqli qo'shimchalar qo'shib tajriba-sinov tadqiqotlari natijalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: Bioqum tuproq, gidravlik qo'shimchalar, gips beton, gips bog'lovchilar, gips buyumlar, kimyoviy tarkib, qorishmalar, qum tuproq, loyqa karbid, material, mikroqum tuproq, mineral, mustahkamlik, ohak, suvga chidamli, sement.

В статье освещены основные направления повышения водостойкости гипсовых изделий, применение гидравлических добавки, результаты экспериментальных исследования для повышения водостойкости и морозостойкости гипсового вяжущего, улучшения его прочностных характеристик с илистокремнеземистыми добавками.

Ключевые слова: Биокремнезем, гидравлические добавки, гипс бетон, гипсовые вяжущие, гипсовые изделия, химический состав, растворы, кремнезем, карбидная ила, материал, микрокремнезем, минерал, прочность, известь, водостойкий, цемент. **Abstract:** In clause the application of the hydraulic additive, results of experimental researches for increase of water resistance and frost resistance plaster knitting, improvement it strengthening of the characteristics with uliginoussiliceous by the additives is covered the basic directions of increase of water resistance of plaster products.

Key words: Biosilica, hydraulic additives, plaster concrete, plaster knitting, plaster products, chemical structure, solutions, silica, carbide of silt, material, microsilica, mineral, durability, lime, waterproof, cement.

Kirish. 2016-2021 yillarda mamlakatimizda devorbop materiallarning vaqt bo'yicha bardoshlilik, har xil iqlim sharoitiga chidamliligi va mustahkamligini oshirish, issiqlik-texnik xossalarni yaxshilash borasida, xususan tayyorlash jarayonida serg'ovak tuzilmani hosil qilish va o'rta zichligini kamaytirish uchun kuyib ketuvchi qo'shimchalardan foydalanish, mineral

qo‘shimchalardan foydalanib material tuzilmasini optimallashtirish, ularni ishlab chiqarishning energiya samarador texnologiyalarini yaratish, mavjudlarini takomillashtirishga yo‘naltirilgan ilmiy-tadqiqot ishlari olib borish rivojlandi.

SHu o‘rinda, qurilish tarmog‘ida devorbop materiallarining yangi zamonaviy turlarini ishlab chiqarish va kengaytirish borasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 maydagi “Qurilish materiallari sanoatini jadal rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4335-sonli qarorida ushbu maqsadlar qamrab olindi [1].

Mazkur qaror asosida respublikamizda 2019-2025 yillarda geologiya-qidiruv ishlarini olib borish, qazib olish va qayta ishlash asosida qurilish industriyasining xom ashyo bazasi hajmlarini ohaktosh bo‘yicha –13,1 mln. tonnaga va gips toshi bo‘yicha – 1,8 mln. tonnaga oshirish ko‘lami belgilandi.

Bugungi kunda talab etilayotgan sifatli qurilish materiallarini ishlab chiqarish turlarini kengaytirish, ichki bozorni import o‘rnini bosuvchi va raqobatbardosh qurilish materiallari hamda mahalliy ishlab chiqarilgan buyumlar bilan to‘ldirish vazifalari belgilangan.

Gips buyumlarining suvga chidamligini oshirishning quyidagi uchta asosiy yo‘nalishlari aniqlangan:

- qotib qolgan gipsning eruvchanligini kamaytirish;
- suv singdiruvchanlik va suv shimuvchanlikni kamaytirish maqsadi bilan gips toshini kapilyar g‘ovak tuzilmasini o‘zgartirish;
- gips buyumlarini suvga to‘yinishiga to‘sqinlik qiladigan materiallar yuzasi namga chidamli, himoyalangan va singdirilgan.

Bundan tashqari, gips massasi zichlashini qo‘llab, qotib qolgan gipsning suvga chidamligini oshirish mumkin. Lekin ushbu uslub bog‘lovchining yuqori sarfini keltirib chiqaradi va gips buyumlarini ishlab chiqarish texnologiyasini qiyinlashtiradi. YUzasiga qoplama (rux va qumli silikat) berish vaqtinchalik tavsifga ega bo‘lib, hamma vaqt ham iqtisodiy samara bermaydi [2].

Birinchi ikkita yo‘nalish ko‘proq istiqbolli hisoblanadi, chunki ushbu hollarda buyum yoki konstruksiyaning yuzasi tasodifan shikastlanishidan bog‘liq bo‘lmagan holatda materialning to‘liq hajmi bo‘yicha suvga chidamligi oshadi.

Ushbu vazifani amalga oshirish uchun har xil kimyoviy qo‘shimchalar ishlatilgan [3, 4]. Gips toshi yoki betonning eruvchanligini bir vaqtning o‘zida pasaytirishga imkon beruvchi eng samaralisi, qurilish materiallarining xossalari va tuzilishini baravariga boshqarishga imkon beradigani hisoblanadi.

Gips bog‘lovchilarning suvga chidamligini oshirish bo‘yicha xorijiy tajribaning tahlili shuni ko‘rsatmoqdaki, tadqiqotchilar asosan qotishi yoki singdirilishida murakkab organik qo‘shimchalarni ishlatishni tavsiya etgan. Bunday muammoga eng katta qiziqishni AQSH, Germaniya, YAponiya, Polsha va Fransiya olimlari bildirib, polisilaks va kremniyalkid asosidagi qo‘shimchalarni tavsiya etgan. Fenolformaldegid va boshqa suvda eruvchan qatronlar bilan gipsga singdirilish uslubi rossiyalik olimlar (M.A.Matveev, K.M.Tkachenko) o‘rganib chiqishgan. Singdirilish materialning zichlanishini ta‘minlaydi va namlik ta‘siridan ikki suvli gipsning kristallarini himoyalaydi. Biroq ushbu gipsning suvga chidamligini oshirish uslubi jiddiy kamchiliklarga ega bo‘lib, buyumni tayyorlashning texnologik jarayonini qiyinlashtiradi va ularning narxini oshiradi.

Hozirgi kunda AQSH, YAponiya va Germaniyada gips buyumlarini mineral, organik va shisha tolalari hamda gips bog‘lovchining tolali kristallari bilan armaturalash uslublari yaratilgan. Ularni qo‘llanilishi mustahkamlik ko‘rsatkichlarini va gips buyumlarining suvga chidamligini oshirishga olib keladi.

Polshalik tadqiqotchilar yarim suvli gipsni yuqori pishirilgan gips bog‘lovchilar va berilgan nisbatda ohak bilan aralashtirish uslubini tavsiya etgan. Bunday bog‘lovchining yumshatish koeffitsienti 0,7 ga erishiladi, biroq uning tayyorlanishida qo‘shimcha kimyoviy qo‘shimchalarni ishlatilishi buyumning narxini oshiradi.

Qirqinchi yillarda rossiyalik olim A.V.Voljenskiy so'ndirilmagan ohakni ishlatishni tavsiya etgan bo'lib, issiqlik hisobidan suvlanish tuyilgan gipsning suvsizlanishini amalga oshirgan [5]. SHuningdek, bir vaqtning o'zida gipsga birgalikda ohak bilan gidravlik qo'shimchani qo'shilishi buyumning suvga chidamligini yanada oshiradi. Birinchi marta 1941 yilda mutaxassis olim I.E.Gaysins tomonidan uch tashkil etuvchili gips bog'lovchini olgan. Gidravlik qo'shimcha sifatida bog'lovchi massasidan 30-40% miqdorda asosan domenli donador toshqollar ishlatilgan. Namunalar suvda qotishida hajmning notekis o'zgarishidan yoriqlar paydo bo'lgan. Bu ichki kuchlanishni keltirib chiqaruvchi kalsiy sulfoallyuminat hosil bo'lishi bilan bog'liq hisoblanadi.

SHu bilan birga bir vaqtning o'zida A.V.Voljenskiy bir qator izlanishlar olib borib, gidravlik qo'shimcha sifatida quyidagilar: kul, trass, pemza, diatomit, opoka (qum tuproqqa boy tog' jinsi), sement, domen toshqollari, ba'zi ko'mirlarni yoqishdan qoladigan toshqollari ishlatilgan. O'xshash tajribalarni rossiyalik mutaxassis olimlar V.P.Nekrasov, M.A.Matveev, K.M.Tkachenko, G.S.Palagin, M.S.Kuratsapov va boshqalar olib borishgan.

1942 yil rossiyalik olimlar P.I.Bojenov va I.B.Konyushevskiy yuqori mustahkam gips asosida aralash bog'lovchilarni izlanishlarini olib borgan, ularning tarkibi quyidagicha: 50% gips, 15% ohak, gidravlik qo'shimcha (toshqol, trepel) va b.q.

O'xshash tarkiblarning yuqori suvga chidamligi, eritmalarini zichlanishiga imkon beruvchi va ularni yuvilishini pasaytiruvchi kalsiy gidrosilikatli kolloid massaning hosil bo'lishi bilan tushuntiriladi. Yaratilgan aralash bog'lovchilarning boshqa turi uchun yumshatish koeffitsienti 0,5-0,7 chegarada bo'ladi va kompozitsiyada gips miqdorining pasayishi oshadi.


Tadqiqotchilar har xil gidravlik qo'shimchalarni ishlatishida bir qator muammolarga duch keldi. Xususan, gips ohak trePELLI tarkiblarining 28 kunlik havoli qotishi qorishmaning 15 va 30 markasini ta'minladi, lekin ulardagi gips tarkibi imkoniyatini kamaytirib, uning mustahkamligi pasaytirdi. Havoli sharoitda 6 oygacha keyinchalik qotishida gidravlik qo'shimcha va ohak tarkiblarining mustahkamligiga salbiy ta'sirlar paydo bo'lgani aniqlangan. Bundan tashqari, eng ko'p suvga chidamli tarkibi (80% gips, 5% ohak, 15% trepel) navbat bilan namlanishi va quritilishida eng kam barqarorligi namoyon bo'lgan.

Gips ohak kulli va sementli tarkiblari juda ham past sovuqqa chidamlikka (F2-F6 sikl) ega bo'lgan, navbat bilan namlanishi va quritilishida barqarorlik tajriba-sinovlarida esa ko'pi bilan F25 siklga bardosh bergan. Gips ohak toshqolli qorishmalar mutlaqo mustahkamlik bo'yicha peshqadamlik qiladi, quruqlik ustidagi mustahkamligi ustunligi bilan 60% gacha gips miqdorining kamayishida suvda qotish xususiyatiga ega (gips ohak kulli tarkiblarda esa kamida 80% gips miqdorida 6 oydan so'ng mustahkamligi pasayadi). Lekin ularning barchasi juda ham har xil kimyoviy tarkibga ega, bu esa sezilarli kamchiligi hisoblanadi va ularni tadqiqotlarini amalga oshirishda tayyorlanishi zarurligi va tajriba-sinov yo'li bilan tarkiblarini tanlanishi shart ekanligini ko'rsatadi. Suvda gidravlik qo'shimchani qisman yumshashi va bo'kishi gips ohakli bog'lovchilarga (gipsli namunalar 18 soatdan so'ng 65% gacha gips ohakli 20% gacha, gips ohak putssolanli ko'pi bilan 21% mustahkamligi yo'qolishini beradi) nisbatan suvda birinchi muddati bo'lishida uchtali tashkil etuvchi qorishmaning mustahkamligi juda ham sezilarli darajada past beradi. Bundan tashqari, gips ohak putssolanli bog'lovchilarga nisbatan rN miqdori (8,2-8,8; gipsda rN qo'shimchasiz 6-7 teng) gips ohak bog'lovchilarda sezilarli darajada yuqoriligi (10-11) armaturaning chirishini (zanglashini) sekinlashtiradi. Ushbu omillar gips ohak bog'lovchiga ishlov berishga olimlarning e'tiborini qaratdi. To'siqli konstruksiya uchun gips betonga gips bog'lovchilardan eng samaralisini rossiyalik olim A.V.Voljenskiy yaratgan gips sementli putssolan bog'lovchilar hisoblanadi, uning tarkibi 50-75% yarim suvli gips, 15-25% portlandsement va 10-25% putssolan qo'shimchadan tashkil topgan [5]. Bunday bog'lovchining yumshatish koeffitsienti 0,6-0,8 va sovuqqa chidamligi F25 ega. Bu to'siq konstruksiya betonlar uchun past markali bog'lovchilarni ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish va yakuniy mahsulotning narxini oshiradigan, ishlatiladigan klinkerning miqdorini kamaytirish maqsadi bilan uning tarkibini takomillashtirish imkonini yaratdi.

Elliginchi yillarda yaratilgan va tavsiya etilgan gips sementli putssolan bog'lovchilar past faolligidan, saqlashda mustahkamligini pasayishiga moyilligi kamchiliklari sababli qurilishda keng

qo‘llanilishi amalga oshirilmadi. Gips sementli putssolan bog‘lovchilar asosida engil betonlarning uzoqqa chidamligi, uning asosidagi bog‘lovchi va betonning tarkibini tanlashga qattiq me‘yoriy talablardan uncha katta bo‘lmagan og‘ishida keskin tushib ketadi.

Gips bog‘lovchining suvga chidamligi va sovuqqa chidamligini oshirish hamda uning mustahkamlik tavsiflarini yaxshilash uchun loyqa qum tuproqli qo‘shimcha qo‘shib tajriba-sinov tadqiqotlari o‘tkazildi. Kalsiy gidroksid va faol SiO₂ o‘zaro ta’siri hisobidan materialning tuzilmasini zichlovchi va qotgan gipsning ichiga namlikni kirishiga to‘sqinlik ko‘rsatadigan kam eruvchan past asosli kalsiy gidrosilikatlar hosil bo‘ladi (1-rasm).



1-rasm. Kalsiy gidroksid va faol SiO₂ o‘zaro ta’siri hisobidan gips bog‘lovchining mikrotuzilmasi.

Loyqa bioqum tuproqli gips bog‘lovchilarida loyqa karbidni bor bo‘lishi qotgan gipsning eruvchanligini pasayishiga olib keladi va natijada material ko‘proq atmosferaga chidamli bo‘ladi. Bundan tashqari, uning ishlatilishi ekologik muammoni echadi, xususan atsetilen ishlab chiqarishdan ko‘p tonnali texnogen chiqindilarni utilizatsiya qiladi va uning qo‘llanilishi iqtisodiy samaradorlikni oshiradi, yakuniy materialning narxini pasaytiradi [6, 7, 8, 9].

Loyqa karbid bilan qurilish ohagini almashtirish ko‘p tarkibli gips bog‘lovchining birikishi (adgeziya) va fizik-mexanik xossalarini oshishiga olib keladi hamda ularning eruvchanligini kamaytiradi.

Ko‘p tarkibli gips bog‘lovchilar uchun loyqa qum tuproqli qo‘shimchalarni tashkil etuvchi qum tuproq sifatida tanlangan va mikroqum tuproq va bioqum tuproq tadqiqot qilingan.

Mineral qo‘shimcha sifatida mikroqum tuproqni oxirgi yillarda ishlatilishi keng tarqalmoqda

[10]. Kremniy va ferrokremniy qotishmalarini ishlab chiqarish mahsuloti qo‘mir bilan yuqori toza kvarsning tiklanish reaksiyasi natijasida shakllanadi va o‘zida qum tuproqning qaytib chiqayotgan gazidan filtrlar bilan ushlab qolinadigan yuqori dispers changiga ega bo‘ladi. Namunalarning quriq holatda siqilishdagi mustahkamligi 5, 15, 25 MPa tashkil etadi.

Loyqa karbid va qurilish ohagini loyqa qum tuproq qo‘shimcha tarkiblari sifatida ishlatilishining samaradorligini taqqoslash. Qurilish ohagini loyqa qum tuproq qo‘shimcha tarkibida ishlatilishi suvga to‘yinganlik holatda ko‘p tarkibli gips bog‘lovchilar asosida materialning mustahkamligini 2,1 marta, quruq holatda esa mustahkamligini 1,3 marta, loyqa karbidni suvga to‘yinganlik holatda ishlatilishi esa mustahkamligini 2,4 marta va quruq holatda mustahkamligini 1,5 marta oshirishga imkon beradi. Bu qurilish ohagining 80-85% faolligi taqqoslanganda loyqa karbidning faolligi 90-95% yuqoriligi bilan bog‘liq bo‘ladi. “O‘zmetkombinat” AJ hududidagi mikroqum tuproqning kimyoviy tarkibi barqarorligi amorf holatdagi faol qum tuproq miqdori bilan massasi bo‘yicha 85% dan 98% gacha farqlanadi (1- va 2-jadval). Bu gips va mikroqum tuproqning pasport ko‘rsatkichlariga tayanib, loyqa bioqum tuproqli gips bog‘lovchilarning tarkibini to‘g‘rilab ishlab chiqarishga imkon beradi.

1-jadval

Mikroqum tuproqning kimyoviy tarkibi

Kimyoviy tarkib, %			
SiO ₂	Al ₂ O ₃	CaO	P ₂ O ₅
95,9	1,6	2,2	2,2

2-jadval

Amorf holatdagi faol qum tuproqning kimyoviy tarkibi

Kimyoviy tarkib, massasi bo‘yicha %						
SiO ₂	MgO	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	MnO	SaO	W
95,8	0,7	0,8	0,4	0,4	0,4	0,3

Mikroqum tuproq boshqa faol mineral qo‘shimchalardan yuqori gidravlik faolligi (250 mg/g atrofida) bilan foydali farqlanadi, xususan o‘rtacha faol kulga qaraganda 3 marta yuqori va tarkibida gips sementli putssolan bog‘lovchilar (trepel, opoka, diatomit va sh.k.) ishlatilishiga tavsiya etilgan mineral qo‘shimchalarga solishtirilganda 1,5 marta yuqori hisoblanadi. Yuqori disperslik bir tomondan afzalligi hisoblanadi. Chunki qo‘shimchaning gidravlik faolligini qimmat turmaydigan kukun ta‘minlaydi. Boshqa kamchiligi, mikroqum tuproqning solishtirma yuzasi 24 m²/g erishiladi, bu esa qorishmaning yuqori suv talabchanligini oldini olish uchun mikroqum tuproq o‘rniga mayin qo‘shimchani ishlatishga imkon beradi.

Bioqum tuproq biogen kelib chiqishiga mansub bo‘lib, 700-800 °S haroratda issiqlik ishlov berishdan o‘tgan tabiiy diatomitni maxsus aralashtirilgan faolligi natijasida olingan mayin dispersli kremniy dioksiddan tashkil topgan. Bioqum tuproq tuzilma hosil qiluvchi element hisoblanadi, uning dastlabki flokulyasiya tuzilmasi chidamligini ta‘minlaydi. Bioqum tuproqning faolligi texnogen kelib chiqishiga mansub (mikroqum tuproq, yuqori faol kul) bo‘lgan, gidravlik faolligi 395 mg/g atrofida eng ko‘p tarqalgan mineral qo‘shimchaning faolligini 1,5 martaga ko‘p oshiradi.

Bioqum tuproq 100% putssolanli hisoblanadi, u cho‘kindi jinslardan ishlab chiqariladi. Qum tuproqning tarkibi faol shaklda bo‘lib, CSH turidagi gidratli silikatlar miqdorini oshiradi va Sa(ON)₂ bilan o‘zaro ta‘sirlashish xususiyatiga ega. Ohakni bioqum tuproq bilan singdirish natijasida 30 kundan so‘ng tabiiy faol mineral qo‘shimchalarning aynan bir xil ko‘rsatkichlarini 4 martagacha va mikroqum tuproqning faolligini 60% ga oshiradi. Bioqum tuproq uchun 30 kunlikdagi

faol yuqori ko'rsatkichi bilan bir qatorda birinchi 3 kunlikda ohakning jadal singdirilishi kuzatiladi.

Bioqum tuproq yuqori disperslikga ega bo'lib, juda kichik o'lchamdagi zarralari (0,1-0,5 mkm) va yuqori solishtirma yuzasi (22-26 m²/g) bilan farqlanadi, biroq suv/gips nisbati bir xilligida mayin qo'shimchani sarfi mikroqum tuproqni ishlatishda 25-30% ga qo'shimcha kam sarflanadi.

Bioqum tuproq doimiy kimyoviy tarkib va faollikga ega bo'lganligi, gipsning pasport ko'rsatkichlariga tayanib loyqa bioqum tuproqli gips bog'lovchilar tarkibini to'g'rilab ishlab chiqarishga imkon beradi. Tadqiqotlar jarayonida ko'p tarkibli gips bog'lovchilar tayyorlash uchun yarim suvli G5 markali gips, loyqa karbid, qum tashkil etuvchilar (mikroqum tuproq va bioqum tuproq), mayin qo'shimcha ishlatiladi. Tayyorlangan namunalar 28 kun mobaynida tabiiy quruq sharoitlarda saqlab turiladi. O'tkazilgan dastlabki tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, loyqa qum tuproqli qo'shimchalar qum tuproq tashkil etuvchisi sifatida mikroqum tuproq va bioqum tuproqni ishlatish imkonini beradi, biroq ularni samarali ishlatilishi farqlanadi.

Xulosa. Loyqa qum tuproqli qo'shimchalar tarkibiga mikroqum tuproqni ishlatilishi ko'p tarkibli gips bog'lovchilar asosidagi materialning mustahkamligini suvga to'yingan holatda 1,6 martaga va quruq holatda mustahkamligini esa 1,1 martaga oshiradi. Xuddi shunday holatda, bioqum tuproqni ishlatilishi ko'p tarkibli gips bog'lovchilar asosidagi materialning mustahkamligini suvga to'yingan holatda 2,6 martaga va quruq holatda mustahkamligini esa 1,4 martaga oshiradi.

Mikroqum tuproq/bioqum tuproq va loyqa karbid o'rtasidagi eng qulay nisbat loyqa karbid bilan qum tuproq tarkibli qorishmasida aniqlanadi. Xuddi shunday holatda, har xil nisbat bilan qum tuproq tarkibli va loyqa karbid o'rtasidagi eng qulay nisbati ko'p tarkibli gips bog'lovchilar qorishmasida aniqlanadi. Tadqiqotning asosiy ko'lami 4×4×16 sm o'lchamdagi namuna balkachalarida bajariladi, qotirish sharoiti 28 kun mobaynida tabiiy sharoitda saqlab turilishi orqali amalga oshiriladi. Tadqiqotlar natijasi shuni ko'rsatadiki, suvga chidamligini oshirish nuqtai nazari bilan eng qulay sifatida – loyqa qum tuproqli qo'shimchalar tarkibida mikroqum tuproq va loyqa karbid o'rtasidagi 1-1,2 nisbat, bioqum tuproq va loyqa karbid o'rtasidagi esa 0,5-0,7 nisbat hisoblanadi, bu esa Sa(ON)₂ va SiO₂ reaksiyasiga kirishadigan stexiometrik hisoblash natijalariga muvofiq keladi. SHunday qilib, reaksiyaning to'laligicha o'tishini ta'minlash uchun bioqum tuproqning sarfi mikroqum tuproqqa nisbatan 1,8 marta kam bo'ladi.

Adabiyotlar

- [1]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 maydagi "Qurilish materiallari sanoatini jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4335-sonli qarori (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 25.05.2019 y., 07/19/4335/3183-son; 07.05.2020 y., 07/20/4707/0545-son).
- [2]. Jukov A.D., Asamatdinov M. O., Sattorov Z.M. SHTukaturnye sostavy na osnove vyajushchego iz mestnogo сы́ра. [Monografiya]. – T.: «Shafoat Nur Fayz», 2021 g., 156 str.
- [3]. Ferronskaya A.B., Korovyakov V.F., Melnichenko C.B., Chumakov LD. Vodostoykie gipsovyie vyajushchie nizkoy vodopotrebnosti dlya zimnego betonirovaniya // Stroitelnye materialy, 1992, - № 5. - S. 15-17.
- [4]. Ayrapetov G.A., Panchenko A.I., Nechushkin A.YU. Mnogokomponentnoe gipsovoe vyajushcheye povыshennoy vodostoykosti // Stroitelnye materialy, 1995, - № 10.
- [5]. Voljenskiy A.B. Mineralnye vyajushchie veshchestva. - M.: Stroyizdat, 1986, - 464 s.
- [6]. Panchenko A.I., Nesvetaev G.V., Nechushkyn A.U. Gypsum concrete with heightened environmental resistance. 12 Ibausil. Weimar, 1994, pp. 112-115.
- [7]. Patent 2258681 Rossiyskaya Federatsiya, MPK7 S04V28/14. Сы́ревая смесь для получения водостойкого строительного материала. / Petropavlovskaya V.B., Kuzmina E.V., Sklyarenko E.A., Borisova M.A.; заявитель и патентообладатель Тверской государственны́й технический университет. - №2004103087/03; заявление 03.02.2004; опубликовано 20.08.2005, Бул. №2. - 4 s.
- [8]. Patent 2368579 Rossiyskaya Federatsiya, MPK S04V11/00, MPK S04V14/00, MPK S04V24/04, MPK S04V24/24, MPK S04V103/65, MPK S04V103/60. Добавка для модификации гипсовых вяжущих. / Poverin D.I., Poverin A.D.; заявитель и патентообладатель Poverin D.I. - №2008105479/03; заявление 15.02.2008; опубликовано 27.09.2009, Бул. № 27. - 7 s.
- [9]. Patent 2381191 Rossiyskaya Federatsiya, MPK S04V24/00, MPK S04V11/30, MPK S04V28/14, MPK S04V111/20. Organo-mineralnyy modifikator gipsovykh vyajushchikh, stroitelnykh rastvorov, betonov i izdeliy na ix osnove. / Korovyakov V.F., Ferronskaya A.B.; заявители и патентообладатели Ovsyannikov G.I., Korovyakov V.F. - № 2007109681/03; заявление 16.03.2007; опубликовано 10.02.2010, Бул. № 4. - 10 s.

ОСОБЕННОСТИ И ОБЛАСТИ ПРИМЕНЕНИЯ АТМОСФЕРНЫХ ОПТИЧЕСКИХ
СИСТЕМ СВЯЗИ

М.О. Султонова

Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий
maxbubasultonova1473@gmail.com
(Получена 17.10.2022 г.)

В статье приведены области применения атмосферные оптические системы связи и организация транспортных сетей мобильной связи. Показывается целесообразность применения атмосферных оптических систем связи в транспортных сетях сотовой связи. При резервировании параллельной радиолинией, работающей в диапазоне миллиметровых волн рекомендуется использование практически любых транспортных каналов связи.

Ключевые слова: атмосферная оптическая система связи, АОСС, распределительная сеть, базовая станция, MSC, магистральная сеть

Maqolada atmosfera optik aloqa tizimlarini qo'llash sohalari va mobil aloqa transport tarmoqlarini tashkil etish tamoyillari ko'rsatilgan. Sotali aloqaning transport tarmoqlarida atmosfera optik aloqa tizimlaridan foydalanishning maqsadga muvofiqligi ko'rsatilgan. Millimetr to'lqin diapazonida ishlaydigan parallel radio aloqasi bilan ortiqcha bo'lganda, transport aloqa kanallaridan foydalanish tavsiya etiladi.

Tayanch so'zlar: atmosfera optik aloqa tizimi, AOUT, tarqatish tarmog'i, tayanch stantsiya, MSC, magistral tarmoq

The article presents the areas of application of free space optical communication systems and the organization of mobile communication transport networks. The expediency of using of free space optical communication systems in transport networks of cellular communication is shown. When redundant with a parallel radio link operating in the millimeter wave range, it is recommended to use almost any transport communication channels.

Keywords: of free space optical communication system, AOCS, distribution network, base station, MSC, backbone network.

1. ВВЕДЕНИЕ

В настоящее время в мире большое значение уделяется использованию атмосферных оптических систем передачи в транспортных сетях сотовых систем связи при организации широкополосных высокоскоростных каналов связи, необходимых для сотовых сетей четвертого, пятого и дальнейших поколений. Удовлетворение возрастающим требованиям к скорости передачи информации возможно путем применения новых технологий и методов передачи данных.

- [9]. H.-J. Yoon, N.-J. Chung, M.-H. Choi, In-S. Park, J. Jeong. IEEE J. Lightwave Technol., 17, 1067 (1999).
- [10]. M. Fukuda. *Reliability and Degradation of Semiconductor Lasers and LEDs* (Artech House Boston, London, 1991).
- [11]. O. Ueda. *Reliability and Degradation of III-V Optical Devices* (Artech House Boston, London, 1996).
- [12]. P.G. Eliseev. Results of Science and Technology. Ser. Electronics, 23, 3 (1989).
- [13]. P.G. Eliseev, A.A. Kochetkov. Results of Science and Technology. Ser. Electronics, 23, 53 (1989).
- [14]. P.G. Eliseev, A.A. Kochetkov. Results of Science and Technology. Ser. Electronics, 23, 95 (1989).15. Melanie Ott, Capabilities and Reliability of LEDs and Laser Diodes, Technology Validation Assurance Group Swales Aerospace, 2000.

UO‘K 656.25

**KONTAKTLI TRANSMITTERLARNING MATEMATIK MODELLASHTIRISHDA
“Z” KODI UCHUN MODELLASHTIRISH VA MIKROELEKTRON
UZATGICHLARNI ISHLAB CHIQUISH**

N.M. Aripov, Z.F. Mirzaraxmedov, Sh.B. Djabbarov, B.B. Rahmonov.

Toshkent davlat transport universiteti

Toshkent davlat transport texnikumi, Mashinistlar tayyorlov markazi

aripov_nm@mail.ru, zafar3086@mail.ru, shuhratassistant@gmail.com, rahmonov1991@mail.ru.

(Qabul qilindi 25.07.2022 y.)

In this article we are talking about studies conducted on the basis of Petri nets when modeling the code “Z” of a combined microprocessor code transmitter with the characteristics of TSH-65 and TSH-2000 relays, auto-locking and electric centralization systems that are encoded in the rail circuits of automatic locomotive signaling that transmits codes to track and automatic locomotive traffic lights.

Keywords: *auto-locking, automatic locomotive signaling, relays, electro-centralized system, rail circuits, codes, processes, anchor, petri net, graphs.*

В данной статье речь идёт об исследованиях, проведенных на основе Петри-сетей при моделировании кода “З” комбинированного микропроцессорного кодового передатчика, обладающего характеристиками реле ТШ-65 и ТШ-2000, системы автоблокировки и электроцентрализации которые кодируются в рельсовых цепях автоматической локомотивной сигнализации, передающей коды на путевые и автоматические локомотивные светофоры.




Ключевые слова: *автоблокировка, автоматическая локомотивная сигнализация, реле, электроцентрализованная система, рельсовые цепи, коды, процессы, якорь, сеть Петри, графы.*

Ushbu maqolada, avtoblokirovka va elekt markazlashtirish tizimlari rels zanjirlarida shakillangan avtomatik lokomotiv signallashtirish kodlarni yo‘l va avtomatik lokomotiv svetoforlariga uzatib beradigan TSH-65 va TSH-2000 relelarining xususiyatlariga ega bo‘lgan, birlashtirilgan mikroprotsessorli kod uzatgichning “Z” kodi uchun modellashtirishda Petri tarmoqlari asosida o‘tkazilgan tadqiqotlar haqida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zlar: *Avtoblokirovka, lokomotiv avtomatik signallashtirish, elekt markazlashtirish tizimlari, rels zanjirlari, kod, jarayonlar, yakor, rele, Petri tarmoqlari, graflar.*

Temir yo‘l avtomatikasi va telemexanikasida kod uzatib berish vazifasini TSH-65 va TSH-2000 relelar o‘z zimmasiga oladi. Zamon rivojlanishi va harakat tarkiblarining harakat xafvsizligini ta‘minlashga bo‘lgan talablar ortishi natijasida bu qurilmalar ham yangilangishga ehtiyoj sezmoqda. Petri tarmoqlari nazariyasi TYAT tizimlarini matematik farazdagi Petri gaflari ko‘rinishida modellashtirish imkonini beradi. Petri tarmoqlar nazariyasi tizimlarda bir vaqtda yuz beradigan bir qancha paralell jarayonlarni modellashtirish uchun xizmat qiladi [1].

Jarayonlar (P), shartli o‘tishlar (T), kirish (I) va chiqish (O) vazifali elementlar Petri tarmoqlari asosi hisoblanadi. Jarayonlar va shartli o‘tish shu jarayon va o‘tishlarga kirish yoki ulardan chiqish vazifalarining bajarilish oqibatida o‘zaro bog‘lanadi. Petri tarmoqlarini tadqiqotlarda soddalashtirish uchun graflardan foydalaniladi. Bu graflar Petri simulyatorida multigraflar shaklida ifodalanadi [2].


Buning asosida, Petri graflarida  – mantiqiy elementi jarayonlarni ya‘ni holatlarni,  –mantiqiy elementi esa shartli o‘tishlarni anglatadi. Petri tarmoqlarida qaysi jarayon aktiv ekanligini bildirish maqsadida  mantiqiy elementidan ya‘ni doira ichiga fishka qo‘yish bilan belgilanadi [3, 4].

Modellashtirishda Petri tarmoqlarida “Z” kodi uchun tadqiqot.

TSH transmitter relelarining kod uzatishdagi vaqt diagrammalari “KJ” kodi uchun bir impuls bir intervalni, “J” kodi uchun ikki impuls ikki intervalni, “Z” kodi uchun uch impuls uch intervalni tashkil qiladi. Impuls va intervalning davomiyligi kodlar uchun o‘zgacha bo‘lgan davrlardan

**ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

tashkil topgan. Quyida biz “Z” kodi uchun Petri graflarining qanday ifodalanishi bilan tanishib chiqamiz.



1-rasm. TSH-65 va TSH-2000 transmitter relelari uchun “Z” kodida impuls vv intervallarining vaqt tavsiflari diagrammasi.

1-jadval

“Z” kodi uchun Petri tarmoqlarida jarayonlar va jarayon tavsiflari keltirilgan:


Jarayonlar tartibi	Jarayonning maqsadi
P1	Ta’minot berildi va impuls kelishni boshladi.
P2 P11 P18	Impuls davomida PT relelari yakorni ko’tarilish jarayoni.
P3	350 ms davomida impuls kelishini tekshirish jarayoni.
P4 P12 P19	Impuls tugab interval vaqtida PT rele yakorini tashlashga 70ms kechikish vaqtini tugashi.
P5 P14 P21	PT rele yakorini tushishi.
P6 P13	50 ms davomida interval kelish jarayoni.
P7 P15 P22	PI rele yakorini ko’tarilishi.
P8	Impuls kelishi va PI rele yakorini 80 ms kechikishi va 220 ms impuls kelishi jarayoni.
P9 P16 P23	Interval vaqtini tugashini tekshirish jarayoni tugab impuls kelishini va PI rele yakorini tashlashni 80 ms kechikish vaqti.
P10 P17 P24	PI rele yakorini tashlashi
P20	500 ms davomida interval kelish jarayoni
Shartlar tartibi	O’tish shartlarining maqsadi
t1	Impuls qabul qilishni boshlash 0÷350 ms
t2 t9 t17	Impuls tugab intervalga o’tish shartini tekshirish.
t3 t12 t18	70 ms kechikish vaqti tugab PT rele yakorining tokli holatdan toksiz holatga o’tishi.
t4 t11	70 ms kechikish vaqti tugab 50 ms interval davom etishi tekshirish.
t5	50 ms interval tugab 80 ms kechikishni boshlanishi tekshirish.
t6 t13 t19	70 ms kechikish tugab PT relelarning toksiz bo’lish orqali RI tokli holatga o’tish.
t7 t14	80 ms kechikish vaqtini tugashini tekshirish.
t8 t15 t22	RI rele toksiz holatga o’tish
t20	70 ms kechikish tugab 500 ms interval kelishini tekshirish.
t10	470 ÷ 690 ms gacha impuls kelishini tekshirish.
t21	500 ms interval tugab 80 ms kechikishni tekshirish.
t16	740 ÷ 960 ms larda impuls kelishini tekshirish

Grafda t_1, t_2, \dots va t_{22} shart o’tishlari va P1, P2 va P24 jarayonlaridan tashkil topgan.

Ta’minot ulanishi bilan impuls P1 jarayonini faollashtiradi. t1 sharti 350 ms davr mobaynida impuls kelish sharti bajarilishi natijasida biz $O(t_1) = \{P2, P3\}$ chiqishlariga ega bo’lamiz (2-rasm).

Kod qabul qilishni boshlagandan keyin $O(t_1) = \{P2, P3\}$ chiqishlar faollashadi. R2 jarayoni t1 sharti bajarilishi natijasida PT rele yakorini tokli holatga o’tishi uchun xizmat qiladi. P3

jarayoni esa PT yakoriga $0 \div 350$ ms davomida impuls kelishi jarayonini nazorat qiladi. 350 ms vaqt mobaynida impuls kelishi tugagandan so'ng, $I(t_2) = \{P3\}$ kirish impuls tugab interval boshlanish shartini tekshiradi.



2-rasm. Ta'minot ulanganda "Z" kodi TSH transmitter relelari boshlang'ich holati Petri tarmog'ining grafi bo'yicha tasvirlanishi.

P4 jarayonini faollashi hisobiga $I(t_3) = \{P2, P4\}$ kirishlar bajarilishi PT yakorini tushiga ketadigan 70 ms kechikish vaqti tugaganligi bildiradi.

$O(t_3) = \{P5\}$ chiqishi hosil bo'lishi P5 jarayonida fishka paydo bo'lishiga xizmat qiladi, bu esa PT yakorini tushganligi tasvirlaydi. $O(t_4) = \{P6\}$ chiqishi orqali P6 jarayoniga fishka keladi. Va bu jarayonda 50 ms davomida interval vaqti yuz beradi. Kechikish va interval vaqtlarining umumiyisi 120 ms interval to'la amalga oshirishini ta'minlaydi. Intervalning nihoyasiga etishi $I(t_{10}) = \{P6\}$ kirishi orqali keyingi impuls jarayonini boshlanishiga zamin yaratadi.

$O(t_6) = \{P7\}$ chiqishiga ega bo'lishimiz bizga PT yakorini toksiz holatga o'tishi hisobiga PИ yakorini tokli holatga o'tishini ifodalaydi. $I(t_5) = \{P6\}$ kirishi vujudga kelishi oqibatida t_5 sharti interval tugashini va intervalning 80 ms kechikishini boshlanish shartini nazorat qiladi. Bu shart bajarilgach $O(t_5) = \{P8\}$ chiqishi orqali P8 jarayoni faollashadi. P8 da fishka paydo bo'lishi 220 ms davomida impuls kelish jarayonini amalga oshiradi.

$I(t_7) = \{P9\}$ kirish orqali P9 jarayonini faollashishi natijasida PИ yakorini tushishi uchun kechikish vaqtining sharti bajarilish jarayoni ifodalangan. $I(t_8) = \{P7, P9\}$ kirishlari ega bo'lishimiz bizga 80 ms kechikish tugaganligini anglatadi. t_8 shartining bajarilishi P10 jarayonini faollashtiradi, P10 jarayonida fishkani paydo bo'lishi PИ yakorini tokli holatdan toksiz holatga o'tganing isboti sifatida qaraladi. SHuning bilan birinchi impuls va interval o'z nihoyasiga etadi. $O(t_{10}) = \{P11\}$ chiqishi orqali esa ikkinchi impuls boshlanganligi bizga ma'lum bo'ladi.

P11 jarayonini faollashi impuls qabul qilishni boshlanganligidan darak beradi. P12 jarayon faollashishi PT yakorini ko'tarilishiga xizmat qiladi. PT yakorini tokli holatga o'tishi esa 220 ms lik impuls kelayotganligi jarayonini ifodalaydi.

PT yakori ajralgandan so'ng $O(t_{12}) = \{P14\}$ chiqish vujudga keladi va P14 faollashadi. Buning natijasida PT yakorini tushiradi. PT yakorining tokli holatdan toksiz holatga o'tishi ikkinchi sikldagi impulsning tugaganligini angalatadi. P13 ning faollashishi esa 50 ms davomida interval davom etishini va $I(t_{16}) = \{P13\}$ kirishlarini vujudga keltiradi.

$O(t_{13}) = \{P15\}$ chiqishining hosil bo'lishi PИ yakorini ko'tarilishiga xizmat qiladi. $I(t_{14}) = \{P13\}$ kirishi esa 50 ms davomida interval kelishi sharti bajarilishini tekshiradi.


$O(t_{14}) = \{P16\}$ chiqishi orqali P16 jarayonida PИ yakorini tushirishga ketadigan 80 ms kechikish jarayoni tasvirlangan. Bu jarayonning bajarilishi $I(t_{15}) = \{P15, P16\}$ kirishini vujudga keltiradi va t_{15} PИ yakorini tokli holatdan toksiz holatga o'tish shartlarini tekshiradi. Demak, interval va kechikish vaqtlari nihoyasiga etganidan so'ng P17 jarayoni faollashishi natijasida PИ yakori toksiz holatga o'tadi. SHuning bilan ikkinchi impuls va interval o'z nihoyasi etadi.

$I(t_{16}) = \{P13\}$ kirishining vujudga kelishi uchinchi impuls jarayoni boshlanganligini anglatadi. $O(t_{16}) = \{P18\}$ chiqishi orqali P18 jarayonida fishka paydo bo'ladi.

$O(t_{17})=\{P19\}$ chiqishiga orqali P19 jarayonida $810\div 1030$ ms oralig'ida impuls kelayotganligini bildiradi. P19 jarayonini faollashishi $I(t_{18})=\{P18,P19\}$ kirishini hosil qiladi.


t_{18} shartli orqali impuls to'liq kelganligi tekshirilgach $O(t_{18})=\{P21\}$ chiqishiga ega bo'lamiz. Bu esa o'z navbatida P21 jarayonini faollashtirib PT yakorini tokli holatdan toksiz holatga o'tishiga xizmat qiladi. $O(t_{20})=\{P20\}$ chiqishi orqali P20 jarayonida 500 ms davomida interval kelishi boshlanadi.

$O(t_{19})=\{P22\}$ chiqishi orqali R22 jarayonida PI yakorini ko'tarilishi hisobiga tokli holatga o'tishi tasvirlangan. $O(t_{21})=\{P23\}$ chiqishi natijasida esa P23 jarayoni faollashib $1100\div 1600$ ms davrida interval kelishi ifodalangan.



3-rasm. “Z” kodi uchun uch impuls va uch interval tugab boshlangich holatga qaytish Petri tarmog‘ining grafi.

$I(t_{22})=\{P22,P23\}$ kirishlarini yuzaga kelishi interval tugaganligini va yana boshlang'ich holatga qaytish shartini tekshirishni faollashtiradi. $O(t_{22})=\{P1\}$ chiqishi orqali P1 jarayonini faollashtiradi. Bu esa o'z navbatida $0\div 350$ impuls kelishini tashkillashtirish orqali $O(t_1)=\{P2,P3\}$ chiqishlari orqali “Z” kodi uchun impuls va intervallar kelish ketma-ketligini yana boshidan boshlanganligini anglatadi 3-rasm.



4-rasm. “Z” kodi RI yakorini tokli holatdan toksiz holatga o'tish Petri tarmog‘ining grafi.

t_{22} shartining bajarilishi $O(t_{22})=\{P1\}$ chiqishidan tashqari $O(t_{22})=\{P24\}$ chiqishini ham yuzaga keltiradi. Buning natijasida P24 jarayoni faollashib RI yakorini tushishiga ketadigan 80 ms kechikish vaqti o'z nihoyasiga etganidan so'ng PI yakorini toksiz holatga o'tkazadi va shuning bilan uchinchi interval ham tugallanadi 4-rasm.

TSH-65 relesining “Z” kodida Petri grafi uchun kengaytirilgan kirish (I) va chiqish (O) funksiyalari 2- jadvalda keltirilgan.

TSH-65 relesining “Z” kodida Petri grafi uchun kengaytirilgan kirish (I) va chiqish (O) funksiyalari 2- jadvalda keltirilgan.

2-jadval

$I(t_1) = \{P1\}$	$O(t_1) = \{P2,P3\}$
$I(t_2) = \{P3\}$	$O(t_2) = \{P4\}$
$I(t_3) = \{R2, P4\}$	$O(t_3) = \{P5\}$
$I(t_4) = \{P4\}$	$O(t_4) = \{P6\}$
$I(t_5) = \{P6\}$	$O(t_5) = \{P8\}$
$I(t_6) = \{P5\}$	$O(t_6) = \{P7\}$
$I(t_7) = \{P8\}$	$O(t_7) = \{P9\}$
$I(t_8) = \{P7, R8\}$	$O(t_8) = \{P10\}$
$I(t_9) = \{P9\}$	$O(t_9) = \{P12\}$
$I(t_{10}) = \{P6\}$	$O(t_{10}) = \{P11\}$
$I(t_{11}) = \{P12\}$	$O(t_{11}) = \{P13\}$
$I(t_{12}) = \{P11, R12\}$	$O(t_{12}) = \{P14\}$
$I(t_{13}) = \{P14\}$	$O(t_{13}) = \{P15\}$
$I(t_{14}) = \{P13\}$	$O(t_{14}) = \{R16\}$
$I(t_{15}) = \{P15, R16\}$	$O(t_{15}) = \{P17\}$
$I(t_{16}) = \{P13\}$	$O(t_{16}) = \{P18\}$
$I(t_{17}) = \{P16\}$	$O(t_{17}) = \{P19\}$
$I(t_{18}) = \{P18, R19\}$	$O(t_{18}) = \{P21\}$
$I(t_{19}) = \{P21\}$	$O(t_{19}) = \{P22\}$
$I(t_{20}) = \{P19\}$	$O(t_{20}) = \{P20\}$
$I(t_{21}) = \{P20\}$	$O(t_{21}) = \{P23\}$
$I(t_{22}) = \{P22, R23\}$	$O(t_{22}) = \{P1, R24\}$

Хулоса

Temir yo‘l avtomatika va telemexanika sohasida kod uzatgich qurilmalarni Petri tarmoqlar asosida modellashtirib, avtoblokirovkalash va avtomatik lokomotiv signallashtirish bilan jihozlangan uchastkalarda mavjud “Z” kodlarini etkazib berishda yuz beradigan jarayonlar Petri graflari misolida tasvirlangan. Har bir tasvirlangan jarayon Petri matematik simulyatorida tadqiqotdan o‘tgan.

Adabiyotlar:

- [1]. Воевода А. А. Инверсия простой ординарной сети Петри / А. А. Воевода, А. В. Марков // Науч. вест. Новосибир. гос. техн. ун-та. 2013. №4 (53). С. 215–218.
- [2]. Марков А. В. Инверсия сетей Петри / А.В. Марков // Сб. науч. тр. Новосибир. гос. техн. ун-та. 2013. № 4 (74). С. 97–121.
- [3]. Ломазова И. В. Вложенные сети Петри: моделирование и анализ распределенных систем с объектной структурой / И. В. Ломазова. Москва: Научный мир, 2004. 208 с.
- [4]. Моделирование сетями Петри решения классической задачи о максимальном потоке. Михайлов А.С. // Международный журнал экспериментального образования. –М., 2011. – № 11. – С. 85-89.

ҚУЁШ ҚУРИТИШ ҚУРУЛМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

F.Yu. Rўziqulov¹, A.A. Vardiyashvili², F.N. Uzoqov¹, U.X. Ibragimov¹, A.Yu.Rўziqulov²

¹Қариши муҳандислик иқтисодиёт институти, ²Қариши давлат университети,

E-mail: vardi41@mail.ru

(Қабул қилинди 4.01.2023 й.)

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуёш энергияси ёрдамида қуритишнинг долзарблиги, қуёш қуритгичини ишлаш принциплари, қуёш қуритгичларининг таснифи, қуёш қуритгичлари бўйича тадқиқот ишларининг таҳлили, бевосита қуёш қуритгичларининг турлари ва конструкциялари бўйича чет эл олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот ишларининг

таҳлиллари келтирилган.

Таянч сўзлар: *Қуёш қуритгичи, қуритиш камераси, актив, пасив, бевосита қуёш қуритгичи, иссиқлик оқими.*

В данной статье представлены актуальность сушки сельскохозяйственной продукции с использованием солнечной энергии, принцип работы солнечной сушилки, классификация солнечных сушилок, анализ исследовательских работ по солнечным сушилкам, анализ исследовательских работ проведенных зарубежными учеными по видам и конструкции непосредственных солнечных сушилок.

Ключевые слова: *Солнечная сушилка, сушильная камера, активная, пассивная, прямая солнечная сушилка, тепловой поток.*

This article presents the relevance of solar energy for drying agricultural products, the principle of operation of solar dryers, the classification of solar dryers, the analysis of research works on solar dryers, the analysis of research works of foreign scientists on the types and designs of direct solar dryers.

Keywords: *Solar dryer, drying chamber, active, passive, direct solar dryer, heat flow.*

Кириш. Қуритиш – бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва масса узатиш ҳисобига намликни чиқариб юбориш жараёнидир. Бу кишлоқ хўжалик маҳсулотларини (ҚХМ) сақлашнинг классик усули ҳисобланиб, уларни узоқ муддат сақлашни таъминлайди [1]. Қуритиш жараёни икки босқичда амалга оширилади. Қуритишнинг биринчи босқичи материалнинг юзасида доимий қуритиш тезлигида содир бўлади ва сувнинг атроф-муҳитга буғланишига ўхшайди. Қуритишнинг иккинчи босқичи қуритиш тезлигининг пасайиши билан содир бўлади. Иккинчи босқичнинг ҳолати қуритилаётган материалнинг хусусиятлари билан белгиланади [2]. Очiq ҳавода бевосита қуёш остида қуритиш кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҚХМ ни сақлашнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Ноқулай иқлим шароитида бундай қуритиш қуритилган маҳсулот миқдорини кўп йўқотилишига ва сифатини ёмонлашишига олиб келади [3]. Бу йўқотишлар ҚХМ ни чангдан ифлосланиши, ҳашаротлар, кемирувчилар ва ҳайвонлар таъсирида зарарланиши билан боғлиқ. Шу сабабли, қуёш қуритгичларини жорий этиш, ҳосил йўқотилишини камайтириш ва қуритилган маҳсулот сифатини сезиларли даражада яхшилашни таъминлайди [4].

Қуёш қуритгичларининг ишлаш принципи. Қуёш қуритгичи – бу иссиқликни иссиқлик манбаидан маҳсулотга, маҳсулот юзасидаги массани (намлик) эса атроф-муҳит ҳавосига узатувчи қурилмадир [5]. Қуёш қуритгичининг асосий функцияси маҳсулот ичидаги намликни буғлантириш ва қуритувчи ҳавонинг намлик миқдорини оширишдан иборат [6]. Қуёш қуритгичида иссиқ ҳаво қуритилаётган маҳсулотдан намликни олиб кетади. Чиқариб юбирилаётган намлик миқдори қуритувчи ҳавонинг ҳароратига боғлиқ бўлиб, иссиқ ҳаво совуқ ҳавога нисбатан кўп миқдорда намликни олиб кетиш қобилиятига эга.

Қуёш қуритгичининг асосий элементлари. Қуёш қуритгичи асосан учта элементдан ташкил топган: қуритиш камераси, ҳаво қиздиргич ва ҳавони узатиш тизими. Қуритиш камераси – бу қуритилаётган маҳсулот сақланадиган жой бўлиб, маҳсулотни чанг ва зарарланишдан сақлайди. Кўпгина ҳолларда қуритиш самарадорлигини ошириш учун иссиқлик изоляцион материал билан қопланади. Ҳаво қиздиргич (қуёш коллектори) шаффоф қопламали қора рангли қутидан иборат. У қуритувчи ҳавони қиздиради ва ҳароратини ташқи муҳит ҳароратидан 10-30°C гача оширади. Ҳаво узатиш тизими нам ҳавони атроф-муҳитга ташлаб юбориш учун хизмат қилади.

Қуёш қуритгичларининг таснифи. Ҳозирги вақтгача мавжуд адабиётларда қуёш қуритгичларининг кўп сонли турлари ва конструкциялари тақлиф этилган. Қуритиш қурилмаларини ишлаб чиқишдаги узлуксиз ривожланишлар билан боғлиқ ҳолда қуёш қуритгичларининг таснифини доимо янгилаб туриш зарур. Бундан ташқари қуёш қуритгичларини таснифлаш учун турли усулларни инобатга олиш керак бўлиб, адабиётларда қуёш қуритгичларининг турлича таснифлари келтирилган [7-11].

Қуёш қуритгичлари бўйича тадқиқот ишларининг таҳлили. Замонавий қуёш қуритгич қурилмаларининг асосий турлари таҳлили бир нечта тадқиқот ишларида келтирилган [12-15]. Kumar ва бошқалар [13] ишида амалиётга жорий этилган қуёш

куритгичларининг бир нечта конструкцияларини конструктив хусусиятлари ва ишлаш принципи бўйича тўлиқ таҳлил келтирилган. Fudholi ва бошқалар [14] ишида қуёш куритгичларининг тўртта турини таҳлили келтирилган: бевосита, билвосита, аралаш ва комбинациялашган. Таҳлилий тадқиқот қуритилаётган маҳсулот, иқтисодий ва техникавий хусусиятларга нисбатан ўтказилган. Қуёш куритгичларининг истикболи техникавий йўналишга таянган бўлиб, ўз ичига ихчам конструкцияли коллектор, юқори самарадорлик ва қуритиш тизимини узоқ муддат хизмат кўрсатиши каби кўрсаткичларни олиши таъкидланган. Sontakke ва Salve [15] ишида қуёш куритгичларининг бир нечта усуллари ва режимлари таҳлили келтирилган.

Бевосита қуёш куритгичларининг турлари. Қишлоқ хўжалиги ва денгиз маҳсулотларини қуритишда қуёш энергиясидан фойдаланиш энг қулай ва тежамкор усуллардан биридир. Дунёнинг турли бурчакларида бевосита қуёш куритгичларининг кўплаб турлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, улар турли даражадаги техник кўрсаткичларни беради.

Бевосита қуёш куритгичлари пластик ёки шишадан тайёрланган шаффоф қопламали қуритиш камерасидан иборат [16]. Бевосита қуёш куритгичларида маҳсулот шаффоф қопламали корпус ичида жойлаштирилади. Қуёш нурлари маҳсулотга ва қуритиш камерасининг ички юзасига ютилади. Ютилган иссиқлик таъсирида маҳсулотдаги намлик буғланади ва қурийдир. Ҳавони узатиш режимига боғлиқ ҳолда қуёш куритгичлари пассив ва актив бевосита қуёш куритгичларига бўлинади. Пассив бевосита қуёш куритгичлари ташқи ҳаво босимининг фарқи натижасида юзага келадиган тортиш кучи таъсирида ҳаракатланувчи ҳаво ҳаракатига боғлиқ. Қуритгичларнинг бу тури табиий конвекцияли қуёш куритгичлари деб аталади. Ушбу қуритгичларда ҳавонинг ҳаракат тезлиги пастлиги ҳисобига қуритиш тезлиги ҳам анча паст [17].

Актив бевосита қуёш куритгичлари ҳавони ҳаво қиздиргич орқали узатиш учун вентилятор талаб этади. Вентилятор ёки кириш қисмида ёки чиқиш қисмида ўрнатилади. У пассив режим билан таққосланганда жуда юқори қуритиш тезлигига эга, аммо вентиляторни юритиш учун электр энергияси зарур бўлади [18].

Бевосита қуёш куритгичларининг конструкцияси содда, арзон ва техник хизмат кўрсатишда кўп ҳаражат талаб этмайди. Бироқ ушбу қуритгичларда қуритиш тезлиги жуда кичик бўлиб, у иқлим шароитига боғлиқ. Бундан ташқари, улар учун катта майдон талаб этилади ва қуёш нурларининг бевосита таъсири натижасида маҳсулот сифати пасаяди [15].

Fudholi ва бошқалар [19] энг оддий қуёш қутиси туридаги бевосита қуёш қуритгичини тақлиф этган бўлиб, у жуда оддий ва асосан кичик ёғоч иссиқ қутидан иборат эди. Ушбу қуритгичнинг ўлчамлари 2×1 м бўлиб, унинг ён томонлари ва пастки қисми ёғоч ва металл листлардан тайёрланган. Юқори юзада қоплама сифатида шаффоф полиэтилен лист ишлатилган. Циркуляция учун қуритгичнинг ён томонларида ҳаво тешиклари жойлаштирилган. Қуёш қутиси қуритгичларининг ишлашини баҳолаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган [20-22]. Sharma ва бошқалар [22] тадқиқот ишида қути бўш бўлганда қопламадаги ҳарорат туш вақтларида 80-85°C, қутига 20 кг буғдой юкланганда максимал ҳарорат 45-50°C га етиши аниқланган.

Gbaha ва бошқалар [23] банан ва манго бўлақларини қуритиш учун табиий конвекцияли бевосита қуёш қуритгичини ишлаб чиқди ва синовдан ўтказди. Ушбу қуритгичнинг конструкцияси жуда оддий бўлиб, фермерлар томонидан маҳаллий материаллардан ишлаб чиқарилиши мумкин.

Singh ва бошқалар [24] табиий конвекцияли кичик маиший бевосита қуёш қуритгичини тадқиқот қилди. У асосан иссиқ қути, асос рамкаси, тоқчалар ва сояловчи пластиналардан ташкил топган. Шаффоф сирт сифатида дераза ойнаси (қалинлиги 4 мм) ўрнатилади. У иссиқ қутига алюминий бурчак ёрдамида маҳкамланган. Қуритгичда ҳаво айланишини таъминлаш учун қуритгичнинг юқори ва ён томонларида умумий майдони 0,002

м² бўлган 40 та тешик очилган. Изолятор сифатида қалинлиги 5 см бўлган термоелимли ясси лист ишлатилган.

Mursalim ва бошқалар [25] табиий конвекцияли такомиллаштирилган бевосита қуёш қуритгичини таклиф этган. Қуритгичда фақат шаффоф пластик қоплама мавжуд бўлиб, изоляцион материал сифатида ёғоч қириндиси ишлатилган. Қуритиш камераларининг деворлари ўлчамлари 120×80×40 см (узунлиги, кенглиги ва баландлиги) бўлган қора рангга бўялган ёғоч фанердан тайёрланган. Ҳаво оқими учун пастки қисмида 12 та тешик мавжуд.

Бевосита қуёш қуритгичларининг конструкциялари.

Бевосита қуёш қуритгичларини шкафли (кути), чодирли ва иссиқхонали турларга ажратиш мумкин. Бевосита қуёш қуритгичларида маҳсулот шаффоф қоплама билан ёпилган қиздирувчи элементда жойлаштирилади. Қиздирувчи элемент ҳам ҳаво қиздиргич ҳам қуритиш камераси вазифасини бажаради. Қути туридаги қуёш қуритгичи бевосита қуёш қуритгичига мисол бўлади. У тўртбурчак шаклидаги кути, маҳсулот жойлаштирилдиган токча ва шаффоф қопқоқдан иборат. Қуёш нурланиш энергияси шаффоф қоплама орқали ўтади ва қорайтирилган ички юзага ютилади. Тўпланган энергия ҳисобига қуритгич ичидаги ҳарорат ортади. Қуритгич ичидаги ҳарорат керакли қийматга етгандан сўнг ҳаво олд туйнукдан киритилади ва тортиш кучи таъсирида юзага келган ҳаво оқими орқа туйнукдан чиқариб юборилади. Натижада қуритилаётган материал устида ҳавонинг узлуксиз циркуляцияси содир бўлади. Бундай турдаги қуёш қуритгичлари маиший мақсадларда кам миқдордаги (10-15 кг) мева ва сабзавотларни қуритиш учун жуда қулай.

Lawand [26] кути туридаги қуритгични ишлаб чиқди. У шаффоф қоплама (шиша лист ёки пластикли плёнка), арзон ва қулай материаллардан тайёрланган изоляцияланган қутидан иборат. Қуритилдиган маҳсулот полдан бир неча сантиметр юқорида жойлашган симли тўрда ёки пўлат тўрда жойлаштирилади. Қутининг юқори ва пастки қисмида шамоллатиш туйниги мавжуд. Қоплама орқали ўтаётган қуёш нурланиш энергияси қора рангли юзага ютилади. Ички ҳарорат ортганда иссиқ ҳаво табиий конвекция ҳисобига шамоллатиш туйнугидан чиқиб кетади. Бунда тоза ҳаво асос орқали юқоридан узатилади. Натижада қуритилаётган маҳсулот устида узлуксиз ҳаво оқими ҳосил бўлади. Бундай турдаги қуёш қуритгичларида ички ва ташқи ҳаво ўртасидаги ҳароратлар фарқи 40°С га етади.


Brace тадқиқотлар институти (Канада) қуритиш шкафини ишлаб чиқди [27]. Қуритгич қайноқ қуёш камераси бўлиб, унда мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни қуритиш мумкин. У тўғри бурчакли қутидан иборат бўлиб, унинг ости ва ён томонлари изоляцияланган ҳамда қалинлиги 2 мм бўлган шишали ёки қалинлиги 0,5 мм бўлган полиэтилен плёнкали икки қатламли шаффоф қоплама билан ёпилган. Қуритгич 2, а-расмда кўрсатилган. Шундай ҳулосага келинган, яъни шкаф туридаги қуёш қуритгичини кичик маиший мақсадларда мева ва сабзавотларни қуритиш учун қўллаш мақсадга мувофиқ.

Toshniwal ва Kant [28, 29] шкафли қуёш қуритгичини таклиф этган. Қуёш қуритгичи катта қутидан иборат бўлиб, металл ёки ёғочдан тайёрланади, камераси шаффоф қопламали. Қуритилиши керак бўлган маҳсулотлар камера ичидаги токчаларда жойлаштирилади. Қуритгичда иссиқликни аккумуляциялаш тизими ҳам ўрнатилиши мумкин. 1, в-расмда шкафли бевосита қуёш қуритгичининг принципаал схемаси кўрсатилган.

Бевосита қуритиш режимдан фойдаланиб мевалар ва балиқни қуритиш учун Филиппинда шкаф туридаги кўп лотокли мобил қуёш қуритгичи ишлаб чиқилган [30]. У қутига ўхшайди, аммо катта бўлиб шаффоф қопламаси полиацетатли ва ён панелли ёғоч конструкцияли бир неча лотоклардан иборат. Конструкция трапециясимон шаклдаги (кенглиги 1,2 м, узунлиги 2,4 м, баландлиги 1,2 м) ёғоч каркаسدан ташкил топган ва пластик лист билан қопланган. Пастки олдинги қисмдаги жалюзлар янги ҳаво киришини, юқори орқа девордаги жалюзлар иссиқ ҳаво чиқишини таъминлайди. Шундай қилиб ҳавонинг табиий конвекцияси амалга оширилади. Лотоклар алоҳида юкланади ёки бўшатилади. Лотоклар стандарт ўлчамга эга бўлиб осон алашмаштирилади. Кўчиб юриш учун ғилдираклар ўрнатилган. Қуритгичнинг сифими 100 кг ни ташкил этади.

Джодхпур марказий қуритиш тадқиқотлари институтида (Ҳиндистон) тижоратлаштирилган қуёш қуритгичи ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди [31]. Қуритгичлар умумий майдони 10 м² бўлган ўнта қия қути туридаги қуёш қуритгичидан иборат (1, б-расм). Қуритгични синовдан ўтказиш серияси сабзавотлар устида олиб борилган, айнан исмалоқ, помидор, имбир, пиёз, нўхат, карам, қизил ва яшил қалампир, картошка, қовоқ, қанд лавлаги, узум ва бошқалар қуритилган. Тахминан 80-100 кг яшил қалампирнинг бошланғич 85% намлиги 3,5-4 кун давомида 6% намликкагача туширилган. Яшил қалампирнинг ранги қуритишдан кейин ҳам ўзгармасдан қолган. Бир йилда тахминан 60000 кг янги узилган маҳсулотларни қуритиш имконияти мавжуд.

Панджоб қишлоқ хўжалик университетида (Ҳиндистон) табиий конвекцияли қуёш




1-расм. Шкаф туридаги қуёш қуритгичларининг конструкциялари.

қуритгичларининг кўп турлари лойиҳаланган, ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган [32]. Уларга шкафли, кўп ярусли ва кўп ярусли мини-қуритгичларни мисол келтириш мумкин. Шкаф туридаги қуёш қуритгичи ёғочли қайноқ қутидан иборат бўлиб, юқори қисми шиша билан ёпилган. Қуритгичнинг узунлиги 1 м ва кенлиги 0,5 м. Деворининг юқори қисмида табиий конвекция учун туйнук мавжуд. Қуритгичнинг пол қисми металл листдан тайёрланган ва қора ранга бўялган. Тешикчали лотоклар қуритиш камерасининг ичида жойлаштирилган. Кўп ярусли қуритгич – бу шкаф туридаги қуритгичларнинг бир тури бўлиб, уларда битта устун ўрнига бир нечта устун жойлаштирилади. Қуритилиши керак бўлган маҳсулот бир-бирига нисбатан бир нечта сатҳда таҳланади. Пастдан юқорига ҳаракатланаётган ҳаво доимо исиб боради. Кўп ярусли қуритгичнинг фойдали майдони 6 м², горизонтга нисбатан қиялиги 45° ва жануб томонга қаратилган. Ҳар бир лотокнинг баландлиги 4 см ва майдони 35×90 см². Кўп ярусли қуритгич 8 та токчага ва 16 та лотокга эга. Кўп ярусли қуритгич 10-расмда кўрсатилган. Бир нечта токчали қуёш мини-қуритгичи кўп ярусли қуритгичга ўхшаш, аммо унинг кенлиги қисқа ва 5 устун ва 5 та лотокга эга. Ушбу қуритгичларнинг унумдорлигини таққослаш учун қуритгичларда карам, пиёз, исмалоқ, картошкалар қуритилиб синовдан ўтказилди. Ушбу барча маҳсулотларнинг 2 кг миқдори 2,5 кунда қуритилди. Кўп ярусли, шкафли ва мини-қуритгичларда намликни чиқиши бир суткада мос равишда 2,88, 1,5 ва 1,35 кг/м² ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, кўп ярусли қуёш қуритгичи қолган қуритгичларга қараганда анча самарадор.

Таиланднинг Khon Kaen университетида ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган қуёш қуритгичи шкаф туридаги қуёш қуритгичи пластикли листдан тайёрланган бўлиб, енгил пўлатдан қилинган таянч қисми бамбукли устунларга маҳкамланган ва қора пластик листли полнинг устига қалинлиги 3 см бўлган майда тош бўлакчалари тўкилган [33]. Ичкари қисмида тўртта лоток ўрнатилган бўлиб, уларнинг умумий майдони 3,12 м². Уларда 0,22 м³ ҳажмдаги маҳсулотни жойлаштириш мумкин.

Ekechukwu ва Norton [34] табиий конвекцияли бевосита қуёш қуритгичини лойиҳалади ва ишлаб чиқди. У шаффоф қуритиш камерасидан ва шаффоф қуёш тутун сўргичидан иборат (2, а-расм). Шаффоф коплама орқали ўтаётган қуёш нурланиш энергияси бевосита қуритилаётган маҳсулотга тушади ва маҳсулотдаги намликни чиқаради. Бу турдаги қуритгичлар асосан турли навдаги узум маҳсулотларини қуритиш учун мўлжалланган.

Чодирсимон куёш қуритгичи ёғоч устунлардан иборат бўлиб, пластикли лист билан қопланган. Кўп миқдордаги куёш нурланишини ютиш учун мўлжалланган пластикли лист қора рангга бўялган. Чодирнинг юқори қисмида шамоллатиш туйнуғи мавжуд. Қуритилиши керак бўлган маҳсулот ердан маълум баландликда тоқчада жойлаштирилади [28]. Чодирсимон куёш қуритгичда қуритиш тезлиги жуда кичик бўлиб, қуритиш давомийлиги очик ҳавода қуритиш вақтига деярли яқин. Чодирсимон куёш қуритгичи жуда арзон ва содда, бироқ кучли шамол қуритгичга осон зарар етказиши мумкин [35]. 2, б-расмда чодирсимон қуритгичнинг принципаал схемаси кўрсатилган.



2-расм. Табиий конвекцияли куёш қуритгичларининг конструкциялари.

ичидаги максимал ҳарорат 48°C қайд этилган. Балиқ талаб этилган намликкача 3 кун давомида ҳеч қандай зарарларсиз қуритилган, агар шу миқдордаги балиқ очик куёшда қуритилса 4 кун талаб этиларди.

Таиланднинг Khon Kaen университетида ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган чодирсимон куёш қуритгичи пластикли листдан тайёрланган бўлиб, лист бамбукли таянчга маҳкамланган ва ва қора пластик листли полнинг устига қалинлиги 3 см бўлган майда тош бўлакчалари тўкилган. Қуритгич умумий майдони $14,11 \text{ м}^2$ бўлган 16 та лотокга эга ва сифими $0,85 \text{ м}^3$. Уларда бошланғич намлиги 40% гача бўлган донадор маҳсулотларнинг намлигини 2-3 кун давомида 6% гача камайитириш мумкин [33].

Иссиқхона туридаги куёш қуритгичларининг девори ва қопламаси шаффоф материалдан, яъни шиша, пластик ёки поликарбонат листлардан тайёрланиши мумкин [28]. Пассив иссиқхона туридаги куёш қуритгичининг принципаал схемаси 3, в-расмда кўрсатилган.

Каewkiew ва бошқалар [37] қалампирни қуритиш учун йирик иссиқхона қуритгичини тадқиқот қилишди. Қуритгич параболик шаклга эга бўлиб, поликарбонат лист билан қопланган, унинг асоси эса бетондан қилинган бўлиб майдони $8 \times 20 \text{ м}^2$. Қуритгич тўққизта ўзгармас ток вентиляторлари билан шамоллатилади, улар ҳар бирининг қуввати 50 Вт бўлган куёш батареясининг учта модулидан таъминланади. Бу қуритгич Ubon Ratchathanида (Таиланд) ўрнатилган бўлиб, унда қалампирнинг учта партияси қуритилган. Тажриба шуни кўрсатдики, бошланғич намлиги 74% бўлган 500 кг қалампирни қуритиш учун 3 кун етарли бўлди.

Mukherjee ва бошқалар [38] Ҳиндистон технологиялар институтида балиқни қуритиш учун куёш батареяли иссиқхона туридаги қуритгични лойилади ва ишлаб чиқди. Қуритгичнинг узунлиги 5 м, кенлиги 2 м, баландлиги 1 м, тутун сўргичининг баландлиги 250 см. Қуритгич ичидаги ҳароратни ташқи муҳит ҳароратидан ортиши $18\text{-}24^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди. Қуритгич қирғоқ олди балиқчилик мажмуасида ўрнатилди. Синов натижалари шуни

Дое ва бошқалар [36] Бангладешда балиқни қуритиш учун полиэтилен қопламали чодирсимон куёш қуритгичини ишлаб чиқди ва синовдан ўтказди. Қуритгич учбурчак бамбукли асосдан иборат бўлиб, унинг шимолий томони қора полиэтилен билан қопланган, асоси ва жанубий томони эса шаффоф полиэтилен билан қопланган. Ташқи ҳаво ҳарорати 27°C бўлганда қуритгич

кўрсатдики, бошланғич намлиги 75% бўлган балиқнинг намлигини 15% га тушириш учун 2-3 кун етарли экан. Қуритгичнинг сизими 56 кг.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари томонидан ҳам комбинациялашган қуёш иссиқлик насосли қуритиш-совутиш камераси яратилган бўлиб, ушбу мослама қишлоқ хўжалиги мева-сабзавотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ муддатда сақлаш ва қуритишда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга қаратилган (3-расм) [39]. Энергия ва ресурсни тежайдиган мазкур янги технология ва ускуналарни жорий қилиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳолини йил давомида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш назарда тутилган. Тақдим этилган иссиқлик-совуқлик таъминоти тизими бир вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш ва сақлаш имконини беради. Шунингдек, қуритиш камерасида талаб этиладиган ҳарорат режимини таъминлайди ҳамда иссиқлик энергияси қуёш ва иссиқлик насосли қурилманинг утилизация иссиқлиги ҳисобидан қопланади.



3-расм. ҚХМ ларни қуёш энергиясидан фойдаланиб қуритиш учун қуёш – иссиқлик насосли совутиш – қуритиш камерасининг умумий кўриниши.

Тақлиф этилган қурилмада ўтказилган дастлабки тажриба тадқиқотлари натижалари қуйидагича:

1. Совутиш камерасида энергия сарфи 3,5 кВт·соат/кг дан 1,4 кВт·соат/кг га туширилди, яъни 2,5 бараварга камайтириш имконияти яратилди.
2. Қуритиш камерасида электр энергия сарфи 7,5 кВт·соат/кг дан 1,1 кВт·соат/кг га тушириди, яъни 6,8 бараварга қисқарди.
3. Комбинациялашган режимда ишлаганда қуритиш камерасида иссиқлик насосининг конденсатор қисмидан ташланган иссиқлик, қуритиш камерасининг иссиқлик юқламасининг 50% гача қисмини қоплаб берди.
4. Қуритиш камерасининг ҳарорат режими (+50 ÷ +60°C) қуёш энергияси ва иссиқлик насосининг иккиламчи иссиқлиги ҳисобидан яратилади, яъни қуритиш камерасида 100% анъанавий энергия тежалишига эришилади.
5. Ишлаб чиқилган қурилма бир вақтда мева – сабзавотларни қуритиш ва паст ҳароратда сақлаш имконини беради.

Хулоса. Қуёш энергияси потенциали энг кўп қўлланиладиган соҳалардан бири ҚХМ ни қуёш энергияси ёрдамида қуритишдир. Ривожланган мамлакатларда мева ва сабзавотларни қуритиш вақтидаги йўқотилиш ишлаб чиқаришнинг 30-40% ни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ жойларида ҚХМ ларни йиғим-теримдан кейин йўқотилишини оптимал лойиҳаланган қуёш қуритиш тизимларидан фойдаланиш орқали сезиларли даражада камайтириш мумкин. Юқорида кўриб чиқилган ҳар хил турдаги қуёш қуритгичлари орасида шкаф туридаги кўп ярусли қуёш қуритгичлари қуритиш тезлиги

ва сифати бўйича устун эканлигини кўрсатади. Катта миқдордаги ҚХМларни қуритишда эса иссиқхона туридаги қуёш қуритгичларидан фойдаланиш қуритиш тизимининг самарадорлигини ортишига олиб келади. Шунингдек чодирсимон қуёш қуритгичлари бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари ҳам таҳлил қилинганда, бу турдаги қуритгичлар ўзининг арзонлиги ва соддалиги билан ажралиб туриши аниқланди. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб самарадорлиги юқори бўлган қуёш қуритгичларини танлаш қуритилаётган ҚХМни турига, иқлим шароитига ва қурилманинг конструкциясига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Адабиётлар

- [1]. Erteken C., Yaldiz O. Drying of eggplant and selection of a suitable thin layer-drying model. Journal of Food Engineering 2004;63. – p. 349–359.
- [2]. Can A. Drying kinetics of pumpkin seeds. International Journal of Energy Research 2000; 24. – p. 965–975.
- [3]. Pangavhane D.R., Sawheny R.L., Sarsavadia P.N. Design, development and performance testing of a new natural convection solar dryer. Energy 2002;27. –p. 579–590.
- [4]. Yaldiz O., Erteken C., Uzun H.I. Mathematical modeling of thin layer solar drying of sultana grapes. Energy 2001;26. – p. 457–465.
- [5]. Chauhan P.S. et al. Applications of software in solar drying systems: A review. Renewable and Sustainable Energy Reviews 2015, 51. – p. 1326–1337.
- [6]. Sangamithra A. et al. An overview of a polyhouse dryer. Renewable and Sustainable Energy Reviews 2014, 40. – p. 902–910.
- [7]. Chaudhari A.D. and Salve S.P. A Review of Solar Dryer Technologies. International Journal of Research in Advent Technology 2014, 2. – p. 218–232.
- [8]. Shalaby S.M., Bek M.A., El-Sebaei A.A. Solar dryers with PCM as energy storage medium: A review. Renewable and Sustainable Energy Reviews 2014, 33. – p. 110–116.
- [9]. Jain D., Tewari P. Performance of indirect through pass natural convective solar crop dryer with phase change thermal energy storage. Renewable Energy 2015, 80. – p. 244–250.
- [10]. Mustayen A., Mekhilef S., Saidur R. Performance study of different solar dryers: A review. Renewable and Sustainable Energy Reviews 2014, 34. – p. 463–470.

UO‘K 004.421

**TNM SARATONNI IFODALOVCHI MA'LUMOTLAR ASOSIDA ANIQLASH
MASALASINI YECHISH UCHUN MAQBUL ALGORITMNI TANLASH**

M.X. Xudayberdiyev¹, N.M. Alimqulov²

¹*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti,*
mirzaakbarhh@gmail.com, tel.: +998 99 489 74 76

²*Zahiriddin Muhammad Bobur nomidagi Andijon davlat universiteti,*
developeradu@gmail.com, tel.: +998 99 493 63 09
(Qabul qilindi 4.01.2023 y.)

Ushbu maqolada ko'krak bezi saratonini soha mutaxasislari tomonidan shakllantirilgan TNM (Tumor-Nodes-Metastasis) saraton kasalliklari bosqichini xarakterlovchi xususiyatlar kombinatsiyasidan foydalangan holda bemorga tashxis qo'yish uchun sinflashtirish algoritmlarining kompleks tadbiq qilish orqali maqbul algoritmi tanlash masalasi tadqiq qiligan.

Tayanch so'zlar: *Ko'krak bezi saratoni, sinflashtirish, tashxis, mashina o'rganishi, TNM.*

В данной статье рассматривается проблема выбора оптимального алгоритма путем комплексного применения классификационных алгоритмов диагностики пациента по совокупности признаков, характеризующих стадию рака TNM (Tumor-Nodes-Metastasis), формируемой специалистами по раку молочной железы.


Ключевые слова: *Рак молочной железы, классификация, диагностика, машинное обучение, TNM.*

This article examines the problem of choosing an optimal algorithm through the complex application of classification algorithms for diagnosing a patient using a combination of features characterizing the TNM (Tumor-Nodes-Metastasis) cancer stage, formed by breast cancer specialists.

Keywords: *Breast cancer, classification, diagnosis, machine learning, TNM.*

Kirish. Respublikada barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalarga raqamli texnologiyalarini joriy etish jadal sur'atlarda davom etmoqda. Jumladan, tibbiyot sohaslaridan biri bo'lgan onkologiyada ham raqamli texnologiyalar yordamida onkoepidemiologik holatni kompleks baholash masalalarini yechish bo'yicha ilmiy va amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. Barcha xarakat izchil davom davom etayotgan bir davrda kasalliklarni ko'payib borishi xususan ko'krak bezi saratoniga chalingan bemorlarning soni yildan-yilga oshib borishi kuzatilmoqda. Ko'krak bezi saratoniga bugungi kunda dunyodagi eng keng tarqalgan saraton kasalligi bo'lib, butun dunyo bo'ylab har yili yangi saraton holatlarining 12,5% ni tashkil qiladi. 2020-yilda dunyo bo'ylab ayollarda taxminan 2 261 419 ta yangi holat aniqlangan, bu statistik ma'lumot populyatsion saraton registrlaridan olingan bo'lib registr mavjud bo'lmagan davlatlarni ma'lumotlariga shubha qilinsa bu raqam yanada kattalashishini tahmin qilish mumkin [2].

Respublikamizda onkologiya bo'yicha tashkiliy-uslubiy markaz bo'lgan Respublika ixtisoslashtirilgan onkologiya va radiologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi (RIOvaRIATM) dan olingan ma'lumotlarga ko'ra yurtimizda ham ko'krak bezi saratoniga chalingan bemorlarning soni boshqalaridan sezilarli darajada ko'pligini 1-rasmda ko'rishingiz mumkin hamda oxirgi 7 yilda 5 mingdan ziyodga ko'payganini alohida takidlash joiz.



1-rasm. Respublikamizda 2015-2021-yillarda ko'krak bezi saratoniga chalingan bemorlar soni.

Onkoepidemiologik sohada TNM tizimi saraton kasalligini aniqlashning eng keng tarqalgan usulidir. Ko'pgina shifoxonalar va tibbiyot markazlari saraton kasalligi haqida xabar berishning asosiy usuli sifatida TNM tizimidan foydalanadilar. TNM:

T (Tumor) asosiy o'simtaning kattaligi va hajmini bildiradi;

N (Nodes) yaqin atrofdagi saratonga chalingan limfa tugunlari sonini bildiradi;

M (Metastasis) saraton metastazlangan yoki metastazlanmaganligini bildiradi. Bu

shuni anglatadiki, saraton asosiy o'simtadan tananing boshqa qismlariga tarqaldi degan ma'lumotdir.

Saraton kasalligi TNM tizimi tomonidan tasvirlanganda, har bir harfdan keyin saraton haqida batafsilroq ma'lumot beruvchi raqamlar bo'ladi, masalan, T1N0MX yoki T3N1M0. Quyida harflar va raqamlar nimani anglatishini quyida keltirilgan.

Birlamchi o'simta (T):

- TX: Asosiy o'smani o'lchash mumkin emas;
- T0: Asosiy o'sma topilmadi;
- T1, T2, T3, T4: asosiy o'smaning o'lchami va/yoki hajmini bildiradi. T dan keyingi raqam qanchalik katta bo'lsa, o'simta shunchalik katta bo'ladi yoki u yaqin atrofdagi to'qimalarga o'sib borganligini bildiradi. Batafsilroq ma'lumot berish uchun T ni T3a va T3b kabi yozish ham mumkin.

Mintaqaviy limfa tugunlari (N):

- NX: Yaqin atrofdagi limfa tugunlaridagi saratonni o'lchash mumkin emas;
- N0: Yaqin atrofdagi limfa tugunlarida saraton yo'q;
- N1, N2, N3: saraton o'z ichiga olgan limfa tugunlarining soni va joylashishini bildiradi. N dan keyin qancha ko'p bo'lsa, saraton o'z ichiga olgan limfa tugunlari shunchalik ko'p.

Uzoq metastaz (M):

- MX: Metastazni o'lchash mumkin emas;


- M0: Saraton tananing boshqa qismlariga tarqalmagan;
- M1: Saraton tananing boshqa qismlariga tarqalgan.

TNM tizimi saraton kasalligini batafsil tavsiflashga yordam beradi. Ammo ko‘plab saraton kasalliklari uchun TNM kombinatsiyalari beshta batafsilroq bosqichlarga bo‘lingan bular:

- 0-bosqich: Anormal hujayralar mavjud, ammo yaqin atrofdagi to‘qimalarga tarqalmagan. Saratonga aylanishi mumkin;
- I, II, III bosqich: Saraton mavjud. Bu raqam qanchalik katta bo‘lsa, saraton o‘smasi shunchalik katta bo‘ladi va u yaqin atrofdagi to‘qimalarga tarqaladi;
- IV bosqich: Saraton tananing uzoq qismlariga tarqalgan.

Bu raqam qanchalik katta bo‘lsa, saraton kasalligi shunchalik rivojlangan bo‘ladi. Saratonni batafsilroq tasvirlash uchun birinchi raqamdan keyin ko‘pincha harflar va raqamlar ishlatiladi. Masalan, 3-bosqich ko‘krak bezi saratoni IIIA, IIIB yoki IIIC ga bo‘linishi mumkin.

Asosiy qism. Yuqorida keltirilgan TNM saratonni tasvirlash usuluni saratonni barcha turlari uchun kombinatsiya qilinganda undagi obyektlar soni milliondan ortadi va albatta bu borada ba‘zi turlar uchun TNM ning o‘zi bosqichlarni ifoda eta olmasligini bu borada kasallikning morfologiyasi, o‘sma xususiyati va boshqalari ham ishtirok etishini inobatga olish lozim. Ushbu ishda TNM ma'lumotlarining o‘zi bilan saraton bosqichini tasvirlash mumkin bo‘lgan ko‘krak bezi saratonini timsollarni aniqlash algoritmlari bazasidan foydalanib, sinflashtirish masalasi tadqiq qilinadi. Mazkur algoritmik bazadan TNM ma'lumotlarini intellektual taxlil qilish uchun samarali



2-rasm. Nazorat ostidagi o‘quv sxemasi.

birinchi qadami tegishli ma‘lumotlar manbasini to‘plashdir. Ma‘lumotlar yetarli bo‘lishi va qatorlar va ustunlar soni yetarli bo‘lishi kerak, chunki ma‘lumotlar to‘plamining o‘lchami biz hal qilayotgan muammoga bog‘liq bo‘ladi [2];

2. Ma‘lumotlarni qayta ishlash: Ma‘lumotlar to‘plami yetishmayotgan qiymatlar bilan ishlash, chegaralarni olib tashlash va ma‘lumotlarni normallashtirish orqali tozalanadi. Ma‘lumotlarni qayta ishlash mashina o‘rganishi jarayonidagi eng muhim bosqichdir, chunki ma‘lumotlar to‘plamidagi muammolar mashinani o‘rganish algoritmi uchun prognozning aniqligiga ta‘sir qiladi [3].
3. Maqsadli o‘zgaruvchining turini aniqlash: Maqsadli o‘zgaruvchilar turi qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan nazorat ostida o‘rganish algoritmlari to‘plamini aniqlaydi. Agar o‘zgaruvchining turi

uzluksiz bo'lsa, u regressiya muammosi, agar ma'lumotlar turi kategorik bo'lsa, u tasniflash masalasidir.

4. Ma'lumotlar to'plamini bo'lish: Ma'lumotlar to'plami tasodifiy ravishda trening va test kichik to'plamlariga bo'linadi. Ushbu tadqiqotda biz 80:20 ga bo'linishni amalga oshirdik, ma'lumotlarning 80% trening uchun va 20% sinov uchun. Biz treningda ham, testda ham muvozanatli diagnostika qiymatlarini o'z ichiga olishini ta'minladik, shuning uchun ortiqcha yoki to'liq moslashish muammosi mavjud emas.
5. Modelni o'rgatish: Ma'lumotlar to'plamining o'qitish to'plami tasniflash mashinasini o'rganish algoritmiga qo'llaniladi. Biz yettita tasniflash algoritmlarini qo'lladik va har bir algoritm alohida tarzda o'qitiladi.
6. Giperparametrlarni sozlash: Har bir algoritm bir qator parametrlar yordamida optimallashtirilishi mumkin. Algoritmni o'rgatish tasodifiy ishga tushirilgan parametrlardan boshlanadi va aniqlik mos ravishda baholanadi. Parametrlar eng yuqori aniqlikka erishilgunga qadar optimallashtiriladi, so'ngra bu parametrlar test ma'lumotlarini bashorat qilish uchun yakuniy mashinani o'rganish algoritmi sifatida ishlatiladi.
7. Prognoz: Model bosqichlarni prognoz qilish uchun kirish ma'lumotlariga qo'llaniladi va natijalar aniqlik, eslab qolish, va qo'llab-quvvatlashni o'z ichiga olgan model natijalari asosida mos ravishda baholanadi [1].

Ma'lumotlar to'plami. Mashina o'rganishi algoritmlarini qo'llash uchun biz ko'krak bezi saratonida TNM saratonni tasvirlash ma'lumotlar to'plamidan foydalandik. Ma'lumotlar to'plami birlamchi o'simta (T), mintaqaviy limfa tugunlari (N), uzoq metastaz (M) va saron bosqichidan iborat (1-jadval).

1-jadval.

Ko'krak bezi saratonni uchun TNM saratonni tasvirlash ma'lumotlari.


id	stage	tumor	nodes	metastasis
0	0	3	2	2
1	IA	5	2	2
2	IA	6	2	2
3	IA	7	2	2
4	IA	8	2	2
...
970	IV	17	14	5
971	IV	18	14	5
972	IV	19	14	5
973	IV	20	14	5
974	IV	21	14	5

Ishda ko'rilayotgan 7 ta algoritmdan 6 tasi haqida ko'plab manbalarda keltirilgan faqat neyron tarmoqlarni qo'yilayotgan masalaga sozlash barcha ishlarda har xil bo'lishi mumkin. Ushbu ishda neyron tarmoq uchun kirishda 3 ta parametr, yashirin qatlamlar 2 tadan 9 ta, chiqish 1 ta parametрни tashkil etadi (3-rasm).

Neyron taqmoning yashirin qatlamlarida ReLU faollashtirish funksiyalari qo'llanilgan, faollashtirish funktsiyasi, asosan, oddiy funktsiya bo'lib, uning kirishlarini ma'lum diapazonga ega bo'lgan chiqishlarga aylantiradi. Ushbu vazifani boshqa usulda bajaradigan turli xil faollashtirish funktsiyalari mavjud, masalan, sigmoid faollashtirish funktsiyasi kirishni oladi va natijada olingan qiymatlarni 0 dan 1 gacha xaritaga tushiradi. Sigmoiddan chiqish qatlamlarida foydalanildi. Sigmoid funktsiya logistik funktsiyaning maxsus shakli bo'lib, odatda, $\sigma(x)$ yoki $sig(x)$ bilan belgilanadi [4].

$$\sigma(x) = 1/(1 + \exp(-x)) \quad (1)$$

Batafsil yoritilishi kerak bo'lgan faollashtirish funktsiyasi - bu rektifikatsiyalangan chiziqli birlik bo'lib, u tadqiqotchilar orasida ReLU nomi bilan ham tanilgan. Bu neyron tarmoqlarni




tezlashtirishga yordam beradi va empirik jihatdan yaxshi ishlashga ko'maklashadi, bu uni faollashtirish funktsiyasi uchun yaxshi boshlang'ich tanlovlardan biri bo'lishiga zamin yaratadi.

ReLU to'g'rilangan chiziqli birlikni anglatadi. Garchi u chiziqli funktsiya haqida taassurot qoldirsa-da, ReLU hosilaviy funktsiyaga ega va bir vaqtning o'zida uni hisoblash samaradorligini

3-rasm. Ko'rilayotgan masala uchun neyron tarmoqlar arxitekturasi. oshirishga imkon beradi. Bu erda asosiy narsa ReLU funktsiyasi barcha neyronlarni bir vaqtning o'zida faollashtirmaydi. Neyronlar faqat chiziqli transformatsiyaning chiqishi 0 dan kam bo'lsa, o'chiriladi.

$$f(x) = \max(0, x) \quad (2)$$

ReLU dan faollashtirish funktsiyasi sifatida foydalanishning afzalliklari quyidagilardan iborat: Faqat ma'lum miqdordagi neyronlar faollashtirilganligi sababli, ReLU funktsiyasi sigmoid



4-rasm. Ko'krak bezi saratoni uchun TNM saratoni tasvirlash ma'lumotlarining mashinali o'qitish algortimlariga o'qitish natijalari.

va tanh funktsiyalariga nisbatan hisoblash jihatidan ancha samaralidir; ReLU chiziqli, to'yinmagan xususiyati tufayli gradient tushishining global minimal yo'qotish funktsiyasiga yaqinlashishini tezlashtiradi [5].

Xulosa. Ushbu tadqiqotda nazorat ostida o'qish algortimlari TNM saratoni tasvirlash usullari ma'lumotlaridan foydalangan holda bosqichni aniqlashda samarali usul degan xulosani beradi. Barcha modellarning aniqliligi 90% yuqori natijalarni berdi. Bu nazorat ostida o'qish algortimlari saraton bosqichini aniqlashda istiqbolli va raqobatbardosh yondashuv ekanligini isbotlaydi. Ushbu tadqiqotda eng yuqori aniqlikda sun'iy neyron tarmoqlarda (100%)

erishgan bo'lsakda, chuqur o'rganish usullarini qo'llash va turli xil ma'lumotlarni qayta ishlashni qo'llash orqali boshqa ma'lumotlar manbaidan foydalanganda noto'g'ri prognoz qilingan tashxisning ehtimolini bartaraf etish bo'yicha kelajakdagi ishlarni amalga oshirish mumkin degan fikrdamiz.

Олинган ушбу даврдаги маълумотлар Тўполанг дарёси ва Тўполанг сув омборини қуйилиш жойларидаги чуқур сув, таркибида муаллақ ва биогеник моддалар камлигидан далолат беради. Ҳисор тоғлари худудидан чорвачилик чиқиндилари билан ифлосланган сув Тўполанг дарёсига тушиб, Ҳисор тоғ ёнбағирларининг ушбу кенгайтирилган қисмининг ёзги ёмғирсиз, паст оқимли худудида биогеник таъсирни оширганлиги аниқланди.


Сув сифатини баҳолаш усулларини ўрганиш ва такомиллаштириш мақсадида Тўполанг сув омбори давлат стандартлари талабларига, саноат сув таъминоти ва аҳолини ичимлик суви эҳтиёжлари учун гигиеник ва техник шартларга мувофиқлиги тадқиқ қилинди.

Бу вазифаларни амага ошириш учун турли фасллар: баҳор, ёз, куз ва қиш мавсумларида Тўполанг сув омборининг сув сифатини ўрганиш бўйича йил давомида тадқиқот ишлари амалга оширилди [5].

Тўполанг сув омборидаги сув сифати кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасининг диаграммалари



1-гистограмма Сувнинг умумий микроблар сони (нормадан 1 см³ сувда 100та)



2-гистограмма Сувнинг коли индекси, (сувнинг 1 dm³га 3 КИ ошмаган меъёр)


1-гистограммада сувдаги умумий микроблар сони йил мавсумлари бўйича қандай ўзгариши динамикаси кўрсатилган. Графикдан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ёз мавсумида умумий микроблар сони 1 см³ да 3-намунада 300 та, 4-намунада 290 тани ташкил этди. Демак ҳар тўртта намунада ҳам умумий микроблар сони нормадан юқори, 3 ва 4-намуналарда 3 баробар юқорилиги аниқланди. Фақат қиш ва баҳор ойларида умумий микроблар сони тўртала намунада ҳам нормадан паст.

2-гистограммада 1,2,3,4-намуналарда йилнинг тўртала фаслида ҳам коли индекслар сони меъёрдан жуда ҳам кўп марта ошиб кетганлиги аниқланди. Меъёр бўйича 3КИ ни ташкил этиши лозим бўлган ҳолда, коли индекслар сони 2400 КИ дан юқорилигича қолди. Бу ҳолат демак Тўполанг сув омбори коли индексларни кўпайиши учун энг қўлай шароитли сув омбори ҳисобланар экан. 1-намунада қишда ҳам коли индекслар ҳисобланди, сони кўп чиққанлиги учун кейинги 3та намунада қишда текшириш ишлари олиб борилмади.

3-гистограмма Сувнинг ранглиги, (меъёр 20 градус гача)




4-гистограмма Сувнинг лойқалиги, (меъёр 1,5 mg/dm³ гача)




Сувнинг ранглиги тўртала намунада ҳам баҳор ойларида юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Бу ҳолат баҳорнинг бошланиши билан сув ўтларининг гўркираб ўсиши натижасида содир бўлади, лекин ҳамма намуналарда ҳам сувнинг ранглиги нормадан паст, яъни 20 градусдан кам кўрсаткичлар қайд этилди. Демак ичимлик суви тайёрлаш технологиясини танлаш вақтида ранглиликни камайтириш усуллари ва қурилмаларини эътиборга олиш шарт эмас.

4-гистограммада сувнинг лойқалиги 1-намунада меъёрдан 13 баробар юқорилиги қайд қилинди. 4-намунада қиш мавсумида 7 баробар юқори, 2 ва 3-намуналарда нормадан пастлиги аниқланди. Бу ҳолат 2 ва 3-намуналар нотўғри олинганлигини кўрсатади, чунки 1-намуна билан 2-намуна орасида 15 баробарлигича фарқ қилиши 2-намуна нотўғри шароитда олинганлигини исботлайди.

5-гистограмма Алюминийни сувдаги концентрацияси, (меъёр 0,2 mg/dm³)



6-гистограмма Магнийни сувдаги концентрацияси, (меъёр 10 mg/dm³)



Алюминийнинг сувдаги концентрацияси 1-намунада меъёрдан 5 баробар кўпайиб кетди, 2,3,4 – намуналарда 2-3 баробар кўпайганлиги қайд этилди. Ёз, куз, қиш мавсумларида нормадан 10 баробар камайганлик ҳолати кузатилди.

Магнийнинг сувдаги концентрацияси ҳамма намуналарда ҳам қиш мавсумида юқорилигича қолди. Бунга сабаб магнийнинг сувда эриш реакцияси сув ҳароратининг пастлигида тез боришидир. Ҳамма ҳолатларда ҳам магнийнинг миқдори нормадан 1,5 баробар кўп бўлди.

Тўполанг сув омборида ўтказилган тадқиқотлар натижасида сув омбори сув ресурсларини ичимлик сув сифатида фойдаланиш имкониятини яратиш учун ўрганилган барча намуналар учун Тўполанг сув омбори сувининг микробиологик кўрсаткичлари. O'zDSt 951:2011 талабларига жавоб беради. Лойқаланишдан ташқари органолептик кўрсаткичлар белгиланган талабларга жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда мақолада олиб борилган дала лаборатория ишлари натижаси асосида Тўполанг сув омбори сув ресурсларини аҳолига ичимлик суви сифатида фойдаланиш O'zDSt 951:2011 талабларига жавоб беради ва ичимлик суви талабларига мос келади.

Адабиётлар:

- [1]. Авакян А.Б., Салтанкин В.П., Шарапов В.А.: Водохранилища.-М.: Мысль, 1987 г. 325 стр.
- [2]. Brune G.M. Trap efficiency of reservoirs. Trans. Amer. Geophys. Union, 1953, vol.34, No 3, pp. 617-635.
- [3]. Bekmamadova G.A. The main aspects of assessing the quality of drinking water for the population (on the example of the Tupolang reservoir), International Journal of Scientific & Technology Research, Vol. 9, Issue 03, March 2020, ISSN:2277-8616, pp. 803–808. – Scopus.
- [4]. Бекмамадова Г.А., Махмудова Д.Э. «О возможностях управления экологическими процессами в водохранилищах систем питьевого водоснабжения Узбекистана», Гидротехника журналы, Россия № 3 [43], 2020 йил, 54-57 бетлар.
- [5]. Бекмамадова Г.А. «Вопросы рационального использования водохранилищ, эксплуатируемых в ирригационном и энергическом режимах», Экономика строительного комплексам и городского хозяйства материалы международной научно-практической конференции, Минск 3-6 декабря, БНТУ 2019 г. 20-25ст.
- [6]. Кишпакбаев Н.К, проф. Соколов В.И. «Водные ресурсы бассейна Аральского моря – формирование, распределение, водопользование», Водные ресурсы Центральной Азии (Материалы научно-практической конференции, посвящённой 10-летию МКВК20-22 февраля 2002 г.), Алматы.

УДК 577.4(575.1)

ПУТИ СНИЖЕНИЯ ПОСЛЕДСТВИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО КРИЗИСА АРАЛА

С.Г. Жуманова¹, Б.А. Мухамедгалиев¹, М.А. Зияева²

¹Ташкентский архитектурно-строительный институт,

²Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова
(Получена 8.09.2022 г.)

В статье рассмотрены некоторые возможности синтеза новых водорастворимых полимеров на основе отходов химической промышленности и местных сырьевых ресурсов. Применением современных методов анализа идентифицированы состав, структура и строение полимеров, а также показаны возможности применения разработанных полимеров для закрепления почвогрунтов и песков Приаралья. При исследовании грунта завезенного со дна осушенного Аральского моря установлено, что скорость фильтрации в присутствии разработанного нами ВРП во всех указанных концентрациях растет, но не пропорционально увеличению его дозировки, так как в процессе взаимодействия почвенных частиц с полимером получают агрегаты разного размера. Установлено, что разработанный реагент не только снижает эрозию, но и значительно повышает урожайность сельхоз угодий.

Ключевые слова: полимер, песок, почвогрунт, водорастворимый полимер, фильтрация, водоотдача, осадок, тиксотропность.

In article are considered some possibility of the syntheses new water solution polymer on base departure to chemical industry and local raw materials resource. Using the modern methods of the analysis are identified composition, structure and construction polymer, as well as are shown possibility of the using designed polymer for fastening ground and song PriaraБ.А.liya. At study of the soil from with bottom darne d Aral epidemic deaths is installed that velocity to filtering in whiteness of designed by us VRP in all specified concentration grows, but not pro rata increase of its dosage, since in process of the interaction of the soil particles with polymer are got units of the miscellaneous of the size. It is installed that designed reagent not only reduces the erosion, but also vastly raises the productivity agriculture.

Key words: *polymer, sand, ground, water solution polymer, filtering, waterrecoil, sediment, tixotroping.*

Maqolada kimyo sanoati chiqindilari va mahalliy xom ashyo resurslari asosida yangi suvda eruvchi polimerlarni sintez qilish imkoniyatlari o'rganilgan. Eng zamonaviy tahlil usullarini qo'llab olingan polimerlarning tarkibi, tuzilishi va strukturasi aniqlangan, shuningdek ularni Orol dengizi hududidagi tuproq va qumlarni qotirish imkoniyatlari ko'rsatilgan. Куруган Орол денгузи минтакасидан келтирилган тупрокнинг таркибига полимер эритмаларини киритиши билан унинг фильтрация тезлиги ортиши дозасининг ортиши билан пропорционал тарзда ортиши аниқланган, негаки полимер билан ишлов берилгандан сунг тупрокнинг агрегатлари турли катталиқда хосил булар экан. Ишлаб чиқилган реагент нафақат эрозияни камайтиради, балки кишлоқ хужалиқ экинларининг хосилдорлигини кўпайтириши аниқланган..

Калит сузлар: *полимер, кум, тупрок, сувда эрийдиган полимер, фильтрация, сув бериши курсаткичи, чукма, тиксотроплилик.*

Проблема высыхания Аральского моря является глобальной проблемой современности. Эта проблема усугубляется и тем, что подвижные пески осушенного дна Арала сильно засоленные, содержат огромное количество различных вредных химических реагентов, входящих в состав различных минеральных удобрений и пыли. Одним из серьёзных факторов ухудшения экологической обстановки в регионе Аральского моря является вынос солей и пыли с территории этих районов [1].

В этом контексте проблема закрепления засоленных песков осушенного дна Арала, создание прочных поверхностных структур, не препятствующих росту растений и защищающих от выветривания вследствие сильного аэродинамического потока, является актуальнейшей проблемой современной полимерной химии и экологии в целом [2].

Известно, что осушенное дно Аральского моря покрыто слоем засоленных подвижных песков площадью в более 2400 тыс.га. Содержание в них водопрочных макроструктур больше 0,25 мм, имеющих важное значение для культивирования солестойких растений на этих песках, незначительное и составляет часто не более 5-7% от общей массы песка, вследствие чего затруднено их рациональное использование в сельскохозяйственном секторе экономики. В связи с чем, важным является проблема закрепления песков от ветровой эрозии через создание прочной поверхностной корки, обеспечивающей закрепление минеральных частиц и солей в местах их образования с целью предотвращения дефляции [3].

Однако известные комплексные добавки [4] не обеспечивают высокую физико-механические свойства обработанных почвогрунтов, кроме того наблюдается также уменьшение предельной адсорбции влаги по сравнению с исходным в 1,5 раза, однако удельная поверхность практически не изменяется. Известен комплексный закрепитель, включающий 0,5%-ный раствор полимера МПК-1 (продукт неполного омыления полиакрилонитрила щелочью в жестких условиях) с древесными опилками. Недостатком способа является сложность получения полимерного комплексного закрепителя – продукта неполного омыления полиакрилонитрила щелочью в жестких условиях, длительность процесса получения и токсичность полиакрилонитрила. Кроме того, известный комплексный закрепитель не вызывает особого увеличения сорбционной способности почвогрунтов и из-за труднодоступности и дороговизны МПК-1 и применяемых химических реагентов себестоимость единицы конечной продукции высокая.

В этом аспекте, целью проводимых нами в последнее время научно-исследовательских работ является защита подвижных песков от ветровой эрозии путем химического закрепления с помощью высокомолекулярных композиционных добавок, полученных на основе промышленных отходов химических предприятий нашей республики.

В этом плане, нами проведены исследования по синтезу и разработке технологии получения водорастворимых полимеров на основе метакрилоилхлорида (МАХ) с фосфорсодержащими соединениями, полученными на основе отходов ОАО «Махам-

Аммофос», т.к. из литературы известно, что МАХ легко вступает в реакцию электрофильного замещения с такими электроположительными центрами, как азот и фосфор. Последнее и предопределило возможность исследовать поведение МАХ в реакциях электрофильного замещения с вышеуказанными соединениями, с целью получения высокомолекулярных соединений и полиолов, и возможности применения их в качестве структурообразователя грунта и закрепителя песков.

Обнаружено, что при смешении МАХ с фосфористой кислотой, как в массе, так и в среде органических растворителей в широком интервале температуры, образуются высокомолекулярные вещества, которые не содержат свободных молекул мономеров, т.е. протекает необратимая реакция поликонденсации.

Закономерности поликонденсации МАХ с фосфористой кислотой изучали при эквимольных соотношениях исходных компонентов в интервале температур 333-373К в течение 300 минут. Протекание процесса поликонденсации контролировали потенциометрическим титрованием кислотных групп. Поскольку изменение приведенной вязкости и выделение хлористого водорода являются прямым результатом описываемых процессов, то количественная оценка двух этих факторов и послужила методом определения скорости поликонденсации МАХ и ФК.

Для выяснения характера взаимодействия фосфористой кислоты с вышеуказанным мономером были исследованы УФ-, ИК-спектры исходных и конечных продуктов, а также ПМР-спектры исходных соединений.

ИК-спектроскопическим исследованием установлено наличие поглощения при частотах 760-730, 1100, 1400, 1500, 1965 см^{-1} характерное для С-О-Р связей, а также валентное колебание гидроксильных групп при частотах 2500, 3020 см^{-1} . Выявлено также, что в ИК-спектре полимера, полученного на основе взаимодействия фосфористой кислоты с МАХ, полоса, отвечающая валентным колебаниям С-Сl-связи, смещена в низкочастотную область до 1350 см^{-1} , по сравнению с таковой в спектре отхода. Валентное колебание С-Сl – связи (850-800 см^{-1}), относящейся к группе МАХ, исчезает за счет образования новой химической ОН - связи в области 2500 и 3020 см^{-1} . При этом, также образуются новые интенсивные полосы поглощения в области 1050-1100 см^{-1} , относящиеся к асимметричным колебаниям эфирной связи (-С-О-Р-) (1250, 930 см^{-1}) в процессе взаимодействия МАХ с фосфористой кислотой. Результаты ИК -, ПМР - и УФ-спектроскопических исследований, элементного анализа, а также потенциометрического титрования свидетельствуют о том, что полученный продукт является линейным полимером.

Продукт реакции представляет собой очень вязкие неокрашенные либо окрашенные в янтарный цвет жидкости, со специфическим запахом, их физико-химические характеристики полностью идентифицированы [6].

Далее были исследованы прикладные свойства разработанного полимера в качестве структурообразователя почв и песков. В качестве объекта были использованы образцы засоленных подвижных песков осушенного дна Аральского моря. Исследование по закреплению засоленных подвижных песков осушенного дна Аральского моря высокомолекулярными добавками с помощью песок-связующих полимеров изучены при концентрации растворов 0,1, 0,3, 0,5 и 1,0%. Обработка поверхности песка осуществлялась путем ее опрыскивания растворами полимера.

В ходе исследования было установлено, что взаимодействие разработанного нами водорастворимого полимера (ВРП) с дисперсными частицами зависит от многих факторов: концентрации ВРП и минеральной суспензии, присутствия электролитов, температуры, засоленности и др. Среди минеральных суспензий систематически и подробно изучены почвенные и глинистые суспензии, завезенные с Приаралья. Так влияние разработанного нами ВРП по аналогии с полиакриламидом (ПАА) показал, что полиакриламидные препараты вступают во взаимодействие с почвенными частицами, вследствие чего в суспензии возникает структура. рН почвенной суспензии в присутствии этих полимеров не изменяется так же, как и в суспензиях с желатином (табл.1), что по-видимому, связано с

буферным влиянием почвы на изменение концентрации водородных ионов в смеси. Исключение в этом отношении составляет Са-ПАА, где увеличение содержания полимера приводит к возрастанию рН.

Таблица 1

Влияние концентрации раствора полимеров на объем осадка, скорость фильтрации и вязкость фильтратов суспензии почвы

№	Концентрация полимеров в суспензии, %	рН суспензии	Объем осадка, см ³	Скорость фильтрации, мл/мин	Удельная вязкость фильтратов г/дл
1.	0	7,8	2,40	2,50	-
2	Желатин -0,1	7,5	2,80	1,45	0,055
3	Желатин -0,2	7,4	2,75	0,60	0,094
4	Желатин- 0,5	7,0	2,60	0,32	0,18
5	ВРП-0,1	7,4	2,45	1,18	0,04
6	ВРП-0,2	7,2	2,85	4,60	0,05
7	ВРП-0,5	6,8	3,00	12,00	0,08

Относительная величина объема осадка почвенной суспензии под влиянием синтезированных нами полимеров изменяется одинаково. Однако, в случае промышленного полимера ПАА почвенной суспензии больше (рис.1 и 2). Для суспензии с желатином объем осадка с увеличением концентрации полимера




Рис.1. Изменение скорости фильтрации суспензии почвы от концентрации желатины: 1-исходная почва, 2-0,2% желатины, 3-0,5% желатины.

увеличивается. Увеличение объема осадка с ростом содержания рассматриваемых полимеров изменяется не симбатно со скоростью фильтрации. Последняя проходит через минимум при концентрации полимера, равной 0,05%. Это может быть связано с тем, что при малых концентрациях полимера не все частицы агрегируются, оставшиеся частицы закупоривают поры и тем самым уменьшается скорость прохождения жидкости через слой осадка. Когда все частицы связаны, отструктурирование приводит к повышению скорости фильтрации жидкой фазы. Что касается разработанного ВРП, то здесь с увеличением концентрации полимера и объем осадка и скорость фильтрации возрастают. По-видимому, этот полимер лучше сорбируется почвенными частицами. Другая картина наблюдается в случае желатины, когда увеличение концентрации полимера способствует не ускорению, а замедлению фильтрации.

Это обусловлено тем, что под влиянием полиэлектролита, во-первых, может происходить пептизация почвенных частиц, и, следовательно, закупорка пор более мелкими частицами, во-вторых, экранизация поверхности частиц полимером. Вследствие этого создаются благоприятные условия для скольжения частиц друг относительно друга и возникновения плотной упаковки, тормозящей прохождение жидкой фазы через слой осадка. Однако если бы происходила пептизация, объем осадка должен был бы непрерывно уменьшаться, дисперсионная среда была бы мутной, а этого не наблюдается.

Отмеченное в опытах уменьшение удельной вязкости фильтрата почвы по сравнению с исходными растворами желатины подтверждает правильность второго предположения – происходит обволакивание поверхности почвенных частиц полимером. Расчетным путем максимальная адсорбция желатины на почвенных частицах была определена в 8,2%, что значительно больше чем для ПАА.

Таким образом, полиакриламидные полимеры и желатина вступают во взаимодействие с почвенными частицами. В зависимости от природы полимера это приводит либо к увеличению скольжения окутанных им почвенных частиц друг относительно друга, либо к отструктурированию частиц почвы.

При исследовании грунта завезенного со дна осушенного Аральского моря установлено, что скорость фильтрации в присутствии разработанного нами ВРП во всех указанных концентрациях растет, но не пропорционально увеличению его дозировки, так как в процессе взаимодействия почвенных частиц с полимером получаются агрегаты разного размера. На светлом грунте увеличение скорости фильтрации выражено в еще большей степени, чем на незасоленном светлом грунте. На светлом заселенном грунте для сравнения с разработанным нами ВРП исследовался полимер ПАА, который в той же последовательности увеличивал скорость фильтрации воды через почву.




Рис.2. Изменение скорости фильтрации суспензии почвы от концентрации ВРП: 1-исходная почва, 2-0,05% ВРП, 3-0,1% ВРП, 4-0,3% ВРП.

Гранулометрический состав почвы влияет на процесс склеивания микроагрегатов. На фоне хлористого кальция частицы почвы разных размеров образуют наиболее рыхлые осадки в присутствии ВРП.

Анализируя полученные экспериментальные данные вычисляли эффективность ВРП по их влиянию на почвенные суспензии. Оказалось, что в типичном почвогрунте эффективность ВРП в дозе 0,05% к весу почвы равна 11, а ПАА - 9.

Из сказанного вытекает, что под влиянием разработанного нами из отходов и местных сырьевых ресурсов ВРП происходит структурообразование в 10-процентных почвенных суспензиях, в результате чего образуются более крупные агрегаты, способствующие увеличению скорости прохождения жидкой фазы через слой осадка. Структурообразование приводит к снижению агрегативной устойчивости суспензии, что, в свою очередь, связано со снижением степени дисперсности системы.

Методом седиментационного анализа изучалось влияние синтезированного нами ВРП на дисперсность различных минеральных суспензии. Опыты проводили с 0,2%-ным суспензиями, которым через 24 часа после приготовления добавляли растворы полимера в соответствующих дозировках. Влияние изучали в кинетике через 5, 10, 15 и т.д. минут. Выявлено, что под влиянием ВРП изменяются степень дисперсности и другие величины, связанные с размерами частиц суспензии.

В таблице 2, приведены основные результаты исследований влияния композиции на формирование водопрочных агрегатов (ВПА) и на механическую прочность поверхностной корки.

Равновесие устанавливается уже после 5 минутного контакта суспензии с полимером. Независимо от вида минеральной системы радиус наивероятнейших частиц увеличивается, что свидетельствует об агрегировании частиц дисперсной фазы под влиянием полимерной добавки. Агрегирование дисперсной фазы происходит в пределах оптимальной дозировки полимера. Дальнейшее повышение концентрации ВРП способствует увеличению дисперсности и, соответственно, уменьшению величины наивероятнейшего радиуса частиц, что может являться следствием распада

сформировавшихся агрегатов под влиянием полиэлектролита и стабилизация частиц суспензии.

Таблица 2

Зависимость образований ВПА в песке и степень их прочности от количества вносимых добавок, а также соотношение посеянных и проросших семян растений на закрепленных песках Арала.

№ опы та	Компонент добавки			Прочность корки, МПа	Посеянные семена			
	Древесная опилка кг/м ²	ВРП кг/м ²	Фосфоги пс кг/м ²		Agropyroncristatum		Artemisia ferganensis	
					Количество посеянных семян, штук	Количество всходов, штук	Количество посеянных семян, штук	Количество всходов, штук
1	0,22	0,08	0,5	2,68	50	29	50	32
2	0,24	0,09	1,0	3,01	50	34	50	38
3	0,26	0,1	1,2	3,42	50	38	50	41
4	0,29	0,15	1,5	3,79	50	42	50	46
5	Без добавки			-	50	8	50	6

Анализ полимерных композиции (табл.2) показал, что добавка в состав эпихлоргидрина и ортофосфорной кислоты в сочетании с другими компонентами значительно повышает прочность и адсорбционную способность почвогрунтов, а также из-за наличия фосфатов, и аминов и других микроэлементов положительно влияет произрастанию семян, наличие фосфогипса в сочетании с древесной опилкой способствует прочному закреплению песка, что приводит к большему сохранению влаги под новообразованной коркой песка, как мульча, от иссушения, одновременно закрепляя ее поверхность и, тем самым, предотвращает ветровую эрозию. Это в конечном итоге приводит к упрощению технологии получения полимерных композиции при меньших материальных и энергетических затратах, что существенно понижает себестоимость единицы продукции, таким образом, данный состав компонентов придает композиции новые свойства.

Из таблицы 2 следует, что использование разработанного полимерного реагента позволить:

- снизить ветровую эрозию и дефляцию почвы,
- повышает прочность корки, за счет образования водорастворимого полимера прочных химических соединений с ионами солей в песке,
- повысит урожайность семян растений, за счет повышения влажности почвы.

Кроме того применение разработанной полимерной композиции значительно снижает расход воды при орошении, из-за образования полимерных гелевых структур в почве, что приводит к снижению себестоимости продукции, в целом.

Таким образом, структурообразование в минеральных суспензиях под влиянием ВРП находится в сложной зависимости от концентрации полимера.

Изучение изменения фильтрационных свойств типичного орошаемого серозема, светлого серозема под влиянием разработанных нами полимеров показало, что на типичном орошаемом сероземе при добавке полимера в дозах 0,005 до 0,3% к навеске почвы скорость фильтрации увеличивается с повышением концентрации полимера. Полимер, как в пастообразном состоянии, так и в виде сухого порошка ускоряет фильтрацию, но в меньшей степени, чем ПАА.

Результаты исследований влияния высокомолекулярных композиции на формирование ветро- и водопрочных агрегатов, а также на механическую прочность корки показали, что разработанные нами полимерные композиции в значительной мере создают благоприятные условия для культивирования солестойких растений на закрепленных песках осушенного дна Аральского моря.

Список литературы

- [1]. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века. Гарантии стабильности и угрозы безопасности. Т.Узбекистан. 1997 г.
- [2]. Б.А.Мухамедгалиев. Экологические проблемы биосферы. Журн. «Экологический вестник Узбекистана».№1,2011 г. с.10-12.
- [3]. Б.А.Жумабаев.Исследование влияния новых добавок на структурообразование засоленных песков. Сб.респ. научно-технич.конф.аспирантов, докторантов и соискателей. Т.2014 г. с.104-107.
- [4]. Ш.А.Кулдашева,Б.А.Жумабаев,А.А.Агзамходжаев Стабилизация подвижных песков осушенного дна Аральского моря. Узбекский химический журнал. №4, 2014 г. с.58-61.
- [5]. Ш.А.Кулдашева,А.А.Агзамходжаев. Новый реагент для стабилизации подвижных песков осушенного дна Аральского моря. Узбекский химический журнал. №1, 2014 г. с.52-54.
- [6]. М.У.Алламурастов, А.Т.Есимбетов, А.А.Алимбетов, Б.А.Мухамедгалиев «Синтез и применение полимерных структурообразователей почв на основе местных соединений». Журнал Доклады АН РУз.,№4, 2015. С.48-50.

БУРҒИЛАШ ЭРИТМАСИ ТАЙЁРЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАҲАЛЛИЙ ВА ЧИҚИНДИ ГИЛЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ҲАМДА ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Р.А. Аноров¹, О.К. Рахмонов², С.Б. Усмонов³, Д.С. Салиханова⁴, Б.З. Адизов⁴

¹Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали,

²Фарғона политехника институти, E-mail: orahmonov@ferpi.uz Тел: (99891) 662 98 03.

³Бухоро нефт ва газ саноати касб хунар коллежи,

⁴Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти
(Қабул қилинди 24.01.2023 й.)

Мақолада асосан барчамизга маълум бўлган ҳозирги кунда нефт ва газ конларини топи ва бурғилаш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддалар яни маҳаллий янги гил конларини ўзлаштириш ва бурғилаш эритмаларини тайёрлаш учун уларнинг таркиби ҳамда физик ва коллоид кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали амалга оширилиши ҳамда охириги йилларда нефтни қайта ишлаш заводларида ёқилги маҳсулотлари ва мойларни тозалашда қўлланилаётган адсорбентлар кўп миқдорда йиғилиб бораётганлиги сабабли уларни утилизация қилиш ҳозирги куннинг долзард муаммоларидан бирилиги ва бу муаммоларга ечим сифатида ундан бурғилаш эритмасини тайёрлаш жараёнини ўрганиш ва бурғулаш ишлари олиб бораётган корхона ва ташиқлотларда бу эритмадан кенг миқёсида фойдаланиш кераклигини асослаб берилган.

Калит сўзлар: нефт, газ, чиқинди, утилизация, бурғулаш, тозалаш, юттириш, модда, композиция, эритма, тўйинтириш, кон.

В статье известные всем нам вещества необходимые для открытия и бурения нефтяных и газовых месторождений предстоит провести путем исследования их состава и физико-коллоидно-химических свойств для разработки новых местных глинистых месторождений и приготовление буровых растворов. В связи с большим количеством адсорбентов, используемых при очистке топливных продуктов и масел на перерабатывающих предприятиях, их утилизация является одной из основных проблем современности, и в качестве решения этих проблем нами изучен процесс приготовления из него бурового раствора, и обосновано, что этот раствор следует широко использовать на предприятиях и в организациях, проводящих буровые работы.

Ключевые слова: нефть, газ, отходы, захоронение, бурение, переработка, поглощение, вещество, состав, раствор, насыщение, рудник.

In the article, the substances known to all of us necessary for the discovery and drilling of oil and gas fields will have to be carried out by studying their composition and physico-colloidal-chemical properties for the development of new local clay deposits and the preparation of drilling fluids. Due to the large number of adsorbents used in the purification of fuel products and oils at processing plants, their disposal is one of the main problems of our time, and as a solution to these problems, we studied the process

of preparing a drilling fluid from it, and it was justified that this solution should be widely to be used at enterprises and organizations conducting drilling operations.

Key words: oil, gas, waste, burial, drilling, processing, absorption, substance, composition, solution, saturation, mine.

Барчамизга маълумки, янги гил конларини ўзлаштириш ва бурғилаш эритмаларини тайёрлаш учун уларнинг таркиби ҳамда физик ва коллоид кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали амалга оширилади.

Охирги йилларда нефтни қайта ишлаш заводларида ёқилғи маҳсулотлари ва мойларни тозалашда қўлланилаётган адсорбентлар кўп миқдорда йиғилиб бораётганлиги сабабли уларни утилизация қилиш ҳозирги куннинг долзард муаммоларидан биридир [1, 2, 3]. Биз бурғилаш эритмаси тайёрлашда ушбу чиқиндилар ва охирги йилларда Республикамизда кенг қўлланилаётган Навбахор ва Шўрсув конлари гилларидан фойдаланганмиз. Ушбу гил ва бентонитларнинг кимёвий таркиби 1.1 жадвалда келтирилган.

Навбахор конининг қулайлиги шундаки ушбу коннинг ўзида турли минерал таркибга эга бўлиб унда 3 хил турдаги гиллар яъни ишқорий-ер, ишқорий ва карбонатли-палигоскитлар мавжуд. Шўрсув конида эса фақатгина гидрослюдали гил қазиб олинади [4, 5].

1.1-жадвал

Бурғилаш эритмаси тайёрлаш учун қўлланилаётган бентонит, полигоскит ва гидрослюдали гилларнинг кимёвий таркиби

Компонентлар номи	Компонент миқдори, %					
	НКИЗда қўлланиладиган бентонитлар		Навбахор кони бентонитлари		Навбахор кони карбонатли-палигоскити	Шўрсув кони гидрослюдали гили
	Покистон бентонити	Симферополь бентонити	Ишқорий	Ишқорий-ер		
SiO ₂	50,0	47,3	57,91	56,23	46,79	58,75
TiO ₂	0,88	0,60	0,35	0,61	-	0,91
Al ₂ O ₃	16,8	16,2	13,69	13,56	8,63	18,09
Fe ₂ O ₃	5,32	4,46	%10	6,50	-	-
MgO	3,03	3,74	1,84	3,76	2,74	5,70
CaO	2,54	5,22	0,48	0,69	10,08	2,97
Na ₂ O	1,62	1,25	1,53	0,98	-	0,39
K ₂ O	2,01	1,65	1,75	2,20	1,6	2,05
P ₂ O ₃	0,21	0,23	0,43	0,92	1,99	0,52
SO ₃	0,1	0,09	0,75	0,49	-	0,05
Fe ₂ O	-	-	-	-	3,41	8,95
П.П.П.	17,11	18,57	16,17	14,06	24,33	15,72
Жамп	99,62	99,31	99,98	99,95	99,75	99,83

Ишқорий-ер ва ишқорий бентонитлар асосан ўзаро таркибидаги TiO₂, MgO, Na₂O, K₂O₂ ва бошқалар миқдори билан фарқ қилади. Кимёвий таркиби жихатидан бентонит ва карбонатли палигоскит орасидаги фарқ жуда кескин бўлиб, карбонатли палигоскит таркибида Al₂O₃, SiO₂, MgO лар миқдорлари кам ва CaO кўп миқдорда бўлади [6].

Барчамизга маълумки, бентонитларда 70% дан кўпроқ юкоридисперсликдаги монтморилонитлар яъни қаватли алюмосиликатлар мавжуд. Уларнинг кристалл-кимёвий тузилиши унинг юзасида ионалмашинувчи катионлар бўлиб, минераль сифатида унинг физик ва кимёвий хусусиятларини белгилайди. Монтморилонит қаватлари орасидаги катион алмашинувини компенсацияловчи ортиқча манфий заряд бентонитларнинг юқори гидрофиллигини таъминлайди. Бентонит сув билан намланганда сув монтморилонитнинг қаватлари орасига киради ҳамда уни гидратациялаши ва бўқишига сабаб бўлади. Бентонитга янада кўпроқ сув аралаштирилиши натижасида тиксотропик хусусиятли турғун қовушқоқ супензия ҳосил қилади. Ушбу бентонитлар яхши қовушқоқ-гель ҳосил қилувчи ҳисобланади ва қудуқларни бурғилаш учун бурғилаш эритмалари тайёрлашда фильтрацияни камайтирувчи сифатида қўлланилади [7, 8, 9].

Боғланиш энергиясига кўра Са-гиллар Na лиларга қараганда сув билан мустаҳкамроқ боғ ҳосил қилади яъни ҳўлланиш иссиқлигига кўра юқори гидрофилъ ҳисобланади. Аммо улар қалинлиги катта бўлган диффузияланган иккиламчи қаватлар ҳосил қилмайди, шунинг учун

заррачаларнинг пептизацияси кузатилмайди ва сувнинг юпқа қаватлар орқали коагуляцияланиш кузатилади. Шунинг учун кальцийли бентонитларни натрийли қилиш учун уларни натрийли тузлар ёрдамида ишлов бериш амалга оширилади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг асосий нефт, газ ва газоконденсат қазиб чиқариш регионларида қудуқларни бурғиладда тузли қатламлар борлиги кузатилмоқда. Бундай қатламларни қазиб ўтишда СаО га бой бўлган палигорскитли гиллардан фойдаланган бурғилад эритмаларни қўллаш мақсадга мувофиқлигини [10] ишдан ҳам кўришимиз мукин.

Навбахор кони карбонатли палигорскити ишқорий ва ишқорий ер бентонитлари, заррачаларига нисбатан катта фракциялардан иборат эканлигини 1.2-жадвалдан кўришимиз мукин.

Ушбу ҳолат шундан далолат берадики гилларнинг юзаси сув билан ўзаро таъсирлашганда алоҳида кичик ўлчамчи заррачалар ҳосил бўлиши ва Na ли гиллар каби бирлик ҳажмда заррачалар сонини ортиши кузатилмайди. Натрий ионларининг тўлиқ катион алмашинувда ионларнинг диффузион кучлари шунчалик ривожланганки, ҳосил бўлган суспензияда заррачаларнинг пептизацияси ва стабилизацияси тўлиқ кечади.

Собанин-Робинзон усулига кўра седиментацион таҳлил натижалари [11, 12] шуни кўрсатдики Навбахор кони барча гиллари гранулометриқ таркибига кўра юпқа дисперс хом ашё турига мансуб. Унда иккала бентонит ҳам палигорскитга нисбатан анча майда фракциялардан иборат.

1.2-жадвал

Гилли бурғилад эритмаси тайёрлаш учун олинган гил намуналарининг дисперс таркиби ва солиштирма юза кўрсаткичлари

Намуна гилларнинг номи		Фракция миқдори, %			Солиштирма юзаси 10 ³ м ² /кг
		0,01 мм дан кам	0,1 мм дан кам	1,0 мм дан кам	
Навбахор кони	Карбонатли палигорскит	76,5	21,4	2,1	286
	Ишқорий-ер бентонити	81,6	17,7	0,7	310
	Ишқорий бентонит	80,2	18,9	0,9	305
Шўрсув кони	Гидрослюдали гил	82,7	16,2	1,1	295
НҚИЗ адсорбентлари	Симферопол бентонити	81,7	16,9	0,4	303
	Покистон бентонити	80,4	17,7	1,9	299

Ишқорий-ер бентонитининг солиштирма юзаси карбонатли палигорскитнинг солиштирма юзасидан катта эканлиги ва дисперлик жихатдан фарқланишини 1.2-жадвалдан кўришимиз мукин.

Биз гилли бурғилад эритмасини тайёрлаш учун қўлланиладиган турли хил гилларимизнинг коллоид-кимёвий хусусиятларини ўргандик. Олинган натижалар 1.3-жадвалда келтирилган.

Гилларнинг ҳўлланиш иссиқлиги қанчалик юқори бўлса (1.3-жадвал) шунчалик унда боғланган сув кўплигидан далолат беради. Энг юқори ҳўлланиш иссиқлиги ишқорий ер бентонитида юқори эканлигини кўришимиз мукин. Боғланган сув миқдори ўрганилаётган

гилнинг гидрофиллик даражасини аниқлаш имконини беради. Мисол учун Навбахор кони гилларини оладиган бўлсак, ишқорий ва ишқорий ер бентонитлари ушбу коннинг карбонатли палигорскитига қараганда анча гидрофиллигини кўришимиз мукин [13].

1.3.-жадвал

Гилли бурғилаш эритмаси тайёрлашда қўлланиладиган намуна гилларнинг коллоид-кимёвий хусусиятлари

Гил намунаси номи		Тузилиши	Алмашинув сифими, мг-экс/100 гр		Хўлланиш иссиқлиги (Q) кал/г	Суспензиянинг рН кўрсаткичи
			катион	анион		
Навбахор кони	Ишқорий-ер бентонити	Қаватли, ҳаракатланувчи профили	65-79	7-12	28,5	8,2
	Ишқорий бентонит		67-81	6-11	25,8	8,5
	Карбонатли палигорскит	Қаватли-кристалл лентасимон тузилишли	24	-	19,5	6,9
Шўрсув кони гидрослюдали гили		Қаватли аралаш	25-28	8-12	8,7	7,0
НКҒЗ	Покистон бентонити	Қаватли, ҳаракатланувчи профили	82-88	8-10	27,8	8,6
	Симферополь бентонити		83-91	10-11	27,9	8,6

Қаварли-лентасимон кристал тузилишга эга бўлган палигорскит асосан цеолитлар каналларига ўхшаш бурчакли планкасимон кристаллар ҳосил қилади.

Монтморилонитли гилларда сув фақатгина юза қисмида сорбцияланибгина қолмай, ички юзасида (қаватлар орасига) ҳам ютилиши содир бўлади. Шунинг учун бентонитлар, айниқса импорт қилинаётган бентонитлар хўлланиш иссиқлиги юқорилиги билан карбонатли полигорскитдан кескин фарқ қилади.

Бентонитлар ва палигорскитларнинг бўкишини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади яъни, бурғилаш жараёнида бурғиланган тоғ жинсларининг пептизацияланиши натижасида бурғилаш эритмасининг қовушқоқлигини ошириб юбориши мумкин. Шунинг учун бўкиш катталигини камлиги бурғилаш эритмаси тайёрлашда асосий вазифалардан бир ҳисобланади. Бунда боғланган сув миқдори гилларнинг кимёвий ва минерал таркиби, солиштирма юзаси, дисперслиги ва бошқа кўрсаткичларига боғлиқ.

1.4-жадвал

Гилларнинг бўкиш кўрсаткичлари

Гил намуналари номи	Бўкиш кўрсаткичлари номи			
	Бўкиш даражаси, см ³ /г	Бўкиш вақти, соат	Бўкишнинг ўртача тезлиги (ω _{ўр.} 10 ⁻³), см ³ /г. Соат	силжиш кучланиши, г.с/см ²
НК ишқорий бентонити	1,398	762	1,720	125
НК ишқорий-ер бентонити	1,425	776	1,735	121
НК карбонатли полигорскити	1,235	375	1,689	127
ШК гидрослюдали гил	1,321	689	1,578	122
Симферополь бентонити	1,421	765	1,725	123
Покистон бентонити	1,419	763	1,722	122

Гилли бурғилаш эритмаси тайёрлаш учун олинган гил намуналарининг бўқиши бўйича ўрганилган бўлиб, олинган натижалар 1.4-жадвалда келтирилган.

Сув таъсирида бўқишнинг энг кўплигини бентонитларда ва энг камини карбонатли палигорскитларда эканлигини 1.4-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Палигорскит-магнийли алюмосиликат энг мустаҳкам супензия ҳосил қилади, яъни алмашинув мажмуасида магний катионларига алмаштириши сабаблидир. Кристалл структурадаги узилган боғларни яъни цеолитсимон каналлардаги бузилган жойларини тўлдириши ҳисобигадир [14].

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики нефт ва газ қудуқларини қазишда тайёрланадиган бурғилаш эритмаси тайёрлашда ушбу намуна гилларнинг турли композицияларини олиш орқали самарали бурғилаш эритмасини тайёрлаш мумкин. Бунда олинган гиллар композициялари бурғилаш эритмаси тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва унинг сифати махсус кимёвий реагентлар ёрдамида бошқарилади.

Адабиётлар

- [1]. Школлер М.Б. Экологическая химия: учебное пособие / Новокузнецкий филиал ГОУ ВПО «Национальный исследовательский Томский политехнический университет». – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2010. – 194 с.
- [2]. Syed Sabir (2015) Approach of Cost-Effective Adsorbents for Oil Removal from Oily Water, Critical Reviews in Environmental Science and Technology, 45:17, 1916-1945, DOI: 10.1080/10643389.2014.1001143.
- [3]. Faith Uchenna Babalola and Alfred Akpoveta Susu Pre-Treatment of Heavy Crude Oils for Refining Submitted: April 30th, 2019. Reviewed: September 2nd, 2019 Published: December 18th, 2019. DOI: 10.5772/intechopen.89486
- [4]. Мирзаев А.У., Чиникулов Х. Глины месторождения Навбахор (Узбекистан) // Литология и полезные ископаемые, 2004, № 1, с. 71-81.
- [5]. Тошев Ш.О. Разработка полиминеральных композиций из Навбахорских глин для получения термо- и солейстойких буровых растворов // дисс на соис на учен степ к.т.н. Ташкент – 2019. С. 109.
- [6]. Базаров Г.Р. Разработка технологии получения полифункциональных буровых растворов на основе местных глинистых минералов и их композиции // дисс на соис учен степ д.т.н. Ташкент – 2020. С. 191.
- [7]. Белоусов П.Е., Покидько Б.В., Закусин С.В., Крупская В.В. Количественные методы определения содержания монтмориллонита в бентонитовых глинах // Георесурсы. 2020. Т. 22. № 3. С. 38–47. DOI: <https://doi.org/10.18599/grs.2020.3.38-47>
- [8]. Королькова С.В. Коллоидно-химические свойства монтмориллонит-иллитовых глин, активированных соевыми растворами // автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Белград – 2012. С. 19
- [9]. Кошелев А.В., Тихомирова Е.И., Атаманова О.В. Влияние модифицирования бентонитового адсорбента глицерином на его структуру и физико-химические свойства // Химическая физика, 2019, том 38, № 11, с. 85–90.
- [10]. Булатов А.И., Савенок О.В. Заканчивание нефтяных и газовых скважин: теория и практика : учебное пособие для студентов вузов / А.И. Булатов, О.В. Савенок. - Краснодар: Просвещение-Юг, 2010. - 542 с., [1] л. цв. портр. : ил., табл.; 21 см.; ISBN 978-5-93491-331.

УДК 628.18

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ВА ЧИҚИНДИЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

М.Қ. Алиев, Г.А. Бекмамадова

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Aliiev maxmud 1956 @mail.ru, e-mail: g.bekmamadova@yahoo.com

(Қабул қилинди 4.10.2022 й.)

Мақолада шахар ва саноат корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувларни оқизиш ва тозалаш, оқова сув таркиби ва хоссалари, оқова сувларни тозалашни усуллари, тўтилган чиқиндиларга ишлов бериш ва тозаланган сувларни зарарсизлантириш усуллари, ишлатиладиган инишоотларнинг турлари, тузилиши ва уларни ҳисоблаш методикаси ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: *Оқова сувлар, санитария нормалари, сув ҳавзалари, оқова сувларни тозалаш инишоотлари, чиқиндиларга ишлов бериши.*

В статье рассмотрены вопросы сброса и очистки сточных вод, образующихся в городах и промышленных предприятиях, состав и свойства сточных вод, способы очистки сточных вод, обработки удержанных сточных вод и обеззараживания очищенных вод, виды и строение применяемых сооружений и методика их расчета.

Ключевые слова: сточные воды, санитарные нормы, водоёмы, сооружения по очистке сточных вод, обработка сбросов.

The article deals with the issues of discharge and treatment of wastewater generated in cities and industrial enterprises, the composition and properties of wastewater, methods of wastewater treatment, treatment of retained wastewater and disinfection of treated water, types and structure of constructions used and methods for their calculation.

Key words: wastewater, sanitary standards, reservoirs, wastewater treatment facilities, wastewater treatment.

Кириш. Шаҳар ва саноат корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувларни оқизиш ва тозалаш, оқова сув таркиби ва хоссалари, оқова сувларни тозалаш, тугилган чиқиндиларга ишлов бериш ва тозаланган сувларни зарарсизлантириш усуллари, ишлатиладиган иншоотларнинг турлари, тузилиши ва уларни ҳисоблаш методикаси, ҳамда республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари ва ҳудудий муаммоларнинг оқова сувларни тозалаш тизими истиқболига таъсири масалалари ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, шаҳар аҳолиси барча замонларда сувни ариқлардан ёки сув йиғиш ва тиндириш учун мўлжалланган махсус мослама-ҳовузлардан олишган. Табиий манбаалардан сув олиш, уни тозалаш, зарарсизлантириш, узатиш ҳамда аҳоли, саноат корхоналари ва бошқаларга узатишни таъминловчи муҳандислик иншоотлари ва қурилмалари мажмуасини қуриш билан аҳолини керакли миқдорда ва босимда, сифатли ичимлик учун сув билан таъминлаш мумкин.

Ҳозирги пайтда сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олишга жуда катта аҳамият берилмоқда. Маиший хўжалик ва саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувлар муайян иншоотларда тозаланиб, улар яна сув ҳавзаларига оқизилади. Шу билан бирга сув ҳавзаларини маълум даражада ифлослантиради.

Саноат ва қишлоқ-хўжалик корхоналарининг жадал ривожланиши сув ҳавзаларидаги оқова сувлар ифлосланишининг бирдан бир омилдир. Оқова сувларни кўп миқдорда сув ҳавзаларига тушириш билан бирга уларнинг тозалигини сақлаб қолиш коммунал хўжалигидаги муҳим вазифалар сирасига киради. Шунинг учун ҳам оқова сувларни тозалаш усулини тўғри танлаш билан сув ҳавзаларига тушириладиган сувларнинг санитария нормаларига тўла мувофиқ келишини таъминлаш мумкин.

Асосий қисм. Кейинги йилларда ҳукуматимиз ва давлатимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилиниб, улар асосан сув ҳавзаларининг санитария ҳолатларини яхшилашга қаратилгандир. Бу қарорларда бир қатор тадбирлар ишлаб чиқариш ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш мўлжалланган. Сув ҳавзаларига ташланадиган тозаланган оқова сувларнинг тозалаш миқдори даражасига жуда катта талаблар қўйилмоқда. Шу мақсадда сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини яхшилашда қўйидаги тадбирлар амалга ошириш мўлжалланган: оқова сувларни тозаловчи канализация иншоотларини қуришни жадаллаштириш; оқова сувларни янада чуқурроқ тозалаш, уларнинг сифатини янада юқорироқ кутариш учун; саноат корхоналарида технологик жараён учун саноат корхоналаридаги тозаланган сувларни қайта ишлатиш ёки бир неча бор ишлатиш усулига ўтиш; саноат корхоналаридаги сув хўжаликларини бутунлай туташтирилган усулга ўтказиш билан, сув ҳавзаларига оқова сувларни бутунлай оқизмаслик; тозаланган оқова сувларни суғориш ишларида ишлатиш, санитария ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда; саноат корхоналарида технологик жараёнларни сув ишлатилмайдиган жараёнларга ўтказиш [1-3].

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар ўз вақтида бажарилса маиший-хўжалиқдан ҳосил бўлган оқова сувлар сув тозалаш иншоотларига ўз вақтида етказилса ва ундан ажратиб олинган чиқиндиларга ишлов берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Сув ҳавзалари табиий (дарё, кўл, денгиз) ва сунъий сув омборларига бўлинади. Сув ҳавзаларидаги сувлар табиий ва сунъий йўл билан ифлосланади. Табиий ифлосланиш сувда яшайдиган ўсимлик ва жониворларнинг ўлиши орқали, ҳамда ёмғир ва эриган қор сувларининг келиб тушиши орқали бўлади. Сунъий ифлосланиш бўлса, сув ҳавзаларига оқова сувларни туширилиши орқали бўлади. Сув ҳавзаларини ифлосланганлигини қуйидаги белгилардан билиш мумкин: сув юзасида сузиб юривчи моддаларнинг пайдо бўлиши ва тубида чўкиндиларнинг ўтириши; сувнинг физикавий хоссаларининг ўзгариши, айнан ранги, тиниклиги, мазаси ва хидининг пайдо бўлиши; сувнинг кимёвий хоссаларининг ўзгариши (водород кўрсаткичи, органик ва минерал чиқиндиларнинг кўпайиши, захарли моддаларнинг пайдо бўлиши ва ҳакозолар); органик ифлосларни оксидлаш учун керак бўлган сувдаги эриган кислород миқдорининг камайиши; бактерияларнинг тури ва миқдорининг ўзгариши, ҳамда оқова сувларнинг келиб қўшилиши сабабли, сувда касаллик тарқатувчи бактерияларнинг пайдо бўлиши.

Сув ҳавзаларига қўшиладиган оқова сувлар таркибидаги ифлос моддалар концентрациясини маълум вақт давомида физикавий, кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида маълум миқдорда камаяди. Сув ҳавзаларининг унга ташланган оқова сув таркибидаги ифлосликларнинг йўқолиш хусусиятига ўз-ўзини тозалаш дейилади.[5-10].

Сув ҳавзаларида ўз-ўзини тозалашига кўмаклашадиган асосий сабабларидан бири сув ҳавзасидаги сувлар миқдорини, унга тушириладиган оқова миқдорининг нисбатига боғлиқдир, яъни оқова сув ҳавзаларидаги сув билан неча марта аралашига боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда кичик ва ўрта саноат корхоналарининг қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётганлиги муносабати билан, улардан чиқаётган оқова сувларни тозалаш ва қайтадан қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун ишлатиш долзарб масалалардан бирига айланган.

Асримизнинг энг глобал муаммоларидан бири, сув ҳавзаларини ифлосланишини олдини олишдан иборатдир. Республикамиз қишлоқ жойларида деярли барча оқова сувлар қайта тозаланмасдан ер ости сувларига сингдирилиб юборилади. Бу эса ер ости сизот сувларини ифлосланишига олиб келади [5-9].

Ҳозирги пайтда сув ҳавзаларининг ифлосланишини олдини олишга жуда катта аҳамият берилмоқда. Майший ва саноат оқова сувлари маълум бир иншоотларда тозаланиб, яна сув ҳавзаларига оқизилади. Шунинг натижасида сув ҳавзалари маълум даражада ифлосланади.

Кичик ва ўрта саноат корхоналарини тез ривожланиши, қишлоқ уй-жойларини жадал суръатларда қурилиши сув ҳавзаларини, ер ости сувларини ифлосланишининг омилларидан биридир. Кўп миқдорда оқова сувларни сув ҳавзасига тушириш билан бирга, уларнинг тозаланишига сақлаб қолиш коммунал хўжалигининг муҳим вазифалари қаторига киради. Шунинг учун ҳам оқова сувларни тозалаш усулларини тўғри танлаш, сув ҳавзаларига тушадиган сувларнинг санитария ҳолатини ва санитария нормалари талабларига тўла мувофиқ бўлишини таъминлаш лозим.

Кичик ва ўрта саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувларнинг таркибида органик ва минерал моддалар жуда кўп бўлади. Айниқса уларнинг таркибидаги органик ифлос моддалар, бактериялар ривожланиши учун қулай шароит яратади. Шунинг учун оқова сувларни тозалашда уларнинг таркибидаги ифлос моддаларни, айниқса органик моддаларни сувдан ажратиш олиш ва зарарсизлантириш муҳим омиллардан биридир.

Оқова сувлар механик, физик-кимёвий, биологик усулларда тозаланади. Оқова сувлар таркибидаги касаллик тарқатувчи бактерияларни йўқотиш учун уларни хлор, гипохлорид натрий, озон ва бошқа зарарсизлантирувчи моддалар билан зарарсизлантирилади.

Механик тозалаш - оқова сувлар таркибидаги эримаган ифлос моддаларни сузиш, тиндириш, филтрлаш йўллари билан сувдан ажратиш олишдир.

Кимёвий тозалаш усули оқова сувга кимёвий реагентларни қўшишдан иборатдир. Асосан бу жараёнда аччиқтош ишлатилади. Реагентлар оқова сув таркибидаги эримаган, коллоид ва эриган модда заррачаларини чўкишига имкон беради.

Биологик тозалаш усули оқова сув таркибидаги микроорганизмларнинг яшаш шароитига асосланган бўлиб, бу микроорганизмлар оқова сув таркибидаги органик моддаларни оксидлаш ва қайта тиклаш учун хизмат қилади.

Иншоотларда тутилган чиқиндилар тегишли технологиялар асосида ачитилиб, сувсизлантиради ва зарарсизлантирилади. Бу барча усулларни компакт қурилмаларда, кам жой ва маблағ талаб этилган ҳолда лойиҳалаш энг долзарб масалалардан биридир.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи давлат миқёсида устувор йуналишлардан бири деб қабул қилинган. Шунини инобатга олиб кичик ва ўрта саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувларни тозалаш ва атроф-муҳитга таъсир этмаган ҳолда сув хавзаларига ташлаш масалаларини ўрганиш муҳимдир [1-3].

Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимларида қуйидаги муаммоларни ечиш талаб этилади: ер ости ва ер усти сув хавзаларининг ифлосланиш даражаси юқори; оқова сувларни оқизиш ва тозалаш тизимлари эскирган; сув ва оқова сув тармоқларининг яроқсизларини алмаштириш технологияси ҳамон эски усулда олиб борилмоқда; тармоқларда аварияларнинг кўп марта содир бўлиши кузатилмоқда; сув таъминоти ва канализация қувурлари эскирган; сув таъминоти ва канализация қувурлари, янги технологиялар асосида тайёрланган қувурлар билан тўлиқ алмаштирилмаган; авариялар натижасида сув сарфининг йўқотилиши кўпаймоқда; ичимлик сувининг таннархини асоссиз равишда оширилиш ҳолатларини аниқлаш; коммунал соҳада иш рентабеллигининг пасайиши; энергия истеъмол қилувчи ускуналарнинг эскирганлиги, вақтида созланмаслиги ва бунинг оқибатида энергия сарфининг ошиши; соҳада малакавий кадрлар етишмаслиги [1-3].

Текстиль, кимё ва пахтани қайта ишлаш корхоналарининг жадал ривожланиши натижасида, улардан чиқадиган оқова сувлар таркибида органик моддалар миқдорининг меъёрини сақлаш лозим. Бу меъёр оқова сувларни тозалаш иншоотларида тозаланган саноат оқова сувларининг сув хавзасига ташланаётган вақтдаги рухсат этилган моддалар концентрациясидан ошиб кетмаслиги лозим.

Сув таъминоти ва оқова сув тизимларини кўпайиб бориши ва мураккаблашиб кетиши, тизимларни ишлатиш хизматлари олдида янги масалалар кўяди, яъни сув таъминоти ва канализация тизимлари ва иншоотларини ишлатишда техника хавфсизлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, хўжалик, саноат ва бошқа истеъмолчиларга сув тайёрлаб бериш ва оқова сувларини оқизиш ва тозалаб, зарарсизлантириш, сув хўжалик объектларни автоматлашган бошқарувини ташкил қилиш ҳамда республикамиздаги ижтимоий - иқтисодий ислоҳатлар натижалари ва ҳудудий муаммоларнинг сув таъминоти, оқова сувларни оқизиш тизимларини ишини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тизими истиқболга таъсири масалаларини қамрайди

Канализация тармоқларига тушадиган ифлосликларни асосан қуйидаги турларга бўлиш мумкин: минерал чиқиндилар; органик чиқиндилар; бактериал чиқиндилар; радиоактив чиқиндилар.

Минерал чиқиндиларга қуйидагилар киради: қум, тупроқ заррачалари, руда заррачалари, шлак, сувда эриган тузлар, кислоталар, ишқорлар ва бошқа шунга ўхшаш моддалар.

Органик чиқиндилар ҳосил бўлиш шароитига ва турига кўра икки турга бўлинади: ўсимликдан ҳосил бўлган, жониворлардан ҳосил бўлган.

Ўсимликдан ҳосил бўлганларига ўсимликлар, мевалар, сабзавотлар қолдиқлари, қоғоз, ўсимлик мойлари ва бошқалар киради. Бу чиқиндиларга кирувчилар таркибидаги асосий кимёвий модда-углерод [5-11]

Жониворлардан ҳосил бўлган чиқиндиларга одамлар ва ҳайвонлардан физиологик ажралган ифлосликлар, жониворларнинг тўқима қолдиқлари, органик кислоталар ва бошқалар киради. Бу чиқиндиларга кирувчилар таркибидаги асосий кимёвий модда-азот бирикмасидан иборат бўлади.

Маиший хўжаликлардан чиқадиган оқова сувлар таркиби тахминан олтамиш фоизини органик чиқиндилар ва қирқ фоизини минерал чиқиндилар ташкил қилади. Саноат

корхоналаридан чиқадиган оқова сувлар таркибидаги чиқиндилар миқдори бошқача бўлиши мумкин, уларнинг миқдори корхонада ишлов бериладиган махсулотнинг туркумига ва технологик жараёнига боғлиқ бўлади.

Бактериал ифлосларга тирик микрожонзодлар хамиртуриш, моғор замбуруғи, майда йўсин ва ҳар хил бактериялар гурухидан иборат бўлади. Маиший хўжалиқдан ҳосил бўлган оқова сувларда касаллик тарқатувчи бактериялар ҳам бўлади, дизентерия, тиф, гижжа одамларнинг ва ҳайвонларнинг физиологик чиқиндилари билан бирга оқова сув таркибига тушиши мумкин.[7-10].

Саноат чиқиндиларидан чиқадиган оқова сувлар таркибида ҳам касаллик тарқатувчи бактериялар бўлиши мумкин (териға ишлов берадиган, жунларга ишлов берадиган корхоналарда, кушхоналар ва бошқалар).

Оқова сувлардаги чиқиндилар ўзининг физикавий ҳолатига кўра сув таркибида қуйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин: эриган, коллоидли, эрмаган.

Илмий текширишлар шуни кўрсатадики, маиший-хўжалик оқова сувлар таркибида эрмаган чўқиндилар миқдори маълум миқдорда ўзгармас бўлади ва унинг сон қиймати бир одамга суткада олтмиш беш граммга тўғри келади. Эрмаган моддалар оқова сув таркибида бўлакчаларнинг катта кичиклиги солиштирма оғирлиги, ҳамда оқова сувнинг оқиш тезлигига қараб сувнинг юзасида сузиб юриши (ёғ, қоғоз, ёғоч бўлакчалари ва ҳакозо), муаллақ ҳолатида ёки чўкма шаклида қувурларнинг тубида судралиб оқиши мумкин.

Оқова сувлардаги аралашмаган моддалар икки турга бўлинади: чўкадиган; чўкмайдиган.

Чўкадиган моддалар 2 соат давомида 0,5 л ҳажмли кичик бўлмаган шиша идишда чўкадиган моддаларга айтилади. Чўкмайдиган моддалар 2 соат давомида чўкмайдиган моддаларга айтилади. Айтилган 2 соат давомида чўқиши ихтиёрий олинган, чўнки моддалар тиндиргичларда 2 соатдан ошмаган вақт давомида чўктирилади.[7-10].

Коллоидли эритмани оқова сувдаги асосан гидрофилли ва гидрофобли коллоидлар ҳосил қилади. Гидрофилли коллоидлар дисперцияли заррачаларни сув молекулалари билан бирлаштириш қобилятига эгадир, дисперцияли муҳит бўлиб хизмат қилади. Улар асосан органик бирикмалардан, катта молекуляр оғирликка эга бўлган углевод, оқсил, органик моддалари ва микрожонзодлардан ташкил қилади.

Гидрофобли коллоидлар дисперцияли заррачаларни сув молекулалари билан бирлаштириш қобилятига эга эмаслар ва уларга лой, темир, алюминий оксидлари, кулсизлантирилган кўмир ва бошқалар киради.

Оқова сувларни ифлослантирадиган органик моддалар таркибидаги углеродлардан ташқари яна темир, фосфор, калий, натрий, хлор, туз шаклида учрайди.

Оқова сув таркибида аэробли ва аэробсиз бактериялар мавжуд булади. Оқова сув таркибидаги органик ифлос моддалар бактериялар ривожланиши учун қулай шароит яратади. Шунинг учун оқова сувларни тозалашда уларнинг таркибидаги ифлос моддаларни айниқса органик моддаларни сувдан ажратиб олиш ва зарарсизлантириш муҳим омиллардан биридир.

Мураккаб органик бирлашмалар биохимик жараёнлар натижасида парчаланиб, карбонат ангидридни ва сувни ташкил қилади. Бундай жараёнларни органик моддаларни минерализациялаш дейилади.

Органик моддаларнинг барқарорлиги микрожонзодлар таъсирида амалга оширилади, улар бу моддалардан озикланиш вақтида уларни пластик материаллар ўрнида ишлатадилар микрожонзодлар танасини қуруш учун (плазма, қобиқ) ва энергетик ўзларининг яшашлари учун, икки турдаги микрожонзодларга ажратилади аэробли ва аэробсиз. Биринчиси ҳаводаги кислородга муҳтож, иккинчи кислородли муҳитда яшай олмайди.

Аэробли биохимик жараёнда таркибида углерод, азот, фосфор, олтингугурт бўлган органик моддалар оксидланади ва минерал тузлар ҳосил қилади (карбонат ангидриди, олтингугурт ангидриди, фосфор ангидриди) ва карбонат кислоталаридан иборат бўлади.

Аэробли жараён натижасида (қайта тикланишда) асосан газлар ҳосил бўлади (метан, карбонат кислота, аммиак ва водород), ҳамда органик моддаларнинг парчалангандаги оралик моддалар ҳосил бўлади.

Аэробли жараёнлар асосан таркибида органик чиқиндилар бўлган оқова сувларни тозалашда қўлланилади. Аэробсиз жараёнлар оқова сув таркибидан ажратиб олинган чўқиндиларни ачитиш ва зарарсизлантиришда қўлланилади, ҳамда таркибида органик моддалар бўлган саноат оқова сувларини тозалашда қўлланилади [8-10].

Канализация тозалаш бекатларида оқова сувларни тозалаганда уларнинг таркибидаги ифлос моддалар ажратиб олинади. Бу чўқиндилар бирламчи тиндиргичларда тугилади, шу билан бирга оқова сувларни биологик тозаланганда, биосузгичлардан сўнг биопардалар ва аэротенклардан сўнг ортиқча актив лойқалар ҳосил бўлади. Биринчи тиндиргичдан чиқазиладиган чўқиндиларни «янги» чўқиндилар деб аталади. Улар қўнғир рангли бўлиб, намлиги тўқсон икки - тўқсон беш фоизни ташкил этади. Чўқиндилар таркибида гельминт тухумлари бўлади. Шунинг учун чўқиндиларга ишлов берилиши ва зарарсизлантириш керак. Чўқиндилардаги зарарли ва ёқимсиз хоссаларини йўқотиш учун, уларни аэробсиз бактериялар ёрдамида аэробсиз ачитилади ва чиритилади.

Чўқиндиларни ачитиш, чиритиш ва зарарсизлантириш учун қуйидаги иншоотлар ишлатилади: септиклар; икки қаватли тиндиргичлар; тиндириш ва чиритиш қурилмаси; аэробли стабилизаторлар.

Ишлов берилган чўқиндилар таркибида кўп миқдорда сув бўлганлиги сабабли, уларни ўғит сифатида ишлатиш ва ташиш қийинлашади, шунинг учун ишлов берилган чўқиндиларни сувлантириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги иншоотлар ишлатилади: центрифуга; лойқа майдонлари; флотация; вакуум-фильтрлар; термик ишлов берувчи иншоотлар.

Ушбу иншоотлар ёрдамида чўқиндилар таркибидаги моддаларни ажратиб олиш жараёни амалга оширилади.

Септиклар тўғри тўртбурчак ёки доира шаклидаги резервуар бўлиб, унда оқова сув аста секин оқиб ўтади ва оқова сув таркибидаги чиқиндилар резервур тубига чўкади. Септиклар тубида тугилган чиқиндилар узоқ вақт давомида сақланиб туради (ярим ёки бир йил давомида) ва шу сақланиш давомида тугилган чиқиндилар аста секин чирийдилар, шунинг учун ҳам бу иншоотларни септиклар дейилади. Септикларда асосан бижишнинг биринчи босқичи амалга ошади, яъни ачиш ҳолати. Ачиш натижасида ҳосил бўлган газлар бижишган чўқинди таркибидаги чўқинди заррачаларини юқорига кўтаради ва улар иншоотнинг тиндириш қисмига кўтаради ва натижада тозаланаётган оқова сувни парчаланаётган органик моддалар билан бойитади (олтингургурт водороди, аммиак ва бошқалар) [7-9].

Чиқиндилардан ажралиб чиққан газлар ёрдамида юқорига кўтарилган чўқиндилар сув юзасида чиқиндилар қатламини ҳосил қилади ва аста секин кўпаяди, қалинлиги бир метргача этади.

Септиктдан оқиб чиқадиган сув таркибига олтингурт водороднинг сассиқ хиди ўтириб қолади. Септикта тозаланган оқова сувни кейинчалик биологик тозалаш қийинлашади.

Септикларнинг ягона афзал томони, шундан иборатки ундан фойдаланиш содда. Уларда тугилган чўқиндиларни бир йилда бир икки маротаба тозаланади. Шу сабабли септиклар алоҳида жойлашган ёки бир нечта бинолардан ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалаш учун қўлланилади.

Септиклар оқова сувларнинг миқдори суткасига 25 метр кубгача бўлганда қўлланиши мумкин. Оқова сувларни ер ости фильтрация майдонларида ёки кумтошли филтрларда тозалаш учун юборилган олдинги иншоот сифатида фойдаланиш мумкин. Тозаланадиган оқова сув таркибидаги чиқиндиларни ташқарига чиқиб кетишини камайтириш мақсадида, тўғри тўртбурчакли септиклар икки ёки уч камерали қурилади. Септиклар темир бетондан қурилади. Оқова сувларни тиндириш қисмининг хажмини сутка давомида 12 соатдан 24 соатда оқиб келадиган сувнинг миқдорига тенг қилиб олинади.

Чиқинди сақланадиган қисмини бир одамдан сутка давомида оқова сувга ташланадиган чиқинди миқдорига кўра аниқланади, чиқиндининг намлиги тўқсон беш фоиз бўлганда – 0,8 литрга тенг. Пастки қисмида чиқиндиларнинг зичланишини инобатга олиб, уларнинг намлиги 85% ни ташкил этади. Шундай қилиб, чиқиндиларнинг ўртача намлиги 90% тенг. Оқова сув таркибидаги органик чиқиндиларнинг парчаланиш миқдорини 30% ташкил қилади деб ҳисобланади. Бундан ташқари, шуни инобатга олиш керак. септикдан чиқиндилар ташқарига чиқазилганда ачитилган чиқиндининг 20% фоизини септикда колдирилиши лозим, чунки янги чўқиндиларга юктириш учун. Шундай қилиб, ачитиш давоми 180 сутка бўлса чиқинди сақланадиган қисмининг 1 одамга тўғри келадиган қиймати 60 литрга тенг бўлади [14].

Аниқланган қийматга, сув юзасида ҳосил бўлган қатқолоқнинг ҳажмини ҳам инобатга олампиз, унинг қалинлиги 0,5 метр. Қатқолоқ юзасидан септик қопқоғигача бўлган масофа камида 0,35 метрга тенг [15].

Септикнинг тўла ҳисоби қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабига биноан, сутка довомида оқиб келадиган оқова сув миқдори суткада 5 метр кубгача бўлса, у ҳолда септикнинг тўла ҳажмини суткада оқиб келадиган оқова сувнинг камида уч барабар қийматига тенг қилиб олинади. Сутка довомида оқиб келадиган оқова сув миқдори суткада 5 метр кубдан юқори бўлса, у ҳолда септикнинг тўла ҳажмини суткада оқиб келадиган оқова сувнинг камида 2,5 барабар қийматига тенг қилиб олинади [14].

Шахар канализациясига оқиб тушадиган оқова сувлар таркибида аҳолидан ва саноат корхоналаридан чиқадиган ҳар хил ифлосликлар бўлади. Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига биноан майший-хўжалиқдан келадиган оқова сувларнинг ифлослик концентрациясини аниқлаш учун ҳар бир аҳолидан суткада канализацияга тушадиган ифлослар миқдорини билиш керак бўлади.

Чўқиндиларни лойқа майдонларида қуришиш учун кўпинча катта майдонлар талаб қилинади. Шунинг учун кейинги пайтларда чўқиндиларни механик сувсизлантириш усуллари қўлланилмоқда ва буларга қуйидагилар киради: вакуум фильтрлар; центрафугалар; фильтр пресслар.

Вакуум-фильтрларда 80%, қоғоз фильтрларда 90%, фильтр прессда 98% ва тебранма фильтрларда 60-70% гача чўқиндилар таркибидаги сувлар сиқиб чиқазади. Фильтрларнинг турлари танланганда уларнинг иқтисодий томони ва чўқиндиларни кейинги иншоотларда ишлов бериш усулига ёки улардан нима мақсадда фойдаланишни этиборга олган ҳолда аниқланади [16].

Унумдорлиги суткасига 30-100 минг метр куб оқова сувларни тозалайдиган аэрация станцияларида тугилган чиқиндиларни ишлов бериш учун, аввалам бор центрафугадан ўтказилиб, ундан сўнг сувсизлантирилган чиқиндиларни термик иншоотларда қурилади. Унумдорлиги бундан юқори бўлган тозалаш бекатларида чиқиндиларни сувсизлантириш учун уларга реагентлар кўшиб вакуум фильтрларда амалга оширилади. Бу чўқиндиларга хлорли темир ва оҳак моддалар кўшилади, Ишлов бериладиган чиқиндининг таркибидаги қуруқ моддасига нисбатан хлорли темирдан 3-5 % ва оҳакдан 10-15% миқдорда кўшилади. Чиқиндиларни центрафугада ёки вакуум фильтрда сувсизлантириш натижасида чўқиндининг намлиги 65-80% пасаяди. Чиқиндиларни термик қуришиш жараёнида чиқиндилар қиздирилади, бу кўрсаткич чиқиндиларни зарарсизлантиришнинг санитария талабларига жавоб беради [17].

Чиқиндилар қуришилганда органик моддаларнинг ажралиш ҳолатлари содир бўлмайди. Термик қуришилган жараёнида чўқиндиларнинг намлиги 10-40 % гача пасайиши мумкин.

Шахар оқова сувларидан тугилган чиқиндиларни механик сувсизлантириш ва шундан сўнг термик қуришиш натижасида чиқиндилар санитария талабларига тўла жавоб берадилар. Шахар оқова сувларидан тугилган чиқиндиларни термик қуришиш натижасида органик ва минерал ўғитлар олинади, унинг таркибида органик моддаларнинг миқдори 40-60% фоизни ташкил этади. Физикавий ҳолати бўйича чиқинди каттиқ тўкиладиган моддадан иборат

бўлиб, заррачаларининг катталиги 1-7 мм, ўртача хажми 500 килограм метр кубга тенг, таркибида асосан калий, азот, фосфор моддалари мавжуд бўлади. Термик қуритилган чиқиндилар таркибида қуйидаги микроэлементларнинг заррачалари бўлади: бор, кобальт, марганец, рух, кўрғошин, мышьяк, кадмий, симоб, никель ва бошқалар [17].

Шаҳар оқова сувларидан тutilган чиқиндиларга ишлов бериш масаласи жуда мураккаб ва ҳали охиригача ечилмаган масалалардан бири ҳисобланади ва келажакда бу чиқиндиларга ишлов бериш масаласи ҳал қилиниши мумкин. Чиқиндиларни иссиқлик билан ишлов бериш усули ҳам мавжуд, бу жараёнда ишлов бериладиган чиқиндиларни 180–200 градусгача қиздирилади ва реакторда шу ҳароратда чиқинди 0,5- 2 соат ушлаб турилади. Иссиқлик билан чиқиндиларга ишлов берилганда чиқинди бутунлай зарарсизлантирилади ва ўзгармас хусусиятга эга бўлади ва энг асосийси, сувни бериш хусусияти яхшиланади, бу эса чиқиндиларга коагулянт ёки флокулянт қўймасдан хоҳлаган аппаратларда чиқиндини сувсизлантириш мумкин бўлади [17].

Оқова сувларни тозалаш натижасида жуда кўп чиқиндилар ҳосил бўлади. Шаҳар оқова сувларидаги ифлосликларнинг кўпчилиги заҳарли моддалардан ташкил топган бўлиб чириш ва патогенли микрожонзодларни ҳосил бўлишига мойиллиги бор. Булар шундан далолат берадики, чиқиндиларга махсус ишлов бериш керак, шундан сўнг улардан кейинчалик керакли жойларда фойдаланиш мумкин, айниқса кишлок хўжалигида ўғит сифатида фойдаланилади.

Оқова сув таркибидаги чиқиндилар таркибида ўсимликларни озиклантириш учун керакли миқдорда макро ва микроэлементлар мавжуд. Чиқиндилар қуритилганда органик моддаларнинг ажралиш ҳолатлари содир бўлмайди. Термик қуритилиш жараёнида чиқиндиларнинг намлиги 10-40 % гача пасайиши мумкин [16].

Шаҳар оқова сувларидан тutilган чиқиндиларни механик сувсизлантириш ва шундан сўнг термик қуритиш натижасида чиқиндилар санитария талабларига тўла жавоб берадилар.

Анаэроб шароитда чиқиндиларга метантенк қурилмасида ишлов бериш мумкин. Метантенкларда чиқиндилар ишлов берилганда чиқиндиларни ачиш ва бижғиш жараёнида унинг таркибидан газ ажралиб чиқади, асосан 65% метан ва 30-35% карбонат ангидриди. Ҳосил бўлган газларни махсус сиғимларга йиғилади ва шу сиғимда сақланади (газгольдер). Газлар ёқилғи сифатида тозалаш бекатининг ихтиёжларини ва тозалаш бекати атрофидаги аҳолининг ҳам эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Метантенкдан ажралиб чиққан карбонат ангидрит газини саноат корхоналарида қуритилади ва ишлаб чиқаришга юборилади. Лойқа майдонларида қуритилган чиқиндиларни, уларни намлиги 70-80% гача қуритилган бўлади, уларни ўғит сифатида фойдаланиш мумкин [16].

Хулоса. Юқоридаги масалалардан шундай хулоса чиқариш кераки, Ўзбекистонда оқова сувларни тозалаш ва чиқиндиларга ишлов бериш муаммолари энг долзарб масалалардан бирidir. Бу масалани давлат миқёсида ҳал этиш муҳим вазифадир.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2018 йил 30 ноябрь, ПҚ-4040-сон.
- [2]. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2019 йил 26 ноябрь, ПФ-5883-сон.
- [3]. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон.
- [4]. ЎЗДСТ 951-2011. Аҳолини марказлашган хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбалари. Гигиеник, техник талаблар ва танлаш қоидалари .
- [5]. ЎЗДСТ 950-2011. Ичимлик сувининг гигиеник талаблари ва сифатини назорат қилиш
- [6]. ҚМҚ 2.04.03-97 Канализация. Ташки тармоқлар ва иншоатлар, Ўзбекистон Республика Давлат Архитектура ва Қурилиш қўмитаси, Тошкент. 1997
- [7]. ҚМҚ 2.04.02.97. “Сув таъминоти”, “Ташки тармоқлар ва иншоатлар” Тошкент., 1997 148 бет.ҚМҚ 2.04.03.97.

- [8]. 7.. Сотов М.И. Бытовой фильтр на основе трековых мембран для доочистки питьевой воды / М.И.Сотов, В.П. Тимохович // Всероссийская научная конференция “Мембраны – 2001” Москва, 2-5 окт, 2001 :программы, тезисы докладов.- М. 2001.-с. 85.
- [9]. 8.. Матвеевич В.А. Электрохимические методы очистки природных и сточных вод / В.А. Матвеевич // Электрон. Обработ. матер. – 2000. – N 5. –с.103-115.
- [10]. Lin, Y.J. Photodegradation of the herbicides butaclor and ronstar using natural sunlight and diethylamine / Y.J Lin, C Lin, K, J Yeh, A. Lee //Bull. Environ. Contam. And Toxicol.-200.-64, N 6.-С.780-785.

UDK 661.183.123.2

**KATIONITLAR OLISH UCHUN POLIVINILXLORID PLASTIKATINI
MODIFIKATSIYALASH JARAYONLARINING TAHLILI**

A.A. Ko'charov, F.M. Yusupov

O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti

e-mail: azizbek.kucharov94@mail.ru

(Qabul qilindi 4.01.2023 y.)

In this research work, first of all, brief information about how sulfonated polyvinyl chloride cationite was synthesized based on local raw materials is presented. Information on thermodynamics analysis of modified sulfocationite is given. Based on the chemical modification of polyvinyl chloride with sulfo compounds, PVC-S sulfocationite was synthesized for the first time. In the study, the effect of temperature change on the progress of the modification reaction with sulfuric acid was also studied, and the effect of the temperature increase from 70 to 100 °C in the reaction on the Static Exchange Capacity of rolicomrlex was also presented. Electrochemical impedance measurements show that the quasi-exchange process takes place between Mg^{+2} and Ca^{+2} ions and Na^{+} in the PVC-S sulfonic cation exchanger, resulting in an increase in the charge conductivity and dielectric conductivity of the media. . In addition, the article provides information on X-ray diffraction analysis of PVC and sulfocationite KP-1.

Key words: *Hardness, PVC, sulfo cation exchanger, adsorbent, waste water, metal ions, polymers.*

В данной научно-исследовательской работе прежде всего дана краткая информация о том, как был синтезирован сульфированный катионит поливинилхлорида на основе местного сырья. Приведены данные по термодинамическому анализу модифицированного сульфокатионита. На основе химической модификации поливинилхлорида сульфосоединениями впервые синтезирован сульфокатионит ПВХ-S. В исследовании также изучалось влияние изменения температуры на протекание реакции модификации серной кислотой, а также было представлено влияние повышения температуры реакции с 70 до 100 °C на статическую обменную емкость роликомрлекса. Измерения электрохимического импеданса показывают, что между ионами Mg^{+2} и Ca^{+2} и Na^{+} в сульфокатионите ПВХ-S происходит квазиобменный процесс, приводящий к увеличению зарядовой проводимости и диэлектрической проводимости сред. Кроме того, в статье приведены данные по рентгеноструктурному анализу ПВХ и сульфокатионита КП-1.

Ключевые слова: *Жесткость, ПВХ, сульфокатионит, адсорбент, сточные воды, ионы металлов, полимеры.*

Ushbu tadqiqot ishida birinchi navbatda mahalliy xomashyo asosida sulfolangan polivinilxlorid kationitining qanday sentiz qilinganligi to'g'risida qisqacha ma'lumotlar keltirilgan. Modifikatsiyalangan sulfokationitning termodinamikasi tahlili to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan. Sulfobirikmalar bilan polivinilxloridni kimyoviy modifikatsiya qilish asosida PVX-S sulfokationit birinchi marta sintez qilingan. Tadqiqod ishida haroratning o'zgarishi sulfat kislotasi bilan modifikatsiya reaksiyasining borishiga ta'siri ham o'rganilib, reaksiyada harorat 70 dan 100 °C gacha ko'tarilishi bilan polikomplekslarning Statik Almashinuv Sig'imiga ta'siri haqida ham ma'lumotlar keltirilgan. Elektrokimyoviy impedans o'lchovlari shuni ko'rsatadiki, kvaz-almashtirish jarayoni PVX-S sulfonik kation almashtirgichda Mg^{+2} va Ca^{+2} ionlari va Na^{+} o'rtasida bo'lib, buning natijasida muhitlarning zaryad o'tkazuvchanligi va dielektrik o'tkazuvchanligi oshadi. Bundan tashqari maqolada PVX va sulfokationit KP-1 ning rentgen nurlanishining diffraktsiyasining dahlili haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Калит so'zlar: *Suvning qattiqligi, sulfokationit, PVX, kationit, adsorbent, texnik suv, metal ionlari, polemer moddalar.*

Kirish. Hozirgi kunda stiroil va divinilbenzol, polivinilxlorid, fenolformaldegid kabi polimer yoki sopolimerlarning sulfolanigan birikmalari keng tarqaldi va qo'llanilmoqda [1]. Kislota yoki asoslik darajasi bilan bir biridan farq qiladigan juda ko'plab ionitlar ma'lum. Sulfat kislota, oleum va xlorosulfokislota sulfonlarni hosil qilgani uchun bunday jarayonlarda qo'llanila olmaydi [2]. Boshqa tomondan sulfat anhidridning dioksan, trioksan yoki 3-dixlordietiloksid bilan aralashmasi sulfonlarni hosil qilmaydi va suvda eruvchan birikmalar hosil qiladi. Bu sulfolash xona haroratida yoki undan pastroq haroratda kompleksni polistiroil bilan aralashtirish orqali amalga oshiriladi, sulfolanigan polimer eritmadan ajralib qoladi [3,4].

Sulfolash darajasini o'zgartirib 70 % dan to nazariy hisoblangan unumgacha har bir benzol halqasiga bittadan sulfoguruh biriktirilgan sulfokislota olindi. Past sulfolanish darajasida (10-20 %) suvda eruvchan birikmalar hosil bo'lishi va eritmadagi suvni bug'latib yuborgandan keyin ushbu birikmalardan suvda erimaydigan plyonkalar hosil bo'lishi alohida qiziqish uyg'otadi [5]. Izog'ovakli makroto'rli stiroil polimerining sulfolanishi nisbatan oson kechadi. Sulfat kislota bilan sulfolashda 80 °C haroratdayoq aromatik halqalarning almashinishiga olib keladi. 100 °C da hatto o'zaro bog'lanish darajasi 40-100 % bo'lgan polimerlar ham almashinish sig'imi 4,5-4,7 mg-ekv/g bo'lgan sulfokationitlarga aylanadi [6]. Sulfolanishning oson borishi barcha aromatik halqalarning izog'ovakli makroto'rli polistiroilda joylashganligidan dalolat beradi. Polimerga kiritilgan barcha sulfoguruhlar o'z protonini tetrabutylammoniy ioni kabi katta hajmli guruhga almashtirishga qodir ekanligi ham xuddi shunday dalolat beradi. Taqqoslash uchun shuni ta'kidlash kerakki, odatiy kationitlar 10 % DVB saqlaganda sulfoguruhlarining yarimi o'z protonini tetrabutylammoniyga almashtira olmaydi. Ushbu reaksiyalarni amalga oshirish uchun PVX kukuni yoki PVX ning dixloroetandagi eritmasi ishlatiladi [7].

Material va metodlar. Ionitning statik almashinish sig'imini (SAS) aniqlash uchun namuna sirtidagi ortiqcha namlik filtr qog'oz yordamida tozalanadi. 0,2 g kationit tortib olinadi va kolbaga solinadi. Kationit namunasi ustiga 100 ml 0,1 M li NaOH eritmasi quyiladi. Kolba mahkam yopiladi va 24 soatga qoldiriladi. 1 kundan keyin kolbadagi eritma boshqa toza kolbaga quyib olinadi. Namuna eritmadan ikkita kolbaga 25 ml dan quyib olinadi. Har bir kolbaga 3 tomchidan indikatorlar aralashmasi solinadi va 0,1 M li HCl eritmasi bilan eritma rangi yashildan malina rangga o'zgarguncha titrlanadi. Indikatorlar aralashmasini tayyorlash uchun metil qizil va metilen ko'ki indikatorlarining spirtidagi eritmaları aralashtiriladi. Ionitlarning SAS qiymati quyidagi formula yordamida aniqlanadi:


$$Q = \frac{100 - 4 \cdot V_1}{10 \cdot m_1} \quad 2.5$$

Bu yerda 100 – 0,1 M li natriy gidroksidning hajmi; V_1 – titrlashga sarflangan 0,1 M li HCl kislotaning hajmi; m_1 – bo'kkan namuna massasi, g.

Elektrokimyoviy tajribalar uchun Gamry Potentsiostat/Galvanostat (Model G-300) (AQSh) qurilmasidan foydalanildi. Bu qurilma bir necha ilmiy programmalar bilan ta'minlangan. Bularndan EIS software, Gamry Instruments Inc., va Echem Analyst 6.22 programmaları natijalar olish uchun ishlatildi. Tajribalarda uch elektrodli yacheykadan foydalanildi. Bu yacheykada platina elektrodi yordamchi elektrod vazifasini bajardi. Kalomel elektrodi solishtirish elektrodi vazifasini bajardi. Ishchi elektrod sifatida esa namuna metall ishlatildi. Ishchi elektrodining immirion vaqti 30 min bo'lib, bu vaqtda elektrokimyoviy tajribalar uchun holat potentsiali o'zgarimas holatga keladi. Barcha elektrokimèviy tajribalar47 elektrokimèviy tajriba yacheykasida olib borildi. Bu qurilma solishtirish elektrodi, gaz kiradigan va chiqadigan kanal, platina yordamchi elektrodi, namuna elektrodi, harorat va pH nazoratini ta'minlovchilardan iborat [4].

Natijalar va ularning tahlili. PVX ning ekstraksiya jarayoni etilatsetat bilan olib boriladi. Natijada PVX granulasi bo'kadi va PVX da plastifikator sifatida ishlatilgan dibutilftalat etilatsetat eritmasiga o'tadi. Faollashtirilgan sirt maydonga va yuqori g'ovaklikka ega PVX granulasi paydo bo'ladi. Bo'kkan PVX granulalari aralashtirgichli reaktorga solinadi va unga 1:4 massa nisbatda konsentrlangan sulfat kislota solinadi. Aralashma 105 °C haroratda 5 soat davomida bir xil suspenziya hosil bo'lgunicha aralashtiriladi. Reaktorda modifikatsiya reaksiyasi tugagandan so'ng, suspenziya filtrga yuboriladi, u yerda modifikatsiyalangan PVX granulalari reaksiyaga kirishmagan

konsentrlangan sulfat kislotadan ajratiladi. Reaksiyaga kirishmagan konsentrlangan sulfat kislotani yig'ish va keyinchalik PVX granularining keyingi qismini modifikatsiya qilish jarayonida ishlatish uchun, ya'ni texnologik siklning boshiga qaytarish uchun yig'ichga yuboriladi.



1 rasm. Sulfokationitni PVX asosida olinish reaksiya tenglamasi.


Filtrlashdan so'ng modifikatsiyalangan PVX granulari distillangan suv bilan yuviladi va quritiladi. PVX granularini 0,5-0,8 mm gacha maxsus tegirmonlarda maydalanadi. Maydalagandan so'ng 0,5 mm o'lchamdagi elakdan o'tkazib, yuvishga jo'natiladi va H⁺ shaklidan Na⁺ ga o'tkaziladi. Maydalangan granular distillangan suv bilan maxsus vannada yuviladi va quritiladi.

Faollashtirilgan PVXni sulfolash jarayoni konsentrlangan sulfat kislotadan foydalangan holda va PVX parchalanishi boshlanadigan haroratda amalga oshiriladi, bunda polimerdan xlor ajralib chiqadi, bu esa sulfo guruhga polimerdagi bo'sh qolgan bog'larni to'ldirishga va sulfokationitni olishga imkon beradi. H shaklidagi sulfokationitga natriy gidroksid eritmasi bilan ishlov berish orqali natriy shaklidagi sulfokationitni olinadi.

Ushbu tadqiqotning asosiy xarakteristikasi shundaki, sulfolanagan polivinilxlorid kationitining Ca²⁺ va Mg²⁺ ionlarini sorbsiyalash qobiliyati yuqori.


1 va 2-rasmda natriy ionlarining magniy va kalsiy ionlariga almashinish sxemasi keltirilgan.

Bunda to'rtta sulfolanagan polivinilxlorid kationitlarining ishqalanishdagi mustahkamligi va selektivligi 95 % dan yuqori ekanligi ushbu namunalar Oqova suvlardagi Ca²⁺ va Mg²⁺ ionlarining 96 % dan ko'prog'ini sorbsiya qila olishini ko'rsatmoqda. Shuningdek, jadvalda to'rtinchi namunaning uzilishdagi mustahkamligi 205 kg/sm² ga tengligi ko'rsatilgan.




2 – rasm. Ca²⁺ va Mg²⁺ ionlarining KP-1 kationitidagi sorbsiya jarayoni.


Konsentrlangan sulfat kislotasi eritmalari bilan polivinilxloridni kimyoviy modifikatsiyalab (sulfatlanish) sulfokationit olindi. Turli konsentratsiyali modifikator yordamida 50-100 °C harorat oralig'ida reaksiya kinetikasi o'rganildi. Reaksiya vaqti, harorati va turli konsentratsiyali modifikator namunalarning SAS ga ta'sirini o'rganish natijalari quyidagi 3 rasmda rasmlarda keltirilgan.




3.a-rasm. Reaksiya davomiyligi va sulfat kislotasi konsentratsiyasining sorbentning statik almashinuv sig'imiga ta'siri. T=50°C, [H₂SO₄]= 95%(3), 90%(2), 85%(1).




3.b-rasm. Reaksiya davomiyligi va sulfat kislotasi konsentratsiyasining sorbentning statik almashinuv sig'imiga ta'siri. T=70°C, [H₂SO₄]= 95%(3), 90%(2), 85%(1).



3.c-rasm. Reaksiya davomiyligi va sulfat kislotasi konsentratsiyasining sorbentning statik almashinuv sig'imiga ta'siri. T=90°C, [H₂SO₄]= 95%(3), 90%(2), 85%(1).



3.d-rasm. Reaksiya davomiyligi va sulfat kislotasi konsentratsiyasining sorbentning statik almashinuv sig'imiga ta'siri. T=100°C, [H₂SO₄]= 95%(3), 90%(2), 85%(1).




3.f-rasm. Reaksiya davomiyligi va haroratning sorbentning statik almashinuv sig'imiga ta'siri. T=70 (1), 80 (2), 90 (3), 100 (4) °C.

ammo sintezlangan namunalarda mexanik mustahkamlik kamayadi. Shunday qilib, KP-1 sulfokationit adsorbentni olishning eng samarali usuli 100°C reaksiya haroratda 4 soat vaqt davomida olib borish eng optimal variant deb topildi.

3-rasmdan ko'rinib turibdiki, reaksiyada vaqtning oshishi va sulfat kislotasi konsentratsiyasining oshishi bilan PVX modifikatsiyalanib polikompleks hosil bo'lish darajasi ortadi, natijada PVX ning SAS qiymati ortadi. Bundan tashqari, haroratning oshishi sulfat kislotasi bilan modifikatsiya reaksiyasining borishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi, ya'ni reaksiyada harorat 70 dan 100 °C gacha ko'tarilishi bilan polikomplekslarning SAS ortadi,

КР-1 sulfokation almashtirgichning rentgen fazali tahlili natijalaridan ko'rinib turibdiki, Dastlabki PVX va sintezlangan sulfokationit КР-1 ning supramolekulyar tuzilishini rentgen strukturaviy tahlil qilish orqali qiyosiy o'rganish quyidagilarni aniqladi: PVX ning rentgen nurlari diffraksiya naqshida $20^{\circ}\text{C} = 21,8^{\circ}$ va $26,1^{\circ}$ kichik burchaklardagi ikkita piklar mavjud. Ularning intensivligi ahamiyatsiz va amorf polimerlarga xosdir.



4-rasm. PVX va sulfokationit КР-1 ning rentgen nurlanishining diffraksiyasi.

Dastlabki PVXdan farqli o'laroq, sintez qilingan sulfokation almashtirgich qo'shimcha ravishda $20^{\circ}\text{C} = 39,7^{\circ}$, $45,2^{\circ}$, $62,5^{\circ}$ va $74,1^{\circ}$ da turli intensivlikdagi cho'qqilarni o'z ichiga oladi, bu reaksiyaning makromolekulyar zanjirida kristalli hududlarning davom etishini isbotlaydi. Bizning fikrimizcha, supramolekulyar tuzilmaning o'zgarishi (amorf holatdan kristall holatga o'tish) molekula tarkibida joylashgan $-\text{CH}_2-$ va $\text{O}_3\text{S-P}$ funktsional guruhlari o'rtasida molekular ichidagi va intermolekulyar vodorod aloqalarining shakllanishi bilan bog'liq.

Xulosa qilib aytganda, turli omillarning sulfokationning bo'kishi va mustahkamlik xususiyatlariga ta'siri o'rganildi. Olingan sulfokationitning fizik-kimyoviy va mexanik xususiyatlari o'rganilgan. Metall ionlariga nisbatan sorbsiya xususiyatlari aniqlangan. Termodinamik tadqiqotlar natijalari shuni ko'rsatadiki, sulfolangan polivinilxlorid kationitda Ca^{2+} va Mg^{2+} ionlarining sorbsiyasi o'z-o'zidan va endotermik; Ca^{2+} va Mg^{2+} ionlari uchun katta quvvatga ega; sulfonatlangan polivinilxlorid kation almashtirgichda Ca^{2+} va Mg^{2+} ionlarini sorbsiyalash jarayonida fizikaviy sorbsiyaga nisbatan xemosorbsiya jarayoni ustunlik qilishi aniqlandi.

Adabiyotlar

- [1]. Pat. 1707023 Rossiyskaya Federatsiya, MPK C02F1/52. Sposob prigotovleniya ionitnogo formovannogo katalizatora //Smirnov V.A., Titova L.F., Bajonov Yu.V., Kazakov V.P.; patentoobladatel' Otkrytoe aktsionernoe obshchestvo Nauchno-issledovatel'skiy institut «Yarsintez». - №2000127621/04; zayavl. 02.11.2000; opubl. 10.04.2003.
- [2]. Yusurov F.M., Nuriddinova D.Z. \ Cleanino water from oil rroducts by carbon mineral sorbent \ "The of Science" International scientific journal Volgograd 2018
- [3]. A. Arencibia, J. Aguado, J.M. Arsuaga. Regeneration of thiol-functionalized mesostructured silica adsorbents of mercury // Arrl. Surface Science. 2010. Vol. 256. №17. R. 5453-5457.
- [4]. Texnologii membrannogo razdeleniya v promyshlennoy vodopodgotovke / A. A. Pantelev [i dr.]. - M.: DeLi plus, 2012. - 425 s.
- [5]. Nuriddinova D.Z., Mamanazarov M.M., Yusupov F.M., Yodgorov N., Shamsiev Sh.J., Yaxshieva Yu.R., Yodgorov N.N., Yusupov Sh.F. Metody neytralizatsii seriy, pererabotka serovodoroda i sernistyx soedineniy. // Izdatel'stvo «Navruz», 2021 g. – 319 s.
- [6]. Tolibova U.O. Issledovaniya ximicheskogo sostava podzemnyx vod Kulyabskogo regiona i izyskanie vozmozhnosti primeneniya bentonitovyx glin dlya ix umyagcheniya / U.O. Tolibova, A.S. Radjabova, K.F. Emomov, F.I. Shaymuradov // Doklady Akademii nauk respublikii Tadjikistan. - 2011. - t.54,№1.-S. 49-52.
- [7]. Lovyigina D.O. Podgotovka vody dlya pivovareniya s pomosh'yu modifitsirovannyx drevesnyx ugley / D.O. Lovyigina, K.Yu. Makarova, N.A. Drozdova, T.N. Panova, Yu.L. Yur'ev // Materialy 7-go mejd. nauch. texn. konf. «Sotsial'no-ekonomicheskie problemy lesnogo kompleksa v ramkax kontseptsii 2020». - Yekaterinburg: izd-vo UGLTU, 2009. - S. 17-19.

МОДИФИКАЦИЯ ЛАНГАН ТЕХНИК ОЛТИНГУГУРТ АСОСИДА
ОЛТИНГУГУРТЛИ АСФАЛТ-БЕТОН ТАЙЁРЛАШ

Б.Ш. Хурсандов, Ф.М. Юсупов, А.А. Кўчаров, Г.А. Байматова

⁴Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институти,E-mail: xursandovbobomurod92@mail.ru

(Қабул қилинди 4.01.2023 й.)

In this work, the optimal conditions for the structure and properties of polymer sulfur obtained on the basis of local sulfur raw materials were studied. A composition based on propanetriol with sulfur was obtained. The derivatographic method was used to determine the optimal conditions of polymer sulfur. The synthesized copolymer was compared with the commercial product OT20. Various exothermic and endothermic heat effects observed with mass change as a result of the destruction of the structure of the compounds during the heating of the copolymer were analyzed based on the results of derivatographic analysis based on the data obtained in the experiment on the study of thermal stability. Physical and mechanical properties of asphalt concrete mixture and cores with sulfur bitumen (30:70 mass ratio) were determined in the AYITI UK road laboratory of the Ministry of Transport of the Republic of Uzbekistan. The polymer binder obtained on the basis of research is widely used in the field of sulfur bitumen and concrete, and is the main product in the production of tires in the rubber engineering industry.

Key words: Sulfur of Mubarak Gas Refinery, BND 60/90 brand bitumen of Jarkurgan Oil Refinery, polymer sulfur, HDOT20 polymer sulfur, acrolein, copolymer, modifier, thermal stability, enthalpy, ash level.

В данной работе изучены оптимальные условия строения и свойств полимерной серы, полученной на основе местного серного сырья, получена композиция на основе пропантриола с серой. Дериватографический метод использовали для определения оптимальных условий получения полимерной серы. Синтезированный сополимер сравнивали с коммерческим продуктом OT20. Различные экзотермические и эндотермические тепловые эффекты, наблюдаемые при изменении массы в результате разрушения структуры соединений при нагревании сополимера, проанализированы по результатам дериватографического анализа на основе данных, полученных в эксперименте по изучению тепловых стабильность. Физико-механические свойства асфальтобетонной смеси и сердечников с сернистым битумом (массовое соотношение 30:70) определяли в дорожной лаборатории АУИТИ УК Министерства транспорта Республики Узбекистан. Полученное на основе исследований полимерное вяжущее широко применяется в области серобитумов и бетонов, является основным продуктом при производстве шин в резинотехнической промышленности.

Ключевые слова: Сера Мубаракского ГПЗ, битум марки БНД 60/90 Джаркурганского НПЗ, полимерная сера, полимерная сера HDOT20, акролеин, сополимер, модификатор, термостойкость, энтальпия, зольность.

Мазкур ишда маҳаллий олтингугурт хомашёси асосида олинган полимер олтингугуртнинг оптимал шароитларини тузилиши ва хоссалари тадқиқ қилинган. Олтингугурт билан пропантриол асосида композиция олинган. Полимер олтингугуртнинг оптимал шароитларини аниқлашда ИК спектроскопия ва деривотографик методлардан фойдаланилган. Синтез қилинган сополимер билан OT20 тижорат маҳсулоти солиштирилди. Термик турғунлигини ўрганиши бўйича тажрибада олинган маълумотлар асосида сополимерни қиздириши жараёнида бирикмалар тузилишининг деструкцияси натижасида масса ўзгариши билан кузатиладиган турли экзотермик ва эндотермик иссиқлик эффектлари деривотографик анализ натижалари асосида таҳлил қилинди. Олтингугурт битумли (30:70 масса нисбатда) асфальтабетон қоришмаси ва кернларини физик-механик хоссалари (МН)-ГОСТ 9128-2013, МН-ГОСТ 12801-98 талабларига тўғри келиши Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги АУИТИ УК йўл лабораториясида аниқланди. Тадқиқот асосида олинган полимер боғловчиси олтингугуртли битум ва бетон соҳасида кэнг қўлланилади ҳамда резинатехника саноатида шина ишлаб чиқаришда асосий маҳсулот ҳисобланади.

Калит сўзлар: Муборак газни қайта ишлаш заводининг техник олтингугурти, Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводининг БНД 60/90 маркали битуми, полимер олтингугурт, HDOT20 маркали полимер олтингугурт, акролеин, сополимер, модификатор, термик барқарорлик, энталпия, куллилик даражаси.

Кириш. Олтингугуртли асфалтабетон - олтингугуртли асфалтабетон аралашмасини колиплаш ва сиқиш натижасида олинган қурилиш материали ҳисобланади. Олтингугуртни асфалт аралашмасига киритишнинг икки йўли мавжуд: а) аввал олтингугурт ва битумни маълум ҳароратда аралаштириб олтингугуртли битум боғловчисини тайёрлаб асфалт билан аралаштириш орқали б) Олтингугуртли асфалтабетон аралашмасини тайёрлаш жараёнида асфалтга тўғридан тўғри олтингугурт қўшиш орқали тайёрлаш [1,2,3].

Боғловчи тайёрлашнинг иккала усули ҳам олтингугуртни битумда 5-20 микрон ўлчамдаги заррачаларга бир хилда тарқатиш ва юқори сифат кўрсаткичларига ега бўлган боғловчи олиш имконини беради. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, олтингугуртли битум боғловчиси асосидаги минерал аралашмалар битумли боғловчига асосланган минерал аралашмаларга қараганда яхшироқ мустаҳкамлик хусусиятларини берганлиги билан ажралиб туради [4,5].


Асфалтабетон тайёрлашда модификатори сифатида олтингугуртдан фойдаланишни қуйидаги муҳим сабаблари мавжуд: 1) маҳсулот сифатини бузмасдан асфалт тайёрлашда қўлланиладиган битумни миқдорини камайтириш 2) арзон хомашё 3) олтингугурт қўшилиши ҳисобига йўл қоламаларининг нархи камайтириш; 4) динамик юкламаларга нисбатан чидамлик ошиши; 5) турли органик эритувчиларга нисбатан барқарорлик ошиши; 6) босимга чидамликнинг ортиши, натижада йўл қоламаларининг қалинлигини камайтириш имконияти; 7) адгезион хусусиятлар яхшиланиши; - олтингугуртли битумларнинг реологик хоссалари яхшиланиши натижасида йўл қоламаси аралашмаларини тайёрлашда нисбатан паст ҳароратлардан фойдаланиш мумкинлиги кабилар [6,7].

Шунингдек, олтингугуртли битумларнинг айрим камчиликлари ҳам мавжуд ҳисобданиб буларга асфалтобетон аралашмаларини тайёрлаш технологияларига ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи, технологик қурилмаларнинг коррозияга учраши ҳамда захарли газлар (водород сульфид ва олтингугурт оксидлари) ҳосил бўлиши, уни олдини олиш мақсадида асфалтобетон аралашмаларни тайёрлашда ҳароратга чегаралар қўйилиши ва технологик жараён доимий назорат талаб қилиши кабилар киради [8].

Материаллар ва методлар. Тадқиқот учун материаллар сифатида Муборак газни қайта ишлаш заводининг техник олтингугурти ва модификатор сифатида пропантриол танланди. Термоаналитик тадқиқотлар DTG-60 SIMULTANEOUS DTA-TG APPARATUS SHIMADZU асбобида (Япония), фарфор тигелда ўтказилди. Барча ўлчовлар аргон оқими тезлиги 80 мл/мин. бўлган аргон атмосферасида ўтказилди. Ўлчовларнинг ҳарорат оралиғи 25-9000 °С, иситиш тезлиги 10 °С /мин.


Олинган полимер олтингугуртнинг эримаган олтингугурт миқдори (умумий олтингугурт), олтингугуртнинг умумий ҳажми бўйича эриш миқдори, иссиқликка бардошлилиги ISO 8332 бўйича, кислоталилиги H₂SO₄ ASTM D4569 бўйича, куллилик даражаси ASTM D4574 бўйича аниқланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Техник олтингугурт 71 айл/мин тезликда айлантириб турган ҳолда 125-130°С да қиздирилади. Қиздириш давомида олтингугурт массасининг 1-3 % миқдорида модификатор қўшилади ва 1 соат давомида аралаштирилади. Ҳарорат 155 -160 °С °Скўтарилганда глицерин молекулалари дегидратланиши натижасида акролеин мономерлари ҳосил бўлади. Аралаштириш тезлиги ва ҳароратни ўзгартирилмаган ҳолатда 2-4 соат аралаштирилади. Шундан сўнг суюқ олтингугурт сополимери оддий шаоитда 5-25 °С гача совутилади ва қаттиқ ҳолатга ўтказилади. Қаттиқ полимер олтингугурт керакли ўлчамгача майдаланади. Акролеиннинг олтингугурт билан сополимерланиш реакцияси 1-расмда келтирилган.




1-расм. Полимер олтингугуртни синтез қилиш схемаси.

2-расмда олтингугурт намунасининг дериватограммаси келтирилган бўлиб, у 2 та эгри чизикдан иборат. Термогравиметрик анализ эгри чизиги (ТГА)-кўк рангли эгри чизик) 3 та интенсив парчаланадиган температура оралиғида таҳлил қилинган. 1-парчаланиш оралиғи 21.46-161.87 °С температураларга, 2-парчаланиш оралиғи 161.87-321.62 °С температураларга, 3-парчаланиш оралиғи еса 321.62 -550.38 °С температураларга мос келади. Кўриниб турибдики 2- парчаланиш оралиғида энг интенсив парчаланиш жараёни содир бўлган. Яъни модданинг бошланғич массаси 100 % га камайган.



2-расм. Олтингугурт намунасининг дериватограммаси.


ДТА-(қизил чизик) эгри чизигида 2 та эндотермик эффектларни кўришимиз мумкин. 1-чи эндотермик эффект ТГА эгри чизигининг 2- парчаланиш оралиғига тўғри келади. 1-чи эндотермик эффектнинг бошланиши 105,4 °С га, тугаши 119,66 °С га, пик нуқтаси еса 111,09 °С га тўғри келади. 1-чи эндотермик эффектда 3,33 µV (112,72 Ж ёки 26,93 сал) энергия ютилган. 2-чи эндотермик эффект ТГА эгри чизигининг 3-парчаланиш оралиғига тўғри келади. 2-чи эндотермик эффектнинг бошланиши 163,48 °С га, тугаши 189,32 °С га, пик нуқтаси еса 171,14 °С га тўғри келади. 2-чи эндотермик эффектда 1,33 µV (71,33 мЖ ёки 17,04 мсал) энергия ютилган.



3-расм.Олтингугуртнинг модификацияланган намунаси дериватограммаси.

3-расмда олинган сополимернинг дериватограммаси келтирилган бўлиб, у 2 та эгри чизиқдан иборат. Термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ТГА)-кўк рангли эгри чизиқ) 3 та интенсив парчаланадиган температура оралиғида таҳлил қилинган. 1-парчаланиш оралиғи 27.77-140.06 °С температураларга, 2-парчаланиш оралиғи 140.06-358.12 °С температураларга, 3-парчаланиш оралиғи еса 358.12 -670.35 °С температураларга мос келади. Кўришиб турибдики 2-парчаланиш оралиғида энг интенсив парчаланиш жараёни содир бўлган. Яъни модданинг бошланғич массаси 91,76 % га камайган.

ДТА-(қизил чизиқ) эгри чизиғида 2 та эндотермик эффектларни кўришимиз мумкин. 1-чи эндотермик эффект ТГА эгри чизиғининг 2- парчаланиш оралиғига тўғри келади. 1-чи эндотермик эффектнинг бошланиши 96,3 °С га, тугаши 133,19 °С га, пик нуқтаси еса 106,35 °С га тўғри келади. 1-чи эндотермик эффектда 4,57 µВ (290,74 Ж ёки 69,46 сал) энергия ютилган. 2-чи эндотермик эффект ТГА эгри чизиғининг 3-парчаланиш оралиғига тўғри келади. 2-чи эндотермик эффектнинг бошланиши 206,4 °С га, тугаши 354,43 °С га, пик нуқтаси еса 292,71 °С га тўғри келади. 2-чи эндотермик эффектда 10,33 µВ (4,53 мЖ ёки 1,08 мсал) энергия ютилган.



4-расм полимер олтингугуртнинг HD OT₂O маркали импорт аналоги.

4-расмда олинган сополимернинг дериватограммаси келтирилган бўлиб, у 2 та эгри чизикдан иборат. Термогравиметрик анализ эгри чизиги (ТГА)-кўк рангли эгри чизик) 3 та интенсив парчаланадиган температура оралиғида тахлил қилинган. 1-парчаланиш оралиғи 21.69-142.48 °С температураларга, 2-парчаланиш оралиғи 142.48-303.46 °С температураларга, 3-парчаланиш оралиғи еса 303.46 -476.54 °С температураларга мос келади. Кўриниб турибдики 2-парчаланиш оралиғида энг интенсив парчаланиш жараёни содир бўлган. Яъни модданинг бошланғич массаси 77,92 % га камайган.

ДТА-(қизил чизик) эгри чизигида 2 та эндотермик эффектларни кўришимиз мумкин. 1-чи эндотермик эффект ТГА эгри чизигининг 2- парчаланиш оралиғига тўғри келади. 1-чи эндотермик эффектнинг бошланиши 112,94 °С га, тугаши 141,48 °С га, пик нуктаси еса 126,33 °С га тўғри келади. 1-чи эндотермик эффектда 3,76 $\mu\text{В}$ (228,32 Ж ёки 54,54 сал) энергия ютилган. 2-чи эндотермик эффект ТГА эгри чизигининг 3-парчаланиш оралиғига тўғри келади. 2-чи эндотермик эффектнинг бошланиши 327,82 °С га, тугаши 363,43 °С га, пик нуктаси еса 354,01 °С га тўғри келади. 2-чи эндотермик эффектда 2,5 $\mu\text{В}$ (142,8 мЖ ёки 34,12 мсал) энергия ютилган.

1-жадвал

Олтингугурт намуналарининг суюқланиш энталпияси

Намуна	Олтингугурт ва унинг модификацияланган намуналари		
	100% Олтингугурт	Олтингугурт полимери	Импорт аналоги (HD OT ₂ O)
Таркиб			
Суюқланиш энталпияси, ΔH кДж/мол	-112,72	-290,74	-228,32
T_n кристалл структура бузилишини энг юқори тезликдаги амалга ошган ҳарорат	111,09	106,35	126,33

ДСК эгри чизигининг қиздириш жараёнининг дастлабки босқичларидаги суюқланиш энталпияси қийматини ҳарактерловчи эгри чизикдан уринма ўтказган ҳолда унинг юзасини топиш орқали суюқланиш энталпияси қиймати аниқланди ва эгри чизикнинг энг қуйи қийматидаги ҳароратдан юқори тезликда кристалл структура бузилиши содир бўлган ҳарорат қийматлари аниқланди. Суюқланиш энтальпияси қиймати намунанинг кристалл структураси бузилиши жараёнида йўқотилган энергия қийматига асосланганлиги сабабли мазкур қиймат кристалланиш даражасига тексари пропорционалдир. Суюқланиш энталпияси ва энг юқори тезликда кристалл структура бузилиши T_n содир бўлган ҳарорат қийматлари аниқланди.

2-жадвал

Синтез қилинган полимер олтингугурт ва HDOT20 полимер олтингугуртнинг физик-механик хусусиятлари

Синов кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Текшириш усули	Кўрсаткичлар номи		ISO 8332, ISO 8332, ASTM D4569, ISO 8332 кўрсаткичларига мослиги
			HDOT20	Амалда	
Эрмайдиган олтингугурт	%	ISO 8332	≥ 92.0	60,3	Мос келмади
Олтингугуртнинг умумий ҳажми	%	ISO 8332	78.50~81.50	52	Мос келмади
Кислотага чидамлик H_2SO_4	%	ASTM D4569	≤ 0.05	0,024	Мос келди
Иссиққа чидамлик 110°C	%	ISO 8332	≥ 72.00	83	Мос келди
Куллик даражаси	%	ASTM D4574	≤ 0.30	0,10	Мос келди

ХИМИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ И ЭКОЛОГИЯ

Таркибида 30% полимер олтингугурт сақлаган битум асосида тайёрланган асфалтабетон қоришмаси ва кернларини физик механик хоссалари (МН)-ГОСТ 9128-2013, МН-ГОСТ 12801-98 талабларига тўғри келиши аниқланди. (3-жадвал)

3-жадвал

Қайноқ йирик донали ғовак олтингугуртли асфальтабетон қоришмасининг сув шимувчанлиги, ўртача зичлиги, донадорлик таркиби ва ғилдиракнинг ботиш чуқурлиги

Кўрсаткичлар номи		Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар номи		Кўрсаткичларнинг МН-ГОСТ 9128-2013 бўйича мослиги
			МН-ГОСТ 9128-2013 bo'yicha	Amalda	
Донадорлик таркиби, мм	40	%	90-100	100	Мос келади
	20		75-100	86,5	Мос келади
	15		64-100	71,9	Мос келади
	10		52-88	61,3	Мос келади
	5		40-60	44	Мос келади
	2,5		28-60	29,4	Мос келади
	1,25		16-60	20,7	Мос келади
	0,64		10-60	10,1	Мос келади
	0,315		8-37	8	Мос келади
	0,15		5-20	5,7	Мос келади
0,070	2-8	4,0	Мос келади		
Битум микдори		%	-	5,94	-
Сув шимувчанлиги		%	4-10	5,6	Мос келади
Ўртача зичлиги			-	2,32	-
Ғилдиракнинг ботиш чуқурлиги		мм	-	20000 pp/3,17	-

Қурилиш синов объектдан олиб келинган керн намуналарини синов натижалари куйидаги жадвалларда келтирилган (4-5-жадваллар)

4-жадвал

Сув шимувчанлик кўрсаткичи

Синов манзили	Ўлчов бирлиги	Сув шимувчанлик қийматлари		Кўрсаткичнинг (МН)-ГОСТ 12801-98 га мослиги
		Мавжуд	МН-ГОСТ 12801-98 бўйича	
1- нуқта	%	8,0	4,0-10	Мос келади
		8,0		
		7,1		
2- нуқта		8,4	4,0-10	Мос келади

Қурилиш синов объектдан олиб келинган керн намуналарини сув шимувчанлик бўйича лаборатория таҳлил натижалари (МН)-ГОСТ 12801-98 талабига мос келиши аниқланди.

5-жадвал

Зичланганлик коэффиценти, K_d

Синов манзили	Ўртача зичлик қийматлари, г/см ³		Зичланганлик коэффиценти қийматлари		Кўрсаткичнинг (МН)-ГОСТ 12801-98 га мослиги
	Намунанинг амалдаги зичлиги	Қайта тайёрланган намуна зичлиги	Мавжуд	(МН)-ГОСТ 12801-98 bo'yicha	
1- нуқта	2,22	2,32	0,96	Камида 0,98	Мос келмайди
	2,22	2,32	0,96		
	2,22	2,32	0,96		
2- нуқта	2,24	2,32	0,97	Камида 0,98	Мос келмайди

Қурилиш синов объектдан олиб келинган керн намуналарини зичланганлик коэффиценти бўйича лаборатория таҳлил натижалари (МН)-ГОСТ 12801-98 талабига мос

келмаганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда Россия федерацияси стандарти ГОСТ Р 58406.3-2020 да филдиракнинг ботиш чуқурлиги йўл асоси учун 8,0-9,0 мм дан ошмаслиги (асфальтабетон қоришмаси инерт материаллари йириклик ўлчамларига кўра); остки қатлам учун 5,0-6,0 мм дан ошмаслиги (асфальтабетон қоришмаси инерт материаллари йириклик ўлчамларига кўра)юқори қатлам учун 7,0-4,0 мм дан ошмаслиги (асфальтабетон қоришмаси инерт материаллари йириклик ўлчамларига кўра). Олтингургуртли асфальтабетон қоришмаси филдиракнинг ботиш чуқурлиги кўрсаткичи оддий битумли асфальтабетон қоришмасига нисбатан синов натижасида анча яхши кўрсаткич қайд этди.

Адабиётлар

- [1]. Использование серы в дорожном строительстве стран Европы и Северной Америки [Электронный ресурс]. URL: <http://www.nestor.minsk.by/sn/1998/42/sn84218.htm> (дата обращения: 16.03.2015).
- [2]. Каганович, Е.В. К вопросу использования серы при строительстве и ремонте автомобильных дорог в Республике Казахстан / Е.В. Каганович, В.С. Курчавов // Вестник КаздорНИИ. – Алматы, – 2004. – №1. – С. 53-55.
- [3]. Горбик, Г.О. Структура и свойства модифицированного серобитумного вяжущего для дорожного строительства: дис. ... канд. техн. наук: 05.23.05 / Горбик Григорий Олегович. – Пенза, 2006. – 177.
- [4]. Сероасфальтобетон против резких перепадов температур [Электронный ресурс]. URL: <http://rosavtodor.ru/activity/news-from-regions/14062.html> (дата обращения: 16.03.2015).
- [5]. Плотникова, И.А. Возможность экономии битума за счет добавок серы / И.А. Плотникова, Е.М. Гурарий, И.В. Степанян // Автомобильные дороги. – 2002. – №9. – С. 15-16.
- [6]. Плотникова, И.А. Советско-чехословацкое научное сотрудничество по проблеме использования серы в асфальтобетоне / И.А. Плотникова и др. // Автомобильные дороги. – 1995. – №6. – С. 13-15.
Худди шундай ёриқларнинг мавжуд бўлиши кўрсатилишича, материалнинг мустаҳкамлигини камайишига олиб келади, натижада, унинг майдаланиши учун кам куч талаб этади.

Мустаҳкамликни адсорбцион эффектидан фойдаланган ҳолда қаттиқ жисмларни майдаланишини етарли даражада активлаштириш мумкин. Бу эффект биринчи бор П.А.Рибиндер томонидан ўрнатилган бўлиб, амалда кенг қўлланилиш соҳасига эга.

Барча қаттиқ жисмлар ташқи ва ички нуқсонларга эга. Таранг ва пластик деформацияни юзага келтирадиган жисмнинг юкланишида мавжуд бўлган нуқсонлар ривожланади ва янгилари ҳосил бўлади. Ушбу нуқсонларни қандай ҳолат билан ҳам ривожланиши жисмларни майдаланиш енгиллаштиради. Мустаҳкамликни адсорбцион пасайиши кичик кучланганликларда турли хил нуқсонларни ривожланиши билан ҳисобга олинади. Материалнинг сиртида майда ёриқларни схематикасини понасимон тирқиш сифатида кўриб чиқиш мумкин. Тирқиш оғзининг иккала томони α сирт энергиясининг барча сирт хусусиятларига эга бўлади. Микро тирқиш чуқурлигига эркин сиртни йўқолиш ўлчамига кўра, α дан 0 га қадар ёриқнинг охирида сирт энергияси йўқолиб боради [1].

Микро ёриқларни мавжуд бўлиши ташқи муҳитни материал сиртининг қатламига кириб боришини таъминлайди. Агар ташқи муҳит суюқлик бўлса, етарли даражада ортикча миқдордаги эркин энергияга эга бўлган ёриқларда юпка қатламни ҳосил қилади, бунда қатлам қалинлиги камайиши ҳисобига эркин энергия ортади. Эркин энергияни камайтириш учун суюқлик қатлами микро ёриқларда қалинлашишга ҳаракат қилади ҳамда ёриқлар деворларида уриб чиқадиган босим таъсирини кўрсатади. Ушбу босим ёриқнинг охирида максимал бўлади, бунда у суюқликка кириб бориши мумкин бўлади. Суюқликнинг уриб чиқадиган босими муҳим ва у берилган жисмнинг суюқлик сиртини ивитувчанлик энергияси билан аниқланади. Капилляр босим P_k шимиш кучи билан қуйидагича характерланади:

$$P_k = 2\alpha_{жс} \cos\theta/r$$

бу ерда: θ -кирравий ивитиш бурчаги; r -тирқишнинг эни.

Кинетика билан биргаликда шимиш η суюқлик қовушқоқлигига боғлиқ бўлади:

$$dl/dt = [r^2 \rho / (8\eta)] [P_k / (\rho l) - g \sin \varphi]$$

бу ерда: l -капиллярдаги суюқликнинг устун узунлиги; t -шимиш вақти; ρ -суюқликнинг зичлиги; φ -горизонтга капиллярнинг эгилиш бурчаги.

Бундан эффектни кучайтириш учун уриб чиқадиган таъсирни ушлаб туриш лозим, тор микро ёриқларга суюқликнинг сўрилиши етарли даражада тўлиқ бўлиши унинг самарали таъсирини оширади.

Берилган суюкликнинг таъсирида қаттиқ жисмнинг бузилишига ташқи фаол моддаларни киритиш билан интенсификациялаш мумкин бўлади. Ташқи фаол модда суюклик билан жисмнинг ивитувчанлик энергиясини орттиради. Ташқи фаол модда молекулалари қаттиқ жисм сиртида адсорбланиш бўйича кўчирилади, микро ёриқларга кириб боради ва унинг деворларини бир текис адсорбцияли қатлам билан қопланади. Ташқи фаол модданинг кириб бориш чуқурлиги адсорбцияли молекулалар ўлчами билан чегараланади. Ёриқларда сўрилган адсорбцияли қатламни ҳаракатланиш кучи қуйидагича аниқланади:

$$P_{\alpha} = \alpha_0 - \alpha_r$$

бу ерда: α_0 – қаттиқ жисмнинг ташқи энергияси; α_r –ташқи фаол моддалар молекулалари билан қопланган қаттиқ жисм

Адсорбцион таъсирлар специфик ва жинсларнинг минерал таркибига боғлиқ бўлади. Ҳар бир минерал учун юқори самарали ташқи фаол моддалар мавжуд бўлиб, тор тебранишли оптимал концентрациялар мустақкамликни пасайтиради. Масалан, кварц учун $AlCl_3$, $NaCl$, $MgCl_2$ самарали ва нафтен совуни; карбонатли жинслар учун (охақтош, доломитлар) – ишқорли электролитлар; лойли жинслар учун – хлорли натрий.

Майдалаш жараёнида суюклик диссоциацияланади, диссоциацияланган маҳсулотлар эса уларни ҳосил бўлиш пайтида анча фаол бўлади ҳамда майдаланган материалнинг сирти билан мустақкам бирикмаларни ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики шу пайтгача майдалаш жараёнларини ҳисоблаб берадиган, барча материаллар учун бир хил ишлайдиган қонун яратилган эмас экан.

Майдаланаётган материалнинг шакли ва тузилиши, уларнинг хусусиятига, мустақкамлигига катта таъсир кўрсатар экан. Материалнинг тузилиши деганда, газли, шишасимон (аморф) ва кристал фазаларни тақсимланиши ва ўзаро бирикуви ҳамда ҳажми материалда жойлашувини аниқлайди ва унинг майдаланишда ўз таъсирларини кўрсатар экан.

Замонавий қарашларга кўра, майдаланиш механизмининг икки тури мавжуд экан. Биринчи босқичда ёриқлар термофлуктуация билан таъминланади, иккинчи босқичда эса қаттиқ жисмнинг таранглик хусусиятлари ёриқларни ўсиши билан аниқланади ва унда энергия захираси сақланар экан.

Адабиётлар

- [1]. Филин, В. Я. Обзорная информация «Современное оборудование для тонкого и сверхтонкого измельчения» / В. Я. Филин. М. В. Акимов.- М.:
- [2]. Хардер, Й. Развитие одноэтапных процессов измельчения в це ментной промышленности / Й. Хардер // Цемент. Известь. Гипс 2006. - № 1. - С. 24-38.
- [3]. Шарапов, Р. Р. Влияние на качественные характеристики готово го продукта параметров помольной системы / Р. Р. Шарапов, Д. М. Анненко, А. А. Уваров, А. А. Брусов // Машины и аппараты для производства строительных материалов : межвуз. сб. ст. /Белгор. гос. технол. ун-т. - Белгород, 2008. - С. 127-129.
- [4]. Шарапов, Р. Р. Математическое описание дисперсных характери стик сепарированных цементов / Р. Р. Шарапов, В. Г. Шаптала // Научные исследования, наносистемы и ресурсосберег. технологии в стройиндустрии : междун. науч.-практ. конф. БГТУ им. В. Г. Шухова, Белгород, 2007 г. / Белгор. гос. технол. ун-т. - Белгород, 2007.-4.7.-С. 217-220.

MAHSULOT ISHLAB CHIQRISHDA PUTUR YETKAZMASDAN SINASH

A.R. Yuldashev, A.A. Mamajonov

*Andijon Mashinasozlik instituti
(Qabul qilindi 10.10.2022 y.)*

Ushbu maqolada avtomobil disklarini ishlab chiqarishdagi sifatini nazorat qilishda putur yetkazmasdan ultratovush o'lchash vositasii yordamida nazorat qilish usullarini qo'llash taklif qilingan.

Калим сўзлар: *Avtomobil, namuna, mikrometr, disk ,sinash, sifat, putur yetkazmasdan, ultratovushli tolshinomer, shtamp.*

В данной статье предлагается использовать методы контроля с помощью ультразвукового измерительного инструмента без нарушения контроля качества при производстве автомобильных дисков.

Ключевые слова: Автомобиль, образец, микрометр, диск, проба, качество, неразрушающий контроль, ультразвуковой толщиномер, штамп.

In this article, it is proposed to use methods of control using ultrasonic measurement tool in quality control in the production of automobile discs.

Keywords: Car, sample, micrometer, disk, sample, quality, non-destructive testing, ultrasonic thickness gauge, stamp.

Andijon shahrida joylashgan Ma'suliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi «O`ZAUTO-AUSTEM» Qo'shma Korxonasi, Janubiy Koreyaning «AUSTEM Co.LTD» korxonasi va «O`ZAVTOSANOAT» aksiyadorlik kompaniyasi o'rtasida imzolangan kelishuvdan so'ng 2011 yil fevral oyida tashkil etilgan va 2012 yil 20 sentyabr kundan rasman o'z faoliyatini boshladi.

Qo'shma korxonada «GM-UZBEKISTAN» AJ tomonidan ishlab chiqarilayotgan Lacetti, Cobalt va Spark rusumli zamonaviy avtomobillarini shassi qismlari va disklari bilan ta'minlab berish uchun tashkil etilgan. Ushbu tashabbus orqali avtomobil detallari import xajmini qisqartirish va bu bilan davlat valyuta zahirasini tejab qolish, shuningdek yangi ishchi o'rinlarini yaratish mo'ljallangan. Qo'shma korxonada asosan avtomobil shassi qismlari va disklari ishlab chiqariladi. Bundan tashqari Cobalt avtomashinasi uchun boshqaruv richaglari ishlab chiqarish ham yo'lga qo'yilgan.

2014 yildan boshlab qo'shma korxonada ISO/TS 16949:2009 hamda ISO 9001:2008 xalqaro standartiga muvofiqlik sifat tizimi yo'lga qo'yilgan. Ushbu tizimni boshqarishni yo'lga qo'yilganidan so'ng, korxonada ko'p tarmoqli sifat tekshirish tizimi, hom-ashyo sifatini, uni kirib kelishidan tortib to korxonada tomonidan ishlab chiqarilgan tayyor maxsulotgacha bo'lgan davrni nazoratini kuchaytirish imkoniyatini berdi. Bir avtomobil 20 mingdan ortiq butlovchi qismlardan yig'iladi va ularni har birini sifatni ta'minlash orqali butun avtomobilning yuqori sifatiga erishiladi. Ishlab chiqarishni metrologik ta'minlash, shuningdek sinov va o'lchov metodlaridan samarali foydalanish mahsulotlarni raqobatbardoshligi oshishiga olib keladi.

Hozirgi kunda «O`ZAUTO-AUSTEM» qo'shma korxonasida tomonidan Lacetti, Cobalt va Spark rusumli zamonaviy avtomobillarini butlovchi qismlari shassi, boshqaruv richagi va g'ildirak disklarini import va eksportga sifatli, qisqa vaqtda va zarur miqdorda yetkazib berishda xalqaro menejment tizimlari (GM-GMS, IATF 16949, ISO 9001, ISO 50001) va (SPS, MSA, FMEA APQP, PPAP) avtomobilsozlik sanoati qo'llanmalari talablarni butun yetkazish zanjiriga joriy etish va sertifikatlashtirish orqali erishilgan [1].

Korxonaning tayyor mahsulotlari 1-rasmda keldirilgan.



Korxonada mahsulotlarni sifatini nazorat qilishda yuqori aniqlikdagi uch **koordinatali** o'lchash mashinasi (3SMM), mikrometr, shtangenserkul kalibr shablonlar, unversal sinov mashinasi (UTM), tuzli tuman kamerasi va boshqa vositalaridan foydalaniladi. Bular yuqori aniqlikdagi sinov va o'lchovlar

vositalari bo'lib tayyor mahsulotlar putur yetkazish va yetkazmay o'tkaziladigan metodlar orqali nazoratdan o'tkaziladi.[2] Masalan tayyor mahsulotning shtamplash jarayonidagi bukilgan joylari qalinligi (2-rasmga qarang) kesib aniqlanadi va bu iqtisodiy zararga olib keladi:

Avtomobil diskalarning bukilgan joylari qalinligini nazoratdan o'tkazish (1-usul, bu usuldan hozirda korxonada foydalaniladi):

-ishlab chiqarish liniyasidan tayyor mahsulotlardan 3 ta namuna olinadi; [3]

-olingan namunlardan shtamplash jarayonida shakl berib bukilgan joyidan eni (30-40) mm o'lchamli qismi plazmali kesish uskunasi yordamida kesiladi;

-(30-40) mm li qilib olingan namunalari 30 daqiqa laboratoriya muhitida saqlanadi;

-(30-40) mm li qilib olingan namunalarning shtamplash jarayonida shakl berib bukilgan 9 ta nuqtalari mikrometr vositasi yordamida bukilish joylari qalinliklari o'lchanadi (o'lchash vositasi 1 mikrometrda olingan natija 1-jadvalga qarang) va me'yoriy hujjatlar talablariga muvofiqligi nazorat qilinadi. Bukilgan joylarini qalinligini aniqlanishi natijada har partiyadan bitta tayyor disk sarf bo'ladi va yaroqsizga ajratiladi (300 dona mahsulot 1 partiya hisoblanadi) [4].



1-rasm. Korxonaning tayyor mahsulotlari

Biz avtomobil diskalarning bukilgan joylari qalinlik nazoratdan o'tkazishni **ultratovushli tolshinamer yordamida diskka putur yetkazmasdan nazoratni amalga oshirishni ko'rib chiqaylik**. Avtomobil diskalarning bukilgan joylari qalinlik nazoratdan o'tkazish (2-usul, **ultratovushli tolshinamer**):

-ishlab chiqarish jarayonidan mahsulot partiyasidan 1ta diska namunasi o'lchash nazoratiga tanlab olinadi;

-diska namunasi 30 daqiqa laboratoriya muhitida saqlanadi;

-diskaning bukilgan joylari qalinligi **ultratovushli tolshinamer** yordamida o'lchandi (o'lchash vositasi 2 **ultratovushli tolshinamer**da olingan natija 1-jadvalga qarang) sifatiga hech qanday zarar yetkazilmaydi va diskka o'lchanganlik belgisi qo'yilib ishlab chiqarishga qaytariladi.



2-rasm. G'ildirak diskining kesib o'lchanadigan qismi.

Men bu jarayonlarni kuzatib putur yetkazmasdan nazorat usullarini qo'llashni taklif qilmoqchiman. Agar korxonada o'tkaziladigan nazoratlarni **ultratovushli tolshinamer** yordamida olib borsak korxonaga irtisodiy jixatdan foyda keltiramiz. Konveerga qo'yishda tayyorlangan diskni preslanganda uning 9-ta bukilish joyining geometrik o'lchamlari(yani qalinligini) me'yoriy

КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ

xujatlarga mosligi nazorati uchun diskni buzmasdan(putur yetkazmasdan) **ultratovushli tolshinamer** yordamida namunani 9-ta joyidan qalinliklarini o'lchasak natijada 1-ta avtomobil diskini yaroqsiz xolatga kelishini oldini olamiz. Xar haftada avtomobil diski yangi konveerga qo'yilganda kamida 1-ta disk yaroqsiz xolatga kelishini oldini olsak, bir yilda $52 \times 1 = 52$ dona disk yaroqsiz xolatga kelishini oldini olgan bo'lamiz. Endi avtomobil disklarning bukilgan joylari qalinlik nazoratini diskni kesib mikrometr yordamida o'lchash va diskni buzmasdan **ultratovushli tolshinamer** yordamida o'lchash natijalarini ko'rib chiqamiz.

1-jadval

Disk bukilgan joylarining qalinligi

Qalinligi	Pozitsiya	1	2	3	4	5
	Meyoriy ta'lab (kam bo'lmasligi kerak)	1,8mm	1,8mm	1,8mm	1,8mm	1,8mm
	Natija					
	Mikrometr (Mitutoyo 342-251-30) Aniqligi(0.001mm) O'lchash chegarasi 0÷25mm	2,014	2,025	2,063	1,916	1,927
	Ultratovushli tolshinamer NOVOTEST UT-1M-IP Aniqligi (0.01mm) O'lchash chegarasi 0÷100mm	2,03	2,04	2,08	1,93	1,94
	Farqi	0,016	0,015	0,017	0,014	0,013

Qalinligi	Pozitsiya	6	7	8	9	Umumiy o'rtacha farq(mm)
	Meyoriy ta'lab (kam bo'lmasligi kerak)	1,8mm	1,8mm	1,8mm	1,8mm	
	Natija					
	Mikrometr (Mitutoyo 342-251-30) Aniqligi(0.001mm) O'lchash chegarasi 0÷25mm	2,088	2,098	2,085	2,078	
	Ultratovushli tolshinamer NOVOTEST UT-1M-IP Aniqligi (0.01mm) O'lchash chegarasi 0÷100mm	2,10	2,11	2,10	2,09	
	Farqi	0,012	0,012	0,015	0,012	0,014

$$\Delta_{o'rtacha} = \frac{0,016 + 0,015 + 0,017 + 0,014 + 0,013 + 0,012 + 0,012 + 0,015 + 0,012}{9} = 0,014\text{mm}$$

Natijalarga asoslanadigan bo'lsak avtomobil disklarning bukilgan joylari qalinlik nazoratini **ultratovushli tolshinamer** yordamida o'lchanganda, diskni kesib olib mikrometrda o'lchangan natijalardan farqi o'rtacha 0,014mm ga farq qilyabdi. Avtomobil disklarning bukilgan joylari qalinlik nazoratini (talab bo'yicha 1,8mm kam bo'lmasligi kerak bo'lganligi uchun) **ultratovushli tolshinamer** yordamida o'lchash mumkin degan xulosaga keldik. Avtomobil disklarning bukilgan joylari qalinlik nazoratini **ultratovushli tolshinamer** yordamida o'lchab me'riy hujjatlarga talablarga muvofiqligi solishtirilsa, laboratoriya xodimlari 20-30 minut davomida

ortiqcha elektr energiyasini sarflab avtomobil diskini kesishmaydi. SHu bilan birgalikda 1-ta avtomobil diskki buzilmay iqtisodiy jixatdan foyda bo'ladi. Yangi konveerga qo'yilgan shtamp sozlamasi laboratoriya natijalarini uzoq kutmaydi va natijada ishlab chiqarish samaradorligi oshadi.

Xulosa. 1-jadvaldan ko'rinib turibdiki, **ultratovushli tolshinamerda olingan qiymatlar** mikrometr yordamida olingan qiymatlarda $\pm 0,014$ mm ga farq qilmoqda, bu mikrometr olingan va qo'yilgan talabga sezilarni ta'sir etmaydi. Bu esa avtomobil disklarni bukilgan joylari qalinligini kesib aniqlashni **ultratovushli tolshinamer yordamidan aniqlash samarali ekanligi ko'rsatadi.** **Bu bilan sifat nazoratidagi har bir partiya mahsulotdagi bitta sifatli tayyor mahsulotni yaroqsizlikka aylanishi oldi olinadi.**

Adabiyotlar

- [1]. Каневский, И.Н. Неразрушающие методы контроля: учеб. Пособие. Изд-во ДВГТУ, 2007.-243с.
- [2]. К. П. Латышенко, А. А. Чуриков, С. В. Понамарев, А. Г. Дивин, Н. А. Коньшева Неразрушающий контроль. – 1. – ISBN 978-5-8265-1565-5.
- [3]. Сударикова Е. В. Неразрушающий контроль в производстве: учеб. пособие. Ч. 2.; ГУАП. — СПб., 2007. — 112 с.: ил. ISBN 5-8088-02326 (Ч. 2)
- [4]. Н.П.Алешин и другие. Ультразвуковой контроль: учеб. Пособие / под общ. Ред. В.В. Ключева. М.: Издательский дом "Спектр", 2011. -224с.

УДК. 631.317

РАБОЧИЙ ОРГАН ПОЧВООБРАБАТЫВАЮЩЕЙ ФРЕЗЫ

Ш.У. Ишмурадов, Р.Б. Абдумажидов

*Ташкентского государственного технического университета
имени Ислама Каримова, rustamjonabdumajidov007@gmail.com*

(Получена 4.01.2023 г.)

В мире ведущее место занимает разработка энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных почвообрабатывающих машин. «Если учесть, что в мировом масштабе для возделывания сельскохозяйственных культур в год обрабатывается более 1,6 млрд. гектаров площади», то важной задачей является разработка энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных почвообрабатывающих машин.

Ключевые слова: *вертикаль, фреза, нож, болтовые соединения, рабочий орган, активный, конструкция*

Dunyoda energiya tejaydigan va yuqori samarali tuproqni qayta ishlash mashinalarini ishlab chiqish yetakchi o'rinni egallaydi. Dunyo miqyosida qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirish uchun yiliga 1,6 milliard gektardan ortiq maydon qayta ishlanayotganini hisobga olsak, energiya-resurslarni tejaydigan va yuqori mahsuldor tuproqni qayta ishlash mashinalarini ishlab chiqish muhim vazifadir.

Kalit so'zlar: *vertikal; freza; pichoq; boltli birikma; ishchi organ; faol; konstruksiya*

The development of energy-resource-saving and high-performance tillage machines takes the leading place in the world. If we consider that more than 1.6 billion hectares of area are cultivated annually for crops in the world, the development of energy-resource-saving and high-performance tillage machines is an important task.

Key words: *vertical, cutter, knife, bolt connections, working body, active, design.*

Введение. В сельскохозяйственном производстве республики осуществляются комплексные меры по ресурсосбережению, снижению затрат труда и энергии, производству высокопроизводительных машин, применяемых при выращивании сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и их реализации, повышению эффективности использования имеющихся. Для реализации этих задач, в том числе за счет технической и технологической модернизации машин и установок, применяемых при подготовке почвы к посеву, увеличения ресурса рабочих органов до уровня ресурса рабочих органов, разрабатываемых на передовых предприятиях мира, одним из важных вопросов является

получение высоких урожаев и снижение их себестоимости.

Для улучшения конструкции и увеличения срока службы рабочих органов машин, применяемых при обработке почвы, В.П.Горячкин, Г.Н.Синеоков, Е.П.Огрызков, М.М.Хрущов, М.М.Севернев, М.М.Тененбаум, А.Ш.Рабинович, В.Н.Ткачев, А.И.Селиванов, В.И.Казарцев и другие, в нашей Республике Г.М.Рудаков, Р.И.Байметов, А.Х.Хаджиев, В.А.Сергиенко, М.Муродов, А.Тухтакузиев, С.Н.Шамшетов, М.В.Вахобов, К.К.Нуриев, М.Т.Мадазимов и другие ученые-исследователи внесли большой научный и практический вклад.

На основе проведенных ими исследований были созданы различные конструкции рабочих органов и усовершенствованы существующие, в результате чего значительно повысилась работоспособность и продолжительность жизни быстродействующих рабочих органов. Но большинство этих исследований не предназначались для орошаемых земель Средней Азии или ограничивались обоснованием оптимальных параметров конструкций. На сегодняшний день предприятия, выпускающие сельскохозяйственные машины в нашей республике, производят рабочие органы с научно обоснованными материалами и конструкциями, что еще больше усложняет эту проблему.

Фрезерный барабан на горизонтальной оси вращается вокруг горизонтально или вертикально расположенной оси. Он приводится в принудительное вращательное движение от вала отбора мощности (ВОМ) трактора. Изменяя скорость вращения фрезы по мере необходимости, достигается качественное измельчение грунта. Ею можно обрабатывать землю на глубину $a = 25$ см.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку ресурсосберегающих технологий подготовки полей для возделывания сельскохозяйственных культур и новых научно-технических основ технических средств их осуществления. В этом направлении, актуальным является проведение целенаправленных научных исследований по разработке почвообрабатывающих машин с рабочими органами, совершающими поступательное и вращательное движения для обеспечения ресурсосбережения в процессе взаимодействия их рабочих частей с почвой. В этом аспекте разработка почвенных фрез с Г-образными рабочими органами вертикального расположения, является востребованной [1].

С целью повышения надежности крепления восстанавливаемой части рабочего органа почвообрабатывающей фрезы и сокращение времени монтажно-демонтажных работ нами разработан новый рабочий орган почвообрабатывающей фрезы с расширенными возможностями для восстановления. Рабочий орган почвообрабатывающей фрезы представляет собой Г-образный нож, состоящий из опорной ступицы, выполненной воедино с клинком.

По результатам эксплуатации рабочие органы почвообрабатывающей фрезы быстро изнашиваются и требуется их замена на новые. Так например, для фрез марки MZ 28, MZ 28B, SZ 32 и SZ 32P средне-статистический износ лезвия составляет 15-17 см. На практике (за границей) они полностью заменяются на новые, у нас в республике они восстанавливаются, путем удаления изношенной части и приваркой новой. Такие восстановленные лезвия не выносят больших нагрузок при обработке тяжелых почв и ломаются по месту сварки, так как структура металла при нагреве изменяется и теряется механическую прочность.

Задачей модели является обеспечение надежности крепления восстанавливаемой части рабочего органа почвообрабатывающей фрезы и сокращение времени монтажно-демонтажных работ.

Для достижения поставленной задачи в известном рабочем органе почвообрабатывающей фрезы, содержащем Г-образный нож состоящий из опорной ступицы и клинка, стыкуемые торцы последних выполнены с зазубринами треугольной формы, взаимно совмещающимися друг с другом, а с тыльной стороны ступицы приварена опорная пластина, имеющая отверстия для крепления клинка посредством болтового соединения.

Сущность технического решения поясняется чертежами, где на рис.1 изображен рабочий орган фрезы - вид сбоку и спереди; на рис. 2 - ступица, вид сбоку и спереди; клинок, вид спереди и сбоку; разрез А-А клинка.

Рабочий орган почвообрабатывающей фрезы содержит согнутую Г-образную ступицу 1 с отверстиями 2 в хвостовой части, стыкуемый торец ступицы выполнен с зазубринами 3 треугольной формы, а с его тыльной стороны приварена опорная пластина 4 с отверстием 5. К ступице 1 посредством болтового соединения 6 состыкован клинок 7, также выполненный с зазубринами 8 и отверстиями 9. Рабочая часть клинка 7 обработана с двух сторон под лезвие 10. Перед применением рабочий орган собирают следующим образом. Клинок 7 прикладывают к опорной пластине 4 так, чтобы зазубрины 3 ступицы 1 совместились с зазубринами 8 клинка, при этом отверстия 5 на пластине 4 должны совпасть с отверстиями 9 на клинке.

По завершении такой контрольной сборки прикладываемые детали стягивают болтовыми соединениями 6 накрепко. Готовый таким образом рабочий орган стыкуют через отверстия 2 с основой фрезы (рисунке-2).

Выполнение рабочего органа почвообрабатывающей фрезы сборно-разборным отличает его от известного аналога рядом преимуществ.




Рис.1. Схема рабочий орган почвообрабатывающей фрезы.




Рис. 2. Схема рабочий орган почвообрабатывающей фрезы.

Во первых, при эрозионном износе клинка, его можно быстро заменить на новый. Изготовление клинка и ступицы с зазубринами на стыковочном торце уменьшает динамические нагрузки на болтовые соединения и предохраняет их от преждевременного среза.

Во вторых, сокращается время на монтажно-демонтажные работы, которые могут проводится и в полевых условиях. При затуплении одной стороны лезвия, клинок можно установить другой стороной [2]. Единственным трудоемким процессом является выполнение зазубрин на изношенных деталях, но при серийном изготовлении ступиц и клинков затраченный труд окупится с лихвой. Наиболее близким по конструктивному исполнению, сущности и достигаемому эффекту к предлагаемой модели является фрезерный культиватор, содержащий раму, с установленным на ней редуктором и горизонтальным

вращающимся валом, обеспечивающим вращение вертикально установленных фрезерных органов.

Рабочий орган почвообрабатывающей фрезы, содержащий Г-образный нож, состоящего из опорной ступицы и клинка, отличающийся тем, что опорная ступица и клинок выполнены с возможностью разъемного соединения, стыкуемые торцы опорной ступицы и клинка выполнены с зубцами треугольной формы, с тыльной стороны ступицы приварена опорная пластина, снабженная отверстиями для крепления клинка посредством болтового соединения.

Список литературы

- [1]. Тўхтақўзиев А., Ишмурадов Ш.У., Абзалова М. Дискли плуг// О ‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. - 2010. -№12. -Б. 29.
- [2]. Ишмурадов Ш.У., Худойбердиев М.А., Абдумажидов Р.Б. Рабочий орган почвообрабатывающей фрезы // Агентство по интеллектуальной собственности. - 2021. № FAP 01677.
- [3]. Ишмурадов Ш.У., Абдумажидов Р.Б. Определение экономичного и эффективного способа восстановления рабочих органов фрез, используемых при обработке почвы // Universum: технические науки :электрон. научн. журн. 2021. 3(84).
- [4]. Косимов К.З., Муйдинов А.Ш., Мадазимов М.Т., Хошимов Х.Х. Перспективы восстановления изношенных деталей машин наплавкой композиционных порошковых материалов. // БГАУ научный журнал “ВЕСТНИК”. – № 3 (43). – Башкортостан, 2017. – Б. 54-56.

РОТОРЛИ ЧАНГЛАТУВЧИ АППАРАТЛАР ИШИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

К.Д. Мухамадсодиқов, А. Собиров

*Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 25.08.2022 й.)*

Мақолада масса алмашини жараёнларини интенсификацияси энергия сарфини камайтириши мақсадида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириши учун мавжуд роторли масса алмашини аппаратларини иш жараёни таҳлил қилиниб, улардаги афзалликлар ва камчиликлари, шунингдек суюқликларни роторли чанглатувчи аппаратларнинг кенг диапазонда унумли ишлаши ўрганилган. Фазалари бурама ҳаракатли бўлган конструкциядаги роторли пуркаш аппаратлари кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди.

Ключевые слова. Газ-жидкость, массоперенос, гидродинамический процесс, роторный распилильный аппарат, деформация, ротор, жидкая капля, факел жидкости. скручиванное движение, вылет капли, каплеотбойник.

***Калит сўзлар.** Газ-суюқлик, масса алмашини, гидродинамик жараён, роторли пуркаш, томчи, деформация, ротор, чанглатувчи аппарат, суюқ томчи, бурама ҳаракат, суюқлик пуркагич, томчиларнинг учини, суюқлик машаъласи.*


В статье приведены результаты литературного обзора по интенсификации и уменьшению энергозатраты при массообменных процессах, анализированы процесс работы роторных распыливающих массообменных аппаратов, определены их преимущества и недостатки, а также в обширном диапазоне изучены эффективность работы роторных распыливающих аппаратов. Выбраны для дальнейшего исследования конструкция роторного распыливающего аппарата с закрученными движениями фаз.

***Ключевые слова.** Газ-жидкость, массоперенос, гидродинамический процесс, распыление ротора, капля, деформация, ротор, распылитель, капля жидкости, закручивающее движение, распыление жидкости, полет капли, задача о жидкости.*

In the article, the working process of existing rotor mass exchange devices is analyzed, their advantages and disadvantages, as well as the efficient operation of liquid rotor dusting devices in a wide range, are analyzed in order to carry out scientific research work in order to reduce the energy consumption of mass exchange processes. The rotor sprayers of the design with rotating phases were selected for further studies.

***Key words.** Gas-liquid, mass transfer, hydrodynamic process, rotor spray, droplet, deformation, rotor, dusting device, liquid droplet, screw motion, liquid sprayer, droplet flight, liquid torch.*

Ҳозирги вақтда кимё саноати корхоналарида газ-суюқлик фазаларида масса алмашилиш жараёнлари интенсивлигини ошириш ва энергия сарфини камайтириш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган мавжуд




1- расм. Чанглатувчи диски роторли колонна. 1 - корпус; 2 - вал; 3 - чанглатувчи диск; 4 - қўзғалмас тарелка; 5 - тўсик.

курулмалардаги масса алмашилиш жараёнларини интенсивлашга имкон яратувчи қурилмаларнинг гидродинамик қаршилиги ва энергия сарфи катта. Бу иқтисодий жихатдан сарф харажатни ортишига сабаб бўлади. Бундан ташқари мавжуд аппаратларда гидрадинамик жараён мураккаблиги билан ажралиб туради [1].


Кимё саноати корхоналарида бир неча хил турдаги роторли пуркаш аппаратлари қўлланилади. Оддий конструкцияга эга бўлган аппарат вертикал цилиндрга ўрнатилган марказий вал, вал билан айланувчи дисклар ва дисклар орасида қўзғалмас конуссимон тарелкалар жойлашган бўлиб, уларнинг марказий қисмида тешиклар мавжуд. Қўзғалмас тарелкага тушган суюқлик айланувчи дискка оқиб тушади. Дискнинг айланишидан келиб чиқадиган марказдан кочма кучлар таъсирида суюқлик корпуснинг ички юзасига оқим ва томчилар кўринишида тушади, ундан қайтиб кейинги тарелкага ўтади. Бу турдаги колонналарнинг асосий камчилиги газ (буғ) фазаси бўйича юкланишнинг пастлигидир.

Томчилари кўп марта деформацияга учрайдиган аппарат ишлаб чиқилган бўлиб, у юқори самарадорликка эга: унинг асосий камчилиги нисбатан паст даражадаги ўтказиш қобилиятидир [2] (3-расм).

Роторли чанглатувчи аппаратлари конструкцияларини модификациялари уларнинг унумдорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди. [1]. Роторнинг контакт мосламалари тўрли матодан спирал шаклида ёки валга маҳкам коксил (битта марказий ва унга паралел бўлган сачратиш қурилмалари) жойлашган бортлари қайтарилган тешикли цилиндрлар тўплами шаклида ишлаб чиқилган. Аппарат ишлаганда тешиклари бўлган ички тақсимловчи



2 - расм. Юқори унумдорликка эга бўлган роторли колонна. 1 - корпус; 2 - вал; 3 - чанглатувчи диск; 4 - қўзғалмас тарелка; 5- буғ ўтиши учун қувур.



3-расм. Томчилари кўп марта деформацияга учрайдиган аппарат схемаси. 1 - корпус; 2 - вал; 3 - қўзғалмас тарелка; 4 - айланувчи тарелка; 5 - тўсик.

стаканига тушади ва унинг ички юзаси бўйича плёнка кўринишида оқади. Марказдан кочма куч таъсирида суюқликнинг тешиклардан томчилаб оқиши содир бўлади ва у спиралнинг бурилишлари ёки цилиндрлар орасига тарқалади. Суюқлик аппаратнинг деворига урилгандан сўнг, оғирлик кучи таъсири остида суюқлик оқувчи қурилмалар бўйлаб пастки контакт элементига йўналтирилади. Перфорация диаметри 1 дан 2 мм гача бўлган тешиклар ёки вертикал ҳамда горизонтал тирқишлар шаклида бажарилади. Роторнинг айланишлар сони минутига 480 дан 2000 мартагача бўлади.

Юқорида кўриб ўтилган аппаратлар ўзининг афзалликлари қарамай бир қатор камчиликларга эга. Бу нисбатан юқори гидравлик қаршилик, суюқ фаза бўйича юкланиш чегараси пастлиги, жараённинг оптимал таснифларини олиш учун кўп сонли контакт поғоналардан фойдаланиш керак бўлади ва юқорилардан келиб чиққан


холда айтиш мумкинки бу турдаги аппаратларнинг унумдорлиги паст [3].

Бир қатор тадқиқотларда [2,3,4,5,6] суюқликлар айланаётган газ оқимига пуркалганда, масса алмашинишнинг юқори самарадорлиги қайд этилган.

Чанглатувчи масса алмашиниш аппаратларининг самарали конструкцияси В.А. Заднепрный [2] томонидан яратилган. Суюқлик тўсиш қурилмаси бўлмаган бу конструкцияда суюқлик тешиклари бўлган айланувчи цилиндрда чанглатилади.

Суюқ томчилар айланаётган газ оқими билан ўзаро таъсир қилади, бу масса алмашинувини кучайтиради ва томчиларни ажратишни осонлаштиради. Ушбу қурилма юқорида кўриб чиқилган конструкцияларнинг аппаратига қараганда анча самарали бўлиб, унда суюқлик айланмасдан ҳаракатланадиган газ билан ўзаро таъсир қилади. Газ ва суюқликнинг кесишувчи оқими кўплаб чанглатиш поғоналари кераклигини белгилайди.

Таҳлиллар кўрсатиши бўйича роторли пуркаш аппаратлари кенг диапазонда барқарор ишлайди ва масса алмашиниш жараёнларини юқори самарасини паст гидравлик қаршилиқларда таъминлайди. Хар бир контакт элементида суюқликнинг кўп марталик циркуляцияси ва доимий янгилашиб турадиган фазалар аро контакт юза масса алмашиниш жараёнини самарасини ортиради. Шунинг учун роторли пуркаш аппаратлари дистилляция, абсорбция, ректификация жараёнлари учун истиқболли бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга бу аппаратларда мавжуд бўлган юқорида келтирилган камчиликлар янги конструкциядаги, унумдорлиги юқори ва энергия сарфи кам бўлган аппаратларни яратиш муаммосини юзага келтирди. Бурама газ- суюқлик оқимидан фойдаланиладиган роторли пуркагич аппаратларни яратилиши шу турдаги аппаратлардан фойдаланишда янги босқични бошлаб берди.



4 – расм. Фазалари бурама ҳаракатли бўлган тўғри оқимли роторли пуркаш аппарати. 1-вал; 2-корпус; 3-дисперсловчи қурилма; 4-газ йўллари; 5- тўкиш тарелкаси; 6- оқиш қувурлари; 7 - йўналтирувчи кураклар; 8-девор олди томчи қайтаргичи.

томчи қайтарувчи деворларига урилганда, суюқ плёнка юзасида, корпус деворида ва тарелкадаги суюқликнинг эркин юзасида фазаларнинг контакт юзаси ҳосил бўлади.

Таъкидланишича, томчиларнинг учиши пайтида масса алмашиниш коэффициентлари суюқликнинг эркин юзасида алмашинувга қараганда 10-20 баравар юқори. Шунинг учун, контакт босқичида масса алмашинуви, асосан, томчилар парвози пайтида ва улар тўсиққа урилганда содир бўлади деб тахмин қилинади.

Ишчи суюқлик тўкиш тарелкаси 5 нинг озиқланувчи идишидан чанглатгичнинг тўсувчи қурилмаси 3 бўлган майдаловчи қурилмага (майда тешиқлардан иборат бўлган

4-расмда фазалари бурама ҳаракатли бўлган роторли пуркаш аппарати келтирилган. Ушбу турдаги бошқа роторли пуркаш аппаратларига ўхшаб, масса алмашиниш колоннаси ҳам фазаларни кириш ва чиқиш қурилмалари бўлган цилиндрсимон корпус, корпусга маҳкамланган газ йўллари билан таъминланган суюқлик пуркагич валида айланувчи тўкиш тарелкалари ва корпус деворида жойлашган газни суюқликдан ажратувчи-томчи қайтаргичдан иборат. Лекин роторли колоннани самарадорлигини газ фазани контакт элементларда бўлиш вақтини ошириш мақсадида газ йўлининг тик девори тарелка текислигига нисбатан 10-30° бурчак остида ўрнатилган.

Роторли чанглатиш аппаратидаги фазалар контакт юзаси суюқлик марказдан қочма кучлар таъсирида тарқалиб, чанглатилган томчиларни

цилиндр) узатилади ва марказдан қочма куч таъсирида контакт элементларнинг эркин бўшлиғига оқим ва томчи сифатида ўтади. Томчиларнинг катталиги ва уларнинг учиш тезлиги ишчи суюқликнинг хусусиятлари, чанглатувчи аппаратнинг дисперсловчи курилмаси юзасидаги тешикларнинг диаметри ва унинг айланиш бурчак тезлиги билан белгиланади. Суюқлик деворга ўрнатилган томчи қайтаргич 8 га етиб борганидан сўнг, томчилар унинг пластинкаларига урилади ва пластиналар бўйлаб сўнгра корпус бўйлаб сирпаниб, тўкиш тарелкаси 5 га оқиб тушади [1]. Плиталар юзасига томчиларнинг тангенсиал таъсири иккиламчи томчилар ҳосил бўлиш эҳтимолини ва суюқликни сачрашини камайтиради. Суюқликнинг тангенсиал таъсирида, томчилар энергиясининг катта қисми суоқ плёнкани майдалашга эмас, балки уни аралаштиришга сарфланади. Натижада юқори даражада ривожланган ва интенсив янгиладиган фазалар аро контакт юзаси ҳосил бўлади. Тўкиш тарелкаси 5 нинг атроф қисмидан қувурлар 6 орқали олиб кетиладиган ишчи суюқлик озиклантирувчи идишга тушади, у ердан чанглатгичнинг йиғиш мосламасидан яна дисперсаш мосламасига берилади. Янги олинган суюқлик миқдорига тенг ҳажмдаги ортиқча суюқлик дренаж плитасининг 5 марказида жойлашган тошиб кетадиган труба 1 орқали коакциял равишда қуйи контакт элемаентга туширилади. Тўкувчи қувур бўйлаб янги тўкилган суюқлик миқдорига тенг бўлган суюқлик вал 1 даги тўкиш тарелкаси 5 марказида жойлашган контакт элементга қуйилади.

Ҳар бир контакт юзадаги аппарат орқали кўтарилаётган газ (буғ) чанглатилган суюқлик машъалидан кейин олдинга оқимга яқин шароитда ҳаракат қилади, бу газ каналлари ичидаги йўналтирувчи қанотларнинг 7 мос келадиган ўрнатиш бурчаги ҳамда, деворга ўрнатилган томчи қайтариш пластиналари 8 билан таъминланади.

Аппарат бўйлаб кўтарилаётган газ ҳар бир контакт элементда чанглатилган суюқлик оқими ортидан тўғри оқимга яқин ҳолатда ҳаракат қилади, бу газ каналлари ичидаги йўналтирувчи куракчалар 7 ни ва девор олди томчи қайтарувчилари 8 ни маълум бир бурчак остида қўйилиши натижасида юзага келади. Натижада, газ (буғ) бурама ҳаракатини сақлаб қолади ва девор олди томчи қайтарувчи 8 нинг 13...15⁰ бурчак остида қия жойлашган пластиналари ҳосил қилган каналлардан оз қаршилиқ билан ўтади.

Чанглатилган суюқлик машъаласидан кейин ҳаракатланаётган газ (буғ) учувчи томчилар томонидан яратилган паст босим худудига киради.

Шу тарзда ташкил этилган газ (буғ) ҳаракати шароитида контакт элементнинг гидравлик қаршилиқларини бартараф этиш учун энергия харажатлари камаяди. Газ (буғ) оқимининг айланма ҳаракати пластиналар ва томчи қайтарувчи ораллиғидаги бўшлиқда томчиларни ажралиш самарадорлигини оширади, бу эса ўз навбатида сачратилган суюқликни бошқа томонга олиб кетилишини камайтиради.

Газ (буғ) ҳаракати йўналиши бўйича йўналтирувчи куракчалар 7 ва томчи қайтарувчи 8 нинг газ йўналиши бўйича бир хил қиялик бурчаклари нафақат гидравлик қаршилиқни камайтиради, балки кўшимча турбулизация бўлишига имкон яратади ва томчи қайтаргич пластинасининг пастки томонида фазалар аро контакт юзасини янгиладиганга имкон яратади. Натижада амалга оширилаётган жараёнларни самарадорлиги ортади ва контакт элементда суюқлик сачратқисини бошқа томонга кетиб қолиши камаяди.

Газ (буғ)нинг аппаратдан тангенсиал кириши ва чиқиши, тарелка 5 текислиғига 13 ... 15⁰ бурчак остида ўрнатилган йўналтирувчи куракчалар 7 туфайли, шунингдек корпус 2 да ўрнатилган томчи қайтаргич 8 пластиналарида газ каналларини газ (буғ) ҳаракати йўналиши бўйича 13...15⁰ да ўрнатилиши бутун баландлик бўйича газнинг (буғ) нинг бурама таъминлайди.

Фазалар контакти юзаси таҳлили [2.3.4.5.6.]шунини кўрсатадики, деворга яқин бўлган томчиларни йўқ қилувчи контакт элементларда роторли чанглатиш аппаратлари тарелкалари устида ҳосил бўлган сирт ўлчамини суюқлик оқимидаги томчилар ҳосил қилган сирт билан солиштириш мумкин. Шунинг учун роторли чанглатувчи аппаратларда фазалар контакт юзасини ўрганиш муҳим вазифадир, чунки бу жараённи мақсадли равишда фаоллаштириш ва бундай курилмаларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқишга оқилона ёндашиш

имконини беради. Адабиётлардан маълумки [2], чанглатиш аппарати ёрдамида чанглатилган суюқлик томчиларининг парвоз вақтидаги контакт юзасини (1-босқич) қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$F^{(1)}=6Q_p \cdot \tau_k/d_k$$

Бу ерда: Q_p – чанглатгичнинг унумдорлиги, m^3/c ; τ_k — томчиларнинг учуш вақти, c ; d_k — томчиларнинг ўртача юза диаметри, m .

Фазалар контакти юзасининг иккинчи компоненти мураккаб гидродинамик муҳитда девор олдидаги томчи қайтаргич юзасига уриладиган суюқлик томчиларидан ҳосил бўлади. Шу сабабли, девор олдидаги томчи қайтарувчи тарелкаларга урилган томчининг фазалар контакти юзасини аниқлаш учун кимёвий усул билан олинган $F^{(2)}$ алоҳида қизиқиш ҳосил қилади [2].

$$d_k = 1,06 \times 10^{-3} m, F^{(2)}/F_{пл} = 1,61 \times 10^{-2} Re^{0,56} \quad (1.1)$$

$$d_k = 1,15 \times 10^{-3} m, F^{(2)}/F_{пл} = 4,018 \times 10^{-2} Re^{0,702} \quad (1.2)$$

$$d_k = 1,30 \times 10^{-3} m, F^{(2)}/F_{пл} = 7,812 \times 10^{-2} Re^{0,847} \quad (1.3)$$

бу ерда:

$F_{пл} = h_n l_n z'$ томчиларни қайтарувчи тарелкаларнинг умумий юзаси, m^2 ;

h_n - деворга ўрнатилган томчи қайтарувчи тарелкаларининг баландлиги, m ; l_n - тарелка кенглиги, m ; z' - томчиларни ажратувчи тарелкалар сони; $Re = U_k d_{орж} / \mu_{ж}$ Рейнолдс сони.

1.1-1.3 тенгламалар $Re = 4800-14100$ диапазонда текширилганда ҳисобийдан фарқи 17 % дан ошмаган.

Келтирилган маълумотлардан айтиш мумкинки Рейнолдс сонининг ортиши ва томчи диаметрини камайиши билан фазаларнинг контакт юзаси $F^{(2)}$ ортади. Натижада $F^{(2)}$ ортиши билан масса алмашилиш жараёни интенсифлашади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, роторли пуркаш аппаратларининг масса алмашилиш хусусиятларини ўрганиш, янада мукамаллашган конструкциялар ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш, масса алмашилиш жараёнларини самарали амалга ошириш ва энергия сарфини камайитириш масаласини хал қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим вазифадир.

Адабиётлар

- [1]. Н.Р. Юсупбеков, Ҳ.С. Нурмухамедов, С.Г. Зокиров Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари. Тошкент – 2003 644 бет
- [2]. 2.Козымаев В. С. Исследование массообменных характеристик контактного элемента с целью создания высокоэффективного роторного распылительного аппарата. Дисс. ... канд. техн. наук. - Кемерово, 2004. - 122 с.
- [3]. Мамин В.Н. Эффективные тепломассообменные роторные аппараты химической и пищевой промышленности. -Краснодар, 1994. -132с.
- [4]. Марков В. А., Волков В. К., Ершов А. И., Волк А. М.// Изв. вузов, Энергетика.-1991. -№6. -С. 94-98.
- [5]. Третьякова Н.Г. Совершенствование технологии производства пищевых продуктов с использованием роторного распылительного испарителя: Дисс. ... канд. техн. наук. - Кемерово, 2002. - 172 с.
- [6]. Сорокопуд А.Ф., Стрижков Д.С., Козымаев В.С. Исследование работы нового контактного элемента роторного распылительного аппарата. Техника и технология пищевых производств. 2012. № 4.

МОЙЛИ ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРДАГИ МОЙЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ

И.З. Зокирова

Андижон машинасозлик институти, i.zokirova @ mail.ru +99 890 541 32 55

(Қабул қилинди 24.08.2022 й.)

Фан ва техниканинг жадал суратларда ривожланиши иш шароитларида электротехник изоляцияга қўйилган шартларни мураккаблашиши ва ортишини талаб этмоқда. Шулардан келиб чиқиб энергетика тизимида ишловчи барча мойли электр ускуналарнинг ишлаш муддатини ошириши мақсадида уларга қўйилган трансформатор мойининг таркиби ва мойга қўйилган талаблар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиши зарур ҳисобланади.

Шу билан бирга уларда олиб бориладиган синовларини тутган ўрни юқори бўлиб, электроизоляция материалларни техник шартлар ва стандарт талабларига мослигини аниқлаш бош мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун мойли ускуналарни ишлатиш давомида доимий назоратини олиб бориш ва уларга қўйилган трансформатор мойининг сифат кўрсаткичларини белгиланган меъёрий хужжатлар асосида синовдан ўтказиб текшириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Таянч сўз ва иборалар: Трансформатор мойи. Мой сифат кўрсаткичлари. Мойнинг сифат кўрсаткичларига қўйилган меъёрлар. Мойларнинг қисман ва кимёвий тахлиллари.

Развитие электроэнергетики и электромашиностроения связано с использованием широкого ассортимента электроизоляционных материалов. Интенсивное развитие науки и техники требует усложнения и повышения условий, поставленных перед электротехнической изоляцией.

Исходя из вышеприведенного в целях повышения сроков работы всего масляного электрического оборудования работающих в системе энергетики и иметь подробные сведения заливаемых трансформаторных масел и требованиях к ним. В месте с тем значение проводимых испытаний в них является весомым, главной задачей определить требованиям стандартов электроизоляционных материалов и соответствия техническим условиям.

Для этого будет целесообразным проверка испытанием на основании нормативных документов качественных показателей залитых в них и ведение постоянного контроля масляных оборудований в период эксплуатации.

Ключевые слова: Масляная устройства. Трансформаторное масла. Качество масла. Нормативные документы. Нормы. ГОСТ

Electroelectric power and electromashinostroeniya svyazano s ispolzovaniem shirokogo assortment electro-insulating materials. Intensive Care Equipment and Technical Proprietary Supply and Installation Applied, Post-Electrical and Insulation Systems. Isxodya from etogo nade imet Practices and vysheprivedennogo, neobhodimo podcherknut, dye glavnoy tselyu yawlyaetsya provostyx insulating materials material impregnated ix. In the energy systems of transformational priming in the best possible way, prints and adjustments.

I need to know how to use masters and masters, and to prove to me that I have a good picture..

Key words : Oil equipments. Transformer oil. The quality of oil. Regulations norms. Norms. GOST

Электроэнергетика ва электромашинасозликнинг ривожланиши кенг ассортиментли электроизоляция материаллардан фойдаланишга боғлиқдир. Фан ва техниканинг жадал суратларда ривожланиши иш шароитларида электротехник изоляцияга қўйилган шартларни муракаблашиши ва ортишини талаб этмоқда. Шулардан келиб чиқиб уларда олиб бориладиган синовларини тутган ўрни юқори бўлиб, электроизоляция материалларни техник шартлар ва стандарт талабларига мослигини аниқлаш бош мақсад қилиб қўйилади. Ушбу мақсад йўлида электроизоляция материалларни белгиланган меъёрий хужжатлар асосида текширувдан ўтказилишини тақазо этади.

Энергетик тизимда трансформаторлар электр энергияни узатувчи, қабул қилувчи ва тарқатувчи қурилма сифатида қўлланилади. Трансформаторларни ишлаш муддатини ошириш, сифат кўрсаткичларини белгиланган микдорда ушлаб туришда унга қўйилган трансформатор мойини сифат кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга.

Трансформатор мойи ҳақида қисқача маълумот берсак, –бу нефтни 280°-420° С да қиздирилганда ҳосил бўлган олтингугуртли ва қаттиқ парафинли углеводородларни сақловчи маҳсулотдир. Ишлаб чиқаришда бу мойлар таркибидаги олтингугурт ва парафинлардан (шам) тозаланган ҳолда фойдаланилади. Улар ҳолатига қараб қуйидаги синфларга бўлинади: янги, тоза, қуруқ, регенерация қилинган, эксплуатацияда қўлланилган ва қайта ишланган.

Трансформатор мойи электр қурилмаларда асосан изоляция вазифасини ўтайди ва асосий химоя қобиғи сифатида қўлланилади ва мақсадли хусусиятига қараб трансформатор ва ускуналарга қуйиб ишлатилади: куч трансформаторларида, куч трансформаторларининг РПН қурилмаларида, ўлчов трансформаторларида ва мойли ўчиргичларда.

Ишлаб чиқаришда мойли электр ускуналарни ишлаши доимий назоратга олинган бўлиши жуда муҳим ҳисобланади.

Трансформатор мойларига қўйилган талаблар электр ускунанинг турига, кувватига, кучланишига қараб белгиланган меъёрларга мос бўлиши керак.

Бунинг учун трансформатор мойини қисман ва кимёвий таҳлилдан ўтказиш зарур бўлади. Қисман таҳлилга қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш керади:

- ташқи кўриниши ва ранги;
- механик аралашмалар бор йуқлигини кўриш (кўз билан);
- тешиб ўтиш кучланишини текшириш;
- ачиганлик миқдорини текшириш;
- чакнаш хароратини аниқлаш;
- сувда эрувчи кислота ва ишқорлар бор йуқлигини текшириш;
- Тўлиқ таҳлилга эса қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш керади.
- тангенс 90°С бурчак остида диэлектрик йуқотилиши текшириш;
- механик аралашмаларни сон жихатдан аниқлаш;
- тозалик синфи;
- Намлик миқдорини сон жихатдан аниқлаш;
- ковушқоқлигини текшириш;
- оксидланишини текшириш;

Ушбу кўрсаткичларни текширилиши ишлатишдаги трансформатор мойларининг тури ва унинг кимёвий таркибини аниқлаш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу анализларни ўтказишдан олдин белгиланган режа асосида қурилмалардан махсус квалификацияга эга бўлган ходимлар томонидан намуналар қуйида берилган тартибда амалга оширилади.

Трансформатор мойидан намуна олиш қоидалари.

Текширилиши керак бўлган трансформатор мойидан синаш ва қисман кимёвий таҳлил қилиш учун намуна олишни юқори кучланишли электр ускуна ва қурилмаларда ишлашга рухсати бор махсус ўкитиб ўргатилган, электр хавфсизлиги бўйича III-IV малака гуруҳига эга бўлган шахслар бажариши керак.

- Намуна наряд ижозат асосида ускуна ва қурилмаларнинг қобиғини пастки қисмига ўрнатилган махсус намуна олиш мосламаларидан олиниши керак.
- Кучланиш остида бўлмаган электр ускуна ва қурилмалардан электр хавфсизлиги (ЭХ) бўйича III- малака гуруҳига эга бўлган шахсга фармойиш асосида намуна олишга рухсат берилади.
- Мойли электр ускуна ва жиҳозлардаги мой олинадиган жой тоза латта билан артилиб тозаланиши ҳамда ўша махсус жойдаги бўлиши мумкин бўлган ахлатларни тозалаш, яъни уларни чиқариб юбориш учун 2-3 литр мойини бошқа идишга тўкиб олиши керак бўлади. Сўнгра намуна олинадиган идишни мой билан яхшилаб 2-3 марта чайилади ва намуна олинади.
- Намунага олинган мойнинг миқдори идиш хажмининг 95 % дан кам бўлмаслиги керак ва унинг оғзини зудлик билан мустаҳкам беркитилиши керак.
- Мой таркибидаги аралашган сувнинг миқдорини аниқлаш учун намуна олиниши керак бўлса элект ускуна ва жиҳозлар ишлаб турган ҳолда ёки ўчирилганда тезлик билан олиниши ва ўша пайтдаги мойнинг харорати ўлчаниб қайд қилиниши керак.
- Трансформатор мойидан намуна олиш учун махсус резина ёки пўкакли маҳкам ёпиладиган қопқоқли идишдан фойдаланилади.
- Идиш аввал яхшилаб ювилади ва совун кукуни билан тозаланади. Тоза сув билан 2-3 марта чайиб олинади. Қуритиш учун тўнкариб қўйилади.
- Мойдан намуна олингандан сўнг ёрликка қурилманинг маълумотларини ёзиб ёпиштирилди.
- Анализга келтирилган мой намуналари лаборатория хонасининг хароратига камида 1 соат давомида мослашгандан сўнг анализ қилинади

Трансформатор мойни кимёвий таҳлил қилишда фойдаланувчи кимёвий моддаларни тайёрлаш

1. 100 гр 85% ли этил спиртини тайёрлаш:

89 см³ (этил спирти) + 11 см³ (дистирланган сув) = 100 гр 85% ли этил спирти тайёр бўлади.

2. 0,5 % ли нитрализоний желтийни сувдаги эритмасини тайёрлаш:

0,5 гр (нит жел) + 100 см³ (дис сув) = 100 гр 0,5 %ли нит жел индикатор тайёр бўлади.

3. 0,05% КОН ни спиртли эритмасини тайёрлаш усули: 3 гр КОН дан олиб 100 мл этил спиртида эритилади ва ҳосил бўлган эритма аста секин аралаштирилади ва қоронғи жойда 24 соат давомида ушлаб турилади. Эритмани қора шишали ёки қорага бўялган оғзи пробкали банкада сақланиши керак.

4. КОН эритмасини тайёрлаш усули:

1 литр дистирланган сувга 56 гр КОН дан солинади. Бунда 0,1 литр КОНни эритмаси ҳосил бўлади.

Агарда 56/2= 28 гр КОНни 0,5 литр дистрланган сувда эритилса 0,05 % ли КОН нинг эритмаси ҳосил бўлади.

Агарда 28/2=14 гр КОН ни 250 мл дистрланган сувга эритилса 0,025 % ли КОН нинг эритмаси ҳосил бўлади.

5. HCl ли эритмаларни тайёрлаш усули:

1) 0,1 Н (нормал) HCl (соляная кислота) ни заводскойидан 1/10 гр (заводаской шиша ёпик идишдаги) олиб, 1 литр дистирланган сувга қўшамиз, бунда 0,1 HCl ли ҳосил бўлади.

0,1 Н HCl (1/10 гр заводской) +1 литр дист сув= 0,1 Н HCl

2) 0,05% HCl бизга оз миқдорда тайёрлаш учун эса алохида идишга тайёрланган 0,1 HCl дан 150 мл олиб 150 мл дистрланган сув қўшамиз;

0,05% HCl = 150 (200) мл (0,1Н HCl)+ 150 (100)(дистрланган сув)

3) 0,025 % лисини тайёрлаш учун эса

0,025% HCl = (0,05 % ли HCl дан) 150 мл + (дис сувдан) 150 мл ёки 100 мл қўсхисх мумкин.

6. Рангли селикагелни тайёрлаш

500 гр рангли селикагелни тайёрлаш:

20 гр калций хлористийни 60 мл дистрланган сувга эритиб аралаштирилади.

15 гр кобалт хлористийни 15 мл дистрланган сувга эритилиб аралаштирилади

Иккала аралшмани тоғорога қуйиб 500 гр оддий селикагелни соламиз.

Селикагел аралашмани ўзига шимиб олиб қизил рангга киради.

Сўнгра уни қуритиш учун печга 90°-100°С га қўйиб қуритамиз.

Селикагел ҳаво рангга кирганда у тайёр ҳолатга келади.

7.Селикагелни нам тортиш хусусияти

-Бюксини (махсус копоқли идиш) олиб яхшилаб тозаланиб тортилади ва унга 1,5-2 гр селикагелни соламиз ва оғзини очиб сушкага қўйиб 150°С бўлгунча ушлаб турилади.

-150° С бўлгандан сўнг худди шу ҳолатда 3 соат мобайнида ушлаб турилади.

-3 соатдан сўнг бюкси олинади ва эксикаторга оғзини ёпиб қўйилади ва оғирлиги ўзгармас ҳолатга келгунча ўша жойда туради.

-10-15 минутдан сўнг яна тортилади ва оғирлиги ўзгармас ҳолатга келганига ишонч ҳосил қилинади.

$$X_c = (m_1 - m_2) \times 100 / m$$

бу ерда

